

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
«Иқтисодиёт» кафедраси



СамИСИ ўқув услубий кенгашида
муҳокама этилган ЎУК раиси
и.ф.д., профессор Мирзаев К.Ж.
Баённома № 1 30 август 2019 й.

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

фанидан

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси: 200 000 - Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ

Таълим соҳаси: 230 000 – Иқтисод

Магистратура
мутахассислиги: 5A230102–Иқтисодиет (хизматлар соҳаси)

Самарқанд-2019

Г.М Хусанова. “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Ўқув-услубий мажмуя. – Самарқанд :: СамИСИ. – 2019.

Лойиха муҳаррирлари:

Иқтисод фанлари номзоди, доцент Г.М. Хусанова

Тақризчилар:

Иқтисод фанлари номзоди, доцент Б.А.Абдукаримов.,

Иқтисод фанлари номзоди, доцент в.б. Ш.А. Султонов

Мажмуя олий мактаб ва қўшимча таълим тизимидағи таълим муассасалари ўқитувчилари учун мўлжалланган. Ўқув-услубий мажмуя Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёев “O’zbekiston Respublikasi Oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirining 05.06.2018 yildagi buyrug’i”га асосан (№ПП-3775) қарори ва 2-иловаси 7-бандида кўрсатиб ўтилган вазифалар ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 1 марта даги № ПК 107 от 1 марта 2017 года модемограммасида белгилаб берилган ўқув-услубий мажмуулар намунавий таркиби ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети методикаси асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу ўқув-услубий мажмуя олий ўқув юртлари педагог ўқитувчилари ва талabalар учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услубий мажмуудан хизматлар соҳаси тармоқлари муаммолари билан шуғулланувчи илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар ҳамда “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Ўқув-услубий мажмуя Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Илмий Кенгашида муҳокама этилган ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш ҳамда нашр учун тавсия этилган. Баённома № 1, 30 август 2019 йил.

Хусанова Г.М. – Самарқанд.: СамИСИ, 2019.

ҮҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА МУНДАРИЖАСИ

№	Хужжат номи	Стр
1.	Фан бўйича ўқув материаллари	4
2.	Мустақил ишга топшириқлар	115
3.	Глоссарий	117
4.	Иловалар :	123
4.1	“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг ўқув дастури	111
4.2	“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг ишчи дастури	125
4.3	“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани бўйича тестлар	135
4.4	Конун хужжатлари қўринишидаги иловалар	145
4.5	“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанидан тарқатма материал	150
4.6.	Электрон вариант	

" Махсус фанларни ўқитиши МЕТОДИКАСИ " фанидан
машғулотларнинг мавзулар ва соатлар бўйича таҳсиланиши:

№	Маърузалар мавзулари	Дарс соатлари ҳажми	Бет- лар
1	Махсус фанларни ўқитиши методикаси фанининг максад ва вазифалари	2	5
2	Таълим мазмўни ва ўқитиши мазмўнини тўзишда ўқўв- меъёрий хўжжатларнинг ахамияти	2	13
3	Махсус фанларни ўқитиши лойихалаштириш ва режлаштиришда ўқитиши максадларини белгилаш йўллари	2	24
4	Махсус фанларни ўқитиши жараёнида кўлланиладиган Ўқитиши методлари	2	35
5	Махсус фанларни ўқитиши жараёнида кўлланиладиган таълимнинг ташкиллаштириш шакллари	2	52
6	Махсус фанларни ўқитиши жараёнида кўлланиладиган таълим воситалари	2	61
7	Махсус фанлар бўйича машғулотларни лойхалаштириш ва режалаштириш асослари	2	78
8	Маъруза ва семинар машғулотларини лойхалаштириш ва режалаштириш асослари	2	81
9	Махсус фанларни ўқитишида ўқитувчининг касбий-педагог фаолияти	2	99
	Жами	18	

Мавзу 1: Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг предмети, вазифалари ва илмий асослари

Саволлар:

- 1. Замонавий босқичда мутахассис-иқтисодчилар тайёрлашнинг долзарб муаммолари**
- 2. Иқтисодчилар тайёрлашнинг хуқуқий-меъёрий ва ташкилий асослари**
- 3. «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» курсининг мақсади ва мазмуни.**

Асосий тушунча ва терминлар: «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Бола хуқуқлари кафолати тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, бакалавриат, магистратура, давлат таълим стандарти, ўқув режа, ўқув дастури, махсус таълим, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, математик ва табиий-илмий фанлар, умумкасбий ва мутахассислик фанлари, ихтинослик фанлари, таълимнинг қўшимча турлари, рейтинг тизими, касбий фаолият турлари, мутахассислик фанларини ўқитиш, таълим мақсади ва вазифалари, ўқитиш тамойиллари.

1.1. Замонавий босқичда мутахассис-иқтисодчилар тайёрлашнинг долзарб муаммолари

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши, ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўлини белгилаши кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини қайта кўриб чиқиши, бу борада қатор чоралар кўриш заруратини келтириб чиқарди. Шу муносабат билан, энг аввало, таъкидлаш лозимки, иккита жуда муҳим ҳужжат қабул қилинди: таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларини, республикада таълим тизими ва турларини белгилаб берган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга доир «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бугунги кунда Дастурнинг учинчи босқичи амалга оширилмоқдаки, у қуйидагиларни кўзда тутади:

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базасини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини энг янги ўқув-методик комплекслар, илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан тўлиқ таъминлаш;
- миллий (элита) таълим муассасаларининг тикланиши ва ривожланиши, уларнинг мустақиллиги ва ўз-ўзини бошқаришини таъминлаш;
- таълим жараёнини ахборотлаштиришни таъминлаш, узлук- сиз таълим тизимини дунё ахборот тармоқларига чиқиши имкони бўлган компьютер ахборот тизимлари билан тўлиқ қамраб олиш.

Аниқ назарий ва амалий муаммолар ечимиға қаратилган гурӯҳ ёки якка тартибдаги лойиҳаларнинг талабалар томонидан ишлаб чиқилиши ва имплементация методикаси амалиётга татбиқ қилинмаган. Ҳолбуки, таълимга бу каби ёндашувда талаба (ёки талабалар гурӯхи) муаммони аниқлаш ва ҳал қилиш

йўлларини топиш, кейин етакчи мутахассислар олдида ўз «лойиҳасини ҳимоя қилиш» бўйича тақдимот ўтказиш топширигини олади. Бу каби лойиҳалар кейинроқ битирув-малакавий иши ёки магистрлик диссертацияси сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Таълим жараёнининг умумий тизимида талабаларнинг мустақил билиш фаолияти шу қадар аҳамиятлики, усиз мутахассиснинг касбий компетентлигини амалда шакллантириб бўлмайди.

Талабага ўқитувчини, ўзи танлаган ихтисослик йўналиши бўйича етакчи экспертни, жумладан, бошқа ОТМ ёки ИТИ ходимини мустақил танлаш имкониятини тақдим этиш амалиёти ҳам йўқ. Ҳолбуки, хорижда мазкур фаолият бўйича шуғул-ланадиган маҳсус маслаҳат марказлари мавжуд. Республикада олий таълим муассасалариаро хамкорликни кенгайтириш, мутахассислар маълумотлар базаларини шакллантириш ўринли бўларди. Бу эса талабаларнинг ўзларини қизиқтирган йўналиш ва мавзулар бўйича бошқа ОТМ ўқитувчилари маърузаларида бўлишларига имкон яратади. Ўкув фанларини ўзаро бойитиш йўлидан ривожлантириш

Юқорида санаб ўтилганлар ОТМ таълимини такомиллаш-тиришнинг айрим йўналишларигина, холос. Ўқитувчи-иқтисодчилар касбий тайёргарлик соҳаси янги ғоя, концепцияларга муҳтоҷки, улардан фойдаланиш билан таълим болаликдан ногиронларни юқори малакали мутахассислар ёрдамида ўқитиши-нинг халқаро даражасига кўтарилиши мумкин бўлади.

1.2. Иқтисодчилар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асослари

Мамлакатимизда «Иқтисодиёт» таълим йўналиши бўйича олий таълим модели, унинг мақоми ва тузилиши кўп жиҳатдан олий таълим анъаналари, ўрганиладиган фанлар мазмуни эса – иқтисодиётнинг фан ва амалий соҳа сифатида эришган ютуқлари билан белгиланади. Мазкур моделга мувофиқ таълимнинг биринчи босқичи бакалавр даражасини беришни кўзда тутади. Бакалавр даражаси умумий касбий маълумот олишни таъминлади. Кўп босқичли тизимнинг иккинчи босқичида – магистр даражаси берилади. Бу даражани олиш учун бакалавриат босқичини тамомлагандан кейин икки йиллик таълим курсини ўташ лозим. Магистрлик дастурлари ўрганиладиган фан соҳаларининг бири бўйича ихтисослаштирилган таълим олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ таълим сифати Давлат таълим стандартлари (ДТС) билан таъминланади. Уларда таълим жараёнининг тамойиллари, ўкув дастурининг тузилиши ва мазмuni, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, мажбурий компонентлар (ўкув фанлари рўйхати), таълим натижалари ва компетенциялар тавсифи ҳақида батафсил ахборот жамланади. ДТС шундай ҳуқуқий ҳужжат саналадики, унинг асосида ОТМ фаолияти белгиланади. Ундан ОТМ маъмурияти каби давлат назорат органлари томонидан ҳам бошқарув ҳужжати сифатида фойдаланилади.

ДТС асосида ўкув режалари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Гарчи мутахассислик бўйича таълим стандарти бўлажак мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган фанлар рўйхатини, ҳар бир фанга ажратиладиган ўкув соатлари ҳажмини ўз ичига олса-да, бу рўйхатни ўкув режа деб ҳисоблаб бўлмайди. Зоро, унда ўкув

топшириқларининг курс ва семестрлар бўйича тақсимланиши кўзда тутилмайди. Бу мақсадга факат ўқув режада эришилади, ўқув режа ҳам давлат ҳужжати саналади.

Ўқув режа, аввало, мутахассислик номи белгиланади, эгалланадиган малака мазмуни ва ўқиши муддатида кўрсатилади. Кейин у ёки бу йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш учун зарурий фанлар рўйхати келтирилади.

Ўқув фанлари бешта асосий групга бўлинади. Булар:

- гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар;
- математик ва табиий-илмий фанлар;
- умумкасбий ва мутахассислик фанлари;
- ихтисослик фанлари;
- таълимнинг қўшимча турлари.

Режада, шунингдек, у ёки бу фаннинг қайси курс ва семестрда ўқитилиши, уни ўрганиш учун ажратиладиган соатлар миқдори, ҳисбот тури (синов, имтиҳон, рейтинг) кўрсатилади.

Мажбурий фанлар билан бир қаторда ОТМ кафедралари талабаларга танлов фанларини, ОТМ томонидан белгиланган ихтисослик фанларини ҳам таклиф қиласди. Бундан ташқари, мутахассислик ўқув режасида амалиёт турларини ўташ муддатлари, курс ва БМИларни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, давлат аттестацияларини ўтказиш муддатлари кўрсатилади. Бу ишларнинг ҳажми маълум муддатларга жойлаштирилиши лозим.

Ўқув режа асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқилади. Турли групхарда ёки турли мутахассислик йўналишларида ўқитиладиган айни бир фанга ажратилган соатлар, ихтисослик йўналишининг ўзига хосликлари ва ш.к. нуқтаи назаридан деталлаштирилиши керак.

Айнан бир фан бўйича айнан битта ўқитувчи бир неча ишчи дастурга эга бўлиши мумкин. Улар ўқитувчига материални таълимнинг муайян шароитларидан келиб чиқсан ҳолда тақсимлашда қўл келади.

Маъруза, лабораторияя ва амалий машғулотларни ўтказиш тақвим режалари ўқитувчи томонидан ишчи дастур асосида ишлаб чиқилади ва кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Стандартлар ва таълим жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган талабларга мувофиқ ўқув йили ва семестр давомида ўқиладиган ҳар бир фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари юзасидан оралиқ баҳолаш ўтказилади.

1.3. «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» курсининг мақсади ва мазмuni

Иқтисодий таълим жараёни педагогик жараённинг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб у ўқитиш, билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади. Таълим назариясини “Дидактика” тушунчаси билан ҳам ифодаланади. “Дидактика” сўзи грекча “Дидаско” сўзидан олинган бўлиб,

“Үқитиш, ўргатиш” деган маънони билдиради. Дидактиканинг ўрганиш обьекти ўқув жараёни, ўқув жараёнининг ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари ва шаклларидир. Таълим жараёнининг асосий моҳияти тарихан тўплланган ижтимоий билим ва тажрибани ёш авлодга етказиш, авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни маълум тизим орқали амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

Албатта, авлоддан-авлодга ўтиб борган сари ижтимоий тажриба ҳажми, демак билимлар ҳажми ҳам ортиб боради. Фан ва техниканинг ривожи ҳам илмий билимларнинг ҳажмига ва характерига таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси эса ўз навбатида таълим тизимида ўз аксини топади. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш асоси бўлиб хизмат қиласи. Чунки айнан таълим тизими жамиятнинг ҳар бир аъзосини маънавий, илмий дунёқарашини шаклланишида энг асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам барча тарихий юксалиш, янгиланиш босқичларида айнан таълим тизимини ислоҳ қилиш муҳим ўрин тутган. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш даражасидан ҳамда шу жамиятнинг талабларидан келиб чиқсан ҳолда шаклланади.

Ўсиб келаётган ёш авлод таълим жараёнида:

1. Зарур билимлар билан қуроллантирилади;
2. Керакли малакаларга эга бўлади;
3. Кўникмалар ҳосил қиласи.

Ўқув жараёнида таълим олувчилар ва педагоглар ўртасида ўзига хос муносабатлар ўргатилиб бу жараён икки томоннинг биргалиқдаги фаолияти натижасида боради. Шунинг учун ҳам таълим жараёни икки томонлама характерга эга дейилади. Педагоглар ва талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог йўналтирувчи сифатида майдонга чиқади.

Педагог аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Талабалар эса уларни фаол ўзлаштириб олишлари керак. Таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кўникма ҳосил қилиш вазифасини бажарса, талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадилар. Бу мураккаб психик жараён бўлиб, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур кабилар иштирокида боради.

Ўқиши талабаларнинг ўзлаштириш, билиш қобилиятлари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик жараёни эмас, балки талабага номаълум бўлган хақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир. Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришdir.

Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожи учун асос бўлиб хизмат қилсин. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми, ахборотлар ҳажми тобора ошиб бораётган бир даврда таълим тизими талабаларга беришили керак бўлган билимлар, малака ва кўникмалар ҳажм ини белгилаш ҳамда бу жараёнда қайси омилларни ҳисобга олиш керак деган масалаларни ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Зарурий билимлар ҳажмини белгилаш ва шу билан бир қаторда ўқиши муддатини аниқлаш энг муҳим масалалардан бири.

Таълим жараёнида бирор фа н соҳасидаги инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўлар эди. Ўқув жараёнида энг асосий, энг муҳим билимлар- фанларнинг асослари ўрганилади. Аммо шунга қарамай ҳозирда ўрганиш зарур бўлган янги-янги фанларнинг тармоқлари (экология, ЭХМ, оила психологияси, иқтисод асослари, маънавият асослари) вужудга келмоқдаки улар таълим ҳажмини бениҳоя кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Бундай муаммолар ҳозирда деярли барча давлатларда мавжуд ва ҳар бир давлат бу муаммоларни ўз им кониятларидан келиб чиқсан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Биз бу муаммоларни таълим тамойилларини (принципларини) бузмаган ҳолда, ёш авлоднинг соғлигига зиён етказмаган ҳолда ечимини топишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жихатдан бой шахсларни шакллантиришидир. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чукурлашиб борар экан, мантикий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб янада кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиқсан ҳолда таълим тизими бугунги кун талабинигина ҳисобга олган ҳолда эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак деган холосага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажақда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Демак, таълим тизими талabalарни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажақдаги ҳаётга тайёрлаши лозим. Бу ҳам таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир¹.

Таълимнинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг тарбиявий ҳарактерга эга эканлигидир. Ҳар қандай тарбия асосида билим мавжуд бўлганидек ҳар қандай таълим ўзида маълум тарбиявий таъсирни мужассамлаштиради. Билимларнинг талабанинг фақат фикрлаш қобилиятига эмас, балки ички кечинмаларига, ҳис-туйғуларига, фазилатларига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Айниқса, гуманитар фанларни ўрганиш талабанинг маънавиятини шаклланишида аҳамиятлидир. Шунинг учун таълим муассасалари тарихан фақат илм масканларигина бўлиб қолмасдан, балки тарбия учоқлари сифатида ҳам қабул қилинган. Таълим ва тарбия бир жараённинг икки томони бўлиб, бири-бирини тўлдириб келади. Билим бу куч-қудрат, ана шу куч- қудрат маънавияти етук инсон қўлида ривожланишга хизмат қиласди. Маънан қашшоқ инсон бу қудратдан ноўрин фойдаланиши ва жамиятга зиён етказиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ҳолатлар тарихда жуда кўп маротаба тақрорланган ва бу исбот талаб қилмайдиган аксиомага айланган. Демак, таълим албатта тарбиявий асосга эга бўлиши ва талabalарга фақат билим бериш билан чекланиб қолмаслиги, балки тарбиялашдек мураккаб жараёнини ҳам ўз зиммасига олиши лозим.

Таълим жараёни таъсирида талабанинг ақлий камолотини, билиш қобилиятини, ўқишига, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантириш ва янги

¹ “Ўзбекистон Республикасининг Таълим тугрисидаги Конуни” Тошкент 1997 йил. 35-БЕТ

погонага кўтариш асосий масалалардан биридир. Айнан таълимнинг ривожлантирувчи хусусиятини икки даражага ажратиб таҳлил қиласи.

Зарурий ривожланиши. Бу талаба тайёргарлигидаги мавжуд даражада, бошқача қилиб айтганда, талабадаги бор даражада, яъни талабанинг бугунги ўкув жараёнигача бўлган тайёргарлик даражасидир. Бу даражада талабанинг ишни мустақил бажара олиши билан характерланади.

Юқори даражадаги ривожланиши. Бошқача қилиб айтганда, шу дарс давомида кўтарилиш керак бўлган даражадир. Бу талаба ҳозирча қила олмайдиган, лекин кўмак воситасида эплай оладиган ишдир. Талаба ана шу ўзи учун янги бўлган ва бажаришга кучи етадиган вазифани бажариш давомида иккинчи даражага кўтарилади. Лекин бу вазифа талабанинг тараққиёт зонасида жойлашган бўлиши шарт, акс ҳолда ривожланишга эришиш қийин. Яқинлашиб қолган тараққиёт зонасига кирган ҳар нарса таълим жараёнинда зарур ривожланиш даражасига ўтади.

Шундай қилиб, яқинлашиб қолган тараққиёт зонаси ривожланишдан илгарила бетадиган таълим воситасида яратилади. Таълимнинг ҳар бир босқичи тараққиётнинг эришилган босқичига таянади ва муайян босқични кўзлаган ҳолда навбатдаги босқични тайёрлаб беради.

Демак, таълимнинг яна бир зарурий хусусиятларидан бири унинг ривожлантирувчи хусусиятга эга эканлигидир.

Таълимнинг ана шу юқорида санаб ўтилган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ва уларга амал қилган ҳолда ўкув жараёнини ташкил қилиш шубҳасиз таълим самарадорлигини оширади.

Таълим жараёнинда белгиланган мақсадга эришиш учун бир қатор вазифаларни бажариш лозим. Уларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

1. Талабаларда билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш.
2. Талабаларда дунёқарашни, ишонч ва эътиқодларини ўстириш.
3. Талабаларнинг маънавиятини бойитиш ва тарбиялаш.
4. Ёшларнинг ички имкониятларини, қобилиятларини ва истеъдодларини очиш ҳамда ўстириш.

Ушбу вазифаларни бажаришда дифференциялашган ёндашувнинг аҳамияти бекиёсdir. Чунки, дифференциация (яъни якка ҳолдаги ёндошув) талаба шахсини чуқурроқ ўрганишга, кучли ва заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради. Талаба шахси чуқурроқ ўрганилгандан кейингина унга мос бўлган методлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқ. Барча талабалар учун умумий методлар қўллаш таълимни кўр-кўrona олиб бориш билан баробар ва бу ҳолда таълимнинг самарасини жуда паст даражага эга бўлади. Таълимни дифференциялаш муаммоси ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда маълум даражада ўз ечимини топмоқда ва айтиш керакки, бу ечимлар ижобий ютуқларни қўлга киритишга ёрдам бермоқда.

Таълимда ёшларни билим, кўникма, малакалар билан куроллантириш, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ривожлантириш жараёнинда баҳолаш ва билимларни текшириб туриш мухим аҳамият касб этади. Баҳолаш таълим тизимида

фойдаланилаётган методлар қанчалик самарали эканлигини, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашга ёрдам беради².

Албатта таълим тизимини самарали бўлиши педагог кадрларнинг тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқ. Педагог биринчи галда ўз касбини севиши, ҳурмат қилиши, талабага катта қизиқиш ва меҳр билан қарashi, жамият олдидаги ўзининг катта масъулиятини ҳис қила олиши шарт. Педагог ҳар бир талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ва ҳисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши ва умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шаклларини мукаммал билиши, талабага нисбатан талабчан бўлиши педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиши, ўз фаолиятини таҳлил қила олиши ва хulosалар чиқара олиши керак.

Таълимнинг мазмуни: ўқув режаларида, дастурларда ва дарсликларда акс эттирилганdir.

Ўқув режаси-муайян ўқув юртида ўрганилаётган ўқув предметлари айтиб ўтиладиган, уларни ўқув йиллари бўйича ўтиш изчиллиги ҳамда бир ўқув йилига ёки ҳар бир ҳафтага ажратилган соатлар сони кўрсатилган давлат ҳужжати ўқув режаси деб айтилади.

Ўқув предмети -ўзига тегишли фан асосларини мужассамлаштирган бўлади. Фаннинг асосий тушунчалар тизими, асосий қоидалар ва хulosалар унда ўз аксини топади.

Ўқув дастури -ўқув дастури давлат ҳужжати бўлиб, унда ҳар бир ўқув предметининг мазмуни очиб берилади ва ўқув йилида ўзлаштирилиб олиш учун зарур бўлган билим. Кўникма ва малакалар ҳажми кўрсатилади. Дастурлар бир типдаги ҳамма укув муассасалари учун ягона, унинг тўла ҳажмда бажарилиши мажбурий. Бу энг муҳим қоида бўлиб, узлуксизликни таъминлайди. Дастур тушунтириш хатидан, бўлим ва мавзулар бўйича тахминий соатлар ҳисобидан, дастур материаллари ва тавсия килинадиган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари-махсус равишда талabalар учун ёзилган китоб дарслик деб аталади. Унда ўқув дастурининг барча материалларини батафсил ва изчиллик билан очиб берилади. Дарсликлар ўқув материалини тезроқ, тўлароқ ва чуқурроқ эгаллаб олишга ёрдам берувчи ўқув қўлланмалари билан тўлдирилиши мумкин.

Ҳар бир фан ўзининг тушунчаларига эга. Мана шу асосий тушунчалар ҳар бир фаннинг ўзагини ташкил этади. Масалан: Математикада-қўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлиш, илдиз каби тушунчалар мавжуд. Химия фанида реакция, ишқор, кислота, туз каби тушунчалар ишлатилади. Педагогика фани ҳам ўзининг асосий тушунчаларига эга. Уларни баъзан категориялар деб ҳам аталади.

а) Маълумот-таълим-тарбия натижасида олинган ва системалаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқарашлар

² Раззокова Д. «Талабаларни мустукил ишларини такомиллаштириш услубиёти» Битирув малакавий иши. 2007 йил, 39-БЕТ.

мажмуи. Маълумот таълим асосида амалга оширилади ва шахснинг қобилияти ҳамда истеъоди ривожлантирилади.

Б) Таълим - маҳсус тайёрланган кишилар раҳбарлигига ўтказиладиган, талабаларни билим, қўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган ва шунинг билан бирга, уларнинг билиш қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. Таълим жараёни педагог ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида вужудга келади.

В) Педагогнинг маълум мақсад сари йўналтирилган фаолиятини ўқитиш деб аталади. Ўқув жараёни педагогнинг раҳбарлигига олиб борилади. Талабанинг ўқув жараёни давомидаги фаолиятини эса ўрганиш деб аталади. Ўрганиш, ўқиш талабанинг фаол иштирокини талаб этадиган мураккаб жараёндир. Ўқиш, ўрганиш фаолияти талабанинг мустақил таълим олишида ҳам намоён бўлади.

Г) Дидактиканинг тамойиллари - комил инсонни тарбиялашда ўқиш ва ўқитиш жараёнининг хусусиятлари, талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, эгалланиши лозим деб топилган малака ва қўникмаларни ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади. Шу билан бирга дидактика тамойиллари ҳар иккала фаолиятни, яъни педагог ва талаба томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради.³

Демак, ўқитиш тамойиллари таълимнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тӯғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Д) “Метод”- сўзи грекча-methodos сўзидан келиб чиққан бўлиб, йўл-йўрик деган маънони англатади. Ўқитиш методи деганда таълим жараёнида педагог ва талабаларнинг қўзланган мақсадга эришиш учун қаратилган биргаликдаги фаолият усуллари тушунилади. Демак ўқитиш методлари педагогнинг дарс жараёнида талабаларда билим, малака ва қўникмаларни ҳосил қилиш фаолиятида қўлланиладиган йўл-усулларини ўз ичига олади.

Мавзу 2: Таълим мазмўни ва ўқитиш мазмўнини тўзишда ўқув-меъёрий хўжжатларнинг ахамияти

Саволлар:

- 1. Иқтисодий таълим жараёнининг моҳияти, вазифалари.**
- 2. Таълимнинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг тарбиявий характерга эга эканлигиdir.**
- 3. Ўзбекистонда иқтисодий таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари**
- 4. Иқтисодчилар тайёрлашнинг хуқуқий-меъёрий ва ташкилий асослари**

2.1. Иқтисодий таълим жараёнининг моҳияти, вазифалари.

Иқтисодий таълим жараёни педагогик жараённинг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб у ўқитиш, билим, қўникма ва малака ҳосил қилиш

³ Сайдазимова Д. “Булажак тарбиячиларнинг педагогик маҳоратларини ошириш услублари” Битирув малакавий иши. 2009 йил. 44-бет.

масалалари билан шуғулланади. Таълим назариясини “Дидактика” тушунчаси билан ҳам ифодаланади. “Дидактика” сўзи грекча “Дидаско” сўзидан олинган бўлиб, “Үқитиш, ўргатиш” деган маънони билдиради. Дидактиканинг ўрганиш обьекти ўқув жараёни, ўқув жараёнининг ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари ва шаклларидир. Таълим жараёнининг асосий моҳияти тарихан тўпланган ижтимоий билим ва тажрибани ёш авлодга етказиш, авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни маълум тизим орқали амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

Албатта, авлоддан-авлодга ўтиб борган сари ижтимоий тажриба ҳажми, демак билимлар ҳажми ҳам ортиб боради. Фан ва техниканинг ривожи ҳам илмий билимларнинг ҳажмига ва характерига таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси эса ўз навбатида таълим тизимида ўз аксини топади. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш асоси бўлиб хизмат қиласи. Чунки айнан таълим тизими жамиятнинг ҳар бир аъзосини маънавий, илмий дунёқарашини шаклланишида энг асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам барча тарихий юксалиш, янгиланиш босқичларида айнан таълим тизимини ислоҳ қилиш муҳим ўрин тутган. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш даражасидан ҳамда шу жамиятнинг талабларидан келиб чиқсан ҳолда шаклланади.

Ўсиб келаётган ёш авлод таълим жараёнида:

1. Зарур билимлар билан қуроллантирилади;
2. Керакли малакаларга эга бўлади;
3. Кўникумалар ҳосил қиласи;

Ўқув жараёнида таълим олувчилик ва педагоглар ўртасида ўзига хос муносабатлар ўргатилиб бу жараён икки томоннинг биргаликдаги фаолияти натижасида боради. Шунинг учун ҳам таълим жараёни икки томонлама характерга эга дейилади. Педагоглар ва талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог йўналтирувчи сифатида майдонга чиқади. Педагог аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида билим, кўникум ва малакаларни шакллантиради. Талабалар эса уларни фаол ўзлаштириб олишлари керак. Таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кўникум ҳосил қилиш вазифасини бажарса, талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадилар. Бу мураккаб психик жараён бўлиб, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур кабилар иштироқида боради. Ўқиши талабаларнинг ўзлаштириш, билиш қобилияtlари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик жараёни эмас, балки талабага номаълум бўлган хақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир.

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришадир. Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожи учун асос бўлиб хизмат қилсин. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми,

ахборотлар ҳажми тобора ошиб бораётган бир даврда таълим тизими талабаларга беришили керак бўлган билимлар, малака ва қўникмалар ҳажм ини белгилаш ҳамда бу жараёнда қайси омилларни ҳисобга олиш керак деган масалаларни ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Зарурий билимлар ҳажмини белгилаш ва шу билан бир қаторда ўқиши муддатини аниқлаш энг муҳим масалалардан бири. Таълим жараёнида бирор фа н соҳасидаги инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўлар эди. Ўқув жараёнида энг асосий, энг муҳим билимлар- фанларнинг асослари ўрганилади. Аммо шунга қарамай ҳозирда ўрганиш зарур бўлган янги-янги фанларнинг тармоқлари (экология, ЭХМ, оила психологияси, иқтисод асослари, маънавият асослари) вужудга келмоқдаки улар таълим ҳажмини бениҳоя кенгайишига сабаб бўлмоқда. Бундай муаммолар ҳозирда деярли барча давлатларда мавжуд ва ҳар бир давлат бу муаммоларни ўз им кониятларидан келиб чиқсан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Биз бу муаммоларни таълим тамойилларини (принципларини) бузмаган ҳолда, ёш авлоднинг соғлигига зиён етказмаган ҳолда ечимини топишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришdir. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чуқурлашиб борар экан, мантиқий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб янада кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиқсан ҳолда таълим тизими бугунги кун талабинигина ҳисобга олган ҳолда эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак деган хulosага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Демак, таълим тизими талабаларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим. Бу ҳам таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.⁴

2.2. Таълимнинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг тарбиявий характерга эга эканлигидир.

Ҳар қандай тарбия асосида билим мавжуд бўлганидек ҳар қандай таълим ўзида маълум тарбиявий таъсирни мужассамлаштиради. Билимларнинг талабанинг фақат фикрлаш қобилиятига эмас, балки ички кечинмаларига, ҳис-туйғуларига, фазилатларига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Айниқса, гуманитар фанларни ўрганиш талабанинг маънавиятини шаклланишида аҳамиятлидир. Шунинг учун таълим муассасалари тарихан фақат илм масканларигина бўлиб қолмасдан, балки тарбия учоклари сифатида ҳам қабул қилинган. Таълим ва тарбия бир жараённинг икки

⁴ “Ўзбекистон Республикасининг Таълим түгрисидаги Конуни” Тошкент 1997 йил. 35-БЕТ

томони бўлиб, бири-бирини тўлдириб келади. Билим бу куч-кудрат, ана шу куч-кудрат маънавияти етук инсон қўлида ривожланишга хизмат қилади. Маънан қашшоқ инсон бу қудратдан ноўрин фойдаланиши ва жамиятга зиён етказиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ҳолатлар тарихда жуда кўп маротаба такрорланган ва бу исбот талаб қилмайдиган аксиомага айланган. Демак, таълим албатта тарбиявий асосга эга бўлиши ва талабаларга фақат билим бериш билан чекланиб қолмаслиги, балки тарбиялашдек мураккаб жараёнини ҳам ўз зиммасига олиши лозим.

Таълим жараёни таъсирида талабанинг ақлий камолотини, билиш қобилиятини, ўқишга, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантириш ва янги поғонага кўтариш асосий масалалардан биридир. Айнан таълимнинг ривожлантирувчи хусусиятини икки даражага ажратиб таҳлил қилади.

Зарурый ривожланиши. Бу талаба тайёргарлигидаги мавжуд даражага, бошқача қилиб айтганда, талабадаги бор даражага, яъни талабанинг бугунги ўқув жараёнигача бўлган тайёргарлик даражасидир. Бу даражага талабанинг ишни мустақил бажара олиши билан характерланади.

Юқори даражадаги ривожланиши. Бошқача қилиб айтганда, шу дарс давомида кўтарилиш керак бўлган даражадир. Бу талаба ҳозирча қила олмайдиган, лекин кўмак воситасида эплай оладиган ишдир. Талаба ана шу ўзи учун янги бўлган ва бажаришга кучи етадиган вазифани бажариш давомида иккинчи даражага кўтарилади. Лекин бу вазифа талабанинг тараққиёт зонасида жойлашган бўлиши шарт, акс ҳолда ривожланишга эришиш қийин. Яқинлашиб қолган тараққиёт зонасига кирган ҳар нарса таълим жараёнида зарур ривожланиш даражасига ўтади.

Шундай қилиб, яқинлашиб қолган тараққиёт зонаси ривожланишдан илгарила бетадиган таълим воситасида яратиласди. Таълимнинг ҳар бир босқичи тараққиётнинг эришилган босқичига таянади ва муайян босқични кўзлаган ҳолда навбатдаги босқични тайёрлаб беради.

Демак, таълимнинг яна бир зарурый хусусиятларидан бири унинг ривожлантирувчи хусусиятга эга эканлигидир.

Таълимнинг ана шу юқорида санаб ўтилган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ва уларга

амал қилган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш шубҳасиз таълим самарадорлигини оширади.

Таълим жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун бир қатор вазифаларни бажариш лозим. Уларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

1. Талабаларда билим, кўнкима ва малакаларни ҳосил қилиш.
2. Талабаларда дунёқарашни, ишонч ва эътиқодларини ўстириши.
3. Талабаларнинг маънавиятини бойитиш ва тарбиялаш.
4. Ёшларнинг ички имкониятларини, қобилиятларини ва истеъдодларини очиш ҳамда ўстириш.

Ушбу вазифаларни бажаришда дифференциялашган ёндашувнинг аҳамияти бекиёсdir. Чунки, дифференциация (яъни якка ҳолдаги ёндошув) талаба шахсини чуқурроқ ўрганишга, кучли ва заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради. Талаба шахси чуқурроқ ўрганилгандан кейингина унга мос бўлган методлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқ. Барча талабалар учун умумий методлар қўллаш таълимни кўр-кўrona олиб бориш билан баробар ва бу ҳолда таълимнинг самарасини жуда паст даражага эга бўлади. Таълимни дифференциялаш муаммоси ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда маълум даражада ўз ечимини топмоқда ва айтиш керакки, бу ечимлар ижобий ютуқларни қўлга киритишга ёрдам бермоқда.

Таълимда ёшларни билим, кўникма, малакалар билан қуроллантириш, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ривожлантириш жараёнида баҳолаш ва билимларни текшириб туриш муҳим аҳамият касб этади. Баҳолаш таълим тизимида фойдаланилаётган методлар қанчалик самарали эканлигини, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашга ёрдам беради.⁵

Албатта таълим тизимини самарали бўлиши педагог кадрларнинг тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқ. Педагог биринчи галда ўз касбини севиши, ҳурмат қилиши, талабага катта қизиқиш ва меҳр билан қарashi, жамият олдидаги ўзининг катта масъулиятини ҳис қила олиши шарт. Педагог ҳар бир талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ва хисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши ва умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шаклларини мукаммал билиши, талабага нисбатан талабчан бўлиши педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиши, ўз фаолиятини таҳлил қила олиши ва хulosалар чиқара олиши керак.

Таълимнинг мазмуни: ўқув режаларида, дастурларда ва дарсликларда акс эттирилганdir.

Ўқув режаси-муайян ўқув юртида ўрганилаётган ўқув предметлари айтиб ўтиладиган, уларни ўқув йиллари бўйича ўтиш изчиллиги ҳамда бир ўқув йилига ёки ҳар бир ҳафтага ажратилган соатлар сони кўрсатилган давлат ҳужжати ўқув режаси деб айтилади.

Ўқув предмети - ўзига тегишли фан асосларини мужассамлаштирган бўлади. Фаннинг асосий тушунчалар тизими, асосий қоидалар ва хulosалар унда ўз аксини топади.

Ўқув дастури - ўқув дастури давлат ҳужжати бўлиб, унда ҳар бир ўқув предметининг мазмуни очиб берилади ва ўқув йилида ўзлаштирилиб олиш учун

⁵ Раззокова Д. «Талабаларни мустукил ишларини такомиллаштириш услубиёти» Битирув малакавий иши. 2007 йил, 39-БЕТ.

зарур бўлган билим. Кўникма ва малакалар ҳажми кўрсатилади. Дастурлар бир типдаги ҳамма укув муассасалари учун ягона, унинг тўла ҳажмда бажарилиши мажбурий. Бу энг муҳим қоида бўлиб, узлуксизликни таъминлайди. Дастур тушунтириш хатидан, бўлим ва мавзулар бўйича тахминий соатлар ҳисобидан, дастур материаллари ва тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари-махсус равишда талабалар учун ёзилган китоб дарслик деб аталади. Унда ўқув дастурининг барча материалларини батафсил ва изчиллик билан очиб берилади. Дарсликлар ўқув материалини тезроқ, тўлароқ ва чуқурроқ эгаллаб олишга ёрдам берувчи ўқув қўлланмалари билан тўлдирилиши мумкин.

Хар бир фан ўзининг тушунчаларига эга. Мана шу асосий тушунчалар ҳар бир фаннинг ўзагини ташкил этади. Масалан: Математикада-кўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлиш, илдиз каби тушунчалар мавжуд. Химия фанида реакция, ишқор, кислота, туз каби тушунчалар ишлатилади. Педагогика фани ҳам ўзининг асосий тушунчаларига эга. Уларни баъзан категориялар деб ҳам аталади.

а) Маълумот-таълим-тарбия натижасида олинган ва системалаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараашлар мажмуи. Маълумот таълим асосида амалга оширилади ва шахснинг қобилияти ҳамда истеъоди ривожлантирилади.

Б) Таълим - маҳсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, талабаларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган ва шунинг билан бирга, уларнинг билиш қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқараашини таркиб топтирадиган жараёндир. Таълим жараёни педагог ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида вужудга келади.

В) Педагогнинг маълум мақсад сари йўналтирилган фаолиятини ўқитиш деб аталади. Ўқув жараёни педагогнинг раҳбарлигида олиб борилади. Талабанинг ўқув жараёни давомидаги фаолиятини эса ўрганиш деб аталади. Ўрганиш, ўқиш талабанинг фаол иштирокини талаб этадиган мураккаб жараёндир. Ўқиш, ўрганиш фаолияти талабанинг мустақил таълим олишида ҳам намоён бўлади.

Г) Дидактиканинг тамойиллари - комил инсонни тарбиялашда ўқиш ва ўқитиш жараёнининг хусусиятлари, талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, эгалланиши лозим деб топилган малака ва кўникмаларни ҳосил қилишининг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади. Шу билан бирга дидактика тамойиллари ҳар иккала фаолиятни, яъни педагог ва талаба томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради⁶

⁶ Юсупов Д. «Иктиносий таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари» битирув малакавий иши. 2010 йил. 56-бет.

Демак, ўқитиши тамоиллари таълимнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тӯғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Д) “Метод”-сўзи грекча-methodos сўзидан келиб чиқсан бўлиб, йўл-йўрик деган маънони англатади. Ўқитиши методи деганда таълим жараёнида педагог ва талабаларнинг кўзланган мақсадга эришиш учун қаратилган биргалиқдаги фаолият усуллари тушунилади. Демак ўқитиши методлари педагогнинг дарс жараёнида талабаларда билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш фаолиятида кўлланиладиган йўл-усулларини ўз ичига олади.

2.3.Ўзбекистонда иқтисодий таълимни ислоҳ қилиш тамоиллари

Республикамизнинг истиқлолга эришуви жамият ҳаётининг барча жабҳаларидан шу жумладан таълим-тарбия соҳасида ҳам ўз аксини топди. Ўзбек педагогикаси тарихида бурилиш даври, янгиланиш даври бошланди. Ўзбекистон Республикасидаги мустақил ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, уни интеллектуал-амалий ривожланиши учун янги шарт-шароитлар яратиб берди. Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий-илмий бойликларга, инсоннинг ўзига янгича муносабат, ёндашувни юзага келтирди.

Президентимиз айтганларидек: “Фуқаролар энди ижтимоий-иктисодий жараёнларни иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкори ва ташкилотчисидир. Бундай янгича ёндашиш албатта педагогика фанини кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Энди педагогика фани фақат таълим-тарбия жараёнини назарий, методик-амалий таъминловчи эмас, комил инсонни шаклланишини, ривожланишини таъминловчи кенг соҳаларни ўз ичига ола бошлади. Эндилиқда педагогика фани ўз олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мағкуранинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифаларини кўйди. Шунинг учун ҳам янги таълим концепцияси қабул қилинди ва унда кейинги ривожланишларнинг барча йўналишлари қайта кўриб чиқилди. Кўп йиллар давомида педагогика сиёсатга хизмат қилиб келган ва маълум чегараланишларга амал қилишга мажбур бўлган бўлса, эндилиқда у сиёсатдан ҳоли бўлган ҳолда эркин фан сифатида ўз ривожланишини давом эттириш имкониятига эга бўлди. Ўзбек педагогикаси ўз миллий хусусиятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлди.

Она тили, Ватан тарихи, географияси, миллий урф-одат ва анъаналар эътибордан четда қолиб, шахслар ота-боболар ўтмишидан бехабар ўқитилар эди. Республикамизнинг истиқлолга эришуви натижасида ўзбек педагогикаси ижодий ва миллий йўналишда эътиборли ўзгаришлар касб этди. Бой миллий маданий мерос ва анъаналар эътибордан четда қолган илфор пелагогик фикрлар Ўзбек педагогикаси ўз ўрнини топди ҳамда ўз вазифасини бажара бошлади. Янги мазмунли дарсликлар,

услубий кўлланмалар яратища миллий-маданий, тарихий адабиётлардан, материаллардан кенг фойдаланила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 29 август қарорига асосан “Таълим тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни кучга кирди. “Таълим тўғрисида” ги қонуни таълим тизимини жиддий янгиланиши, ислоҳ қилинишига асос бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан (1930, 1949, 1958, 1973, 1984 йиллар) фарқли улароқ, олий таълими тизимини тузилишининг қўйидаги янги тамойиллардан жорий этилди:

- таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда халқчиллиги;
- таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчилиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида ҳар бир кишига миллати, динидан қатъий назар таълим олиши учун имконият яратилганлиги;
- давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;
- таълимда умумисоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устиворлиги;
- таянч (тўққиз синф даражасида) таълимнинг мажбурийлиги;
- таълим стандартларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув бўлишига асосланганлиги;
- таълим муассасаларида чет тилларини жиддий ўрганиш, дин тарихи, халқимиз тарихи, маданияти ва жаҳон маданиятини тарихи соҳасида билим олиш учун шароитлар яратилганлиги;
- таълим муассасаларининг турли сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан ҳолилиги;
- амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шаклида таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлилиги;
- билимдонлик ва истеъоддни рағбатлантириш;
- тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш;
- педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқенини ҳурматлаш ва бошқалар.

Таълимни қўйидаги йўналишларда ислоҳ қилиш вазифалари белгилаб олинди:

- умумисоний қадриятлар ва миллий маданият асосларини эътиборда тутган ҳолда таълим - тарбия мазмунини миллий мафкура, мустақил Ватан туйғуси асосида ўзgartириш ва такомиллаштириш;
- таълим самарадорлигини тинмай ошириш, жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш;
- вариатив ўкув режалари, дастурлар, дарсликлар яратиш;
- билимдонлик ва истеъоддни қўллаб-қувватлаш;
- илғор тажрибаларга, ижодкор устозлар тажрибасига суюниш;
- таълим-тарбияда бош ислоҳотчи бўлган педагог, тарбиячиларпнинг янги авлодни тайёрлашга киришиш;

-таълим муассасаларининг моддий-техника асосини мутаҳкамлаш, таълимни компьютерлаштириш, ўқув жараённига янги педагогик технологияни олиб кириш;

-таълим тизимини, бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

-ислоҳ ғояларини иложи борича вилоят, туман, укув муассасаси педагогик жамоаларига тезроқ етказиш, сингдириш, амалга ошириш:

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қаерда таълим ва тарбияга эътибор катта бўлса, ўша ерда тараққиёт, юксалиш бор. Шунинг учун республикамизнинг истиқболи узлуксиз таълимни қай даражада амалга оширилишига боғлиқ.

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш тамойиллари қуйида гилардан иборат:

-таълимнинг устуворлиги - унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга

эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи:

-таълимнинг демократлашуви - таълим ва тарбия услубларининг танланишида ўқув юртларининг мустақиллигини кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

-таълимнинг инсонпарварлиги - инсон қобилияtlарининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

- **таълимнинг ижтимоийлашуви** - таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрларни шакллантириш ;

- **таълимнинг миллий йўналтирилганлиги** - таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари

ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётининг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини хурматлаш;

-таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

-иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари қўидагилардан иборат⁷:

⁷ Сайдазимова Д. “Булажак тарбиячиларнинг педагогик маҳоратларини ошириш услублари” Битирув малакавий иши. 2009 йил. 44-бет.

-таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, педагог, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

-давлат ва нодавлат таълим муассассаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

-таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта куриш, таълим, фан, техника ва технологияларнинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-хунар таълими дастурларини тубдан ўзгаришиш;

-мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

-маҳсус, касб-хунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш;

-илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-хунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

-миллий мустақиллик тамойилларини ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устиворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва аҳлоқий фазилатларини ривожлантириш;

-таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

-таълим олишда, шунингдек талабаларни маънавий аҳлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

-таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

-таълим тизимини молиявий, моддий-техник ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш;

-узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

-туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

-таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларнинг изчиллиги асосида таъминланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хослиги мустақил равишда тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими дастурларига изчил ўтилишни таъминлайди.

2.4. Иқтисодчилар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асослари

Мамлакатимизда «Иқтисодиёт» таълим йўналиши бўйича олий таълим модели, унинг мақоми ва тузилиши кўп жиҳатдан олий таълим анъаналари, ўрганиладиган фанлар мазмуни эса – иқтисодиётнинг фан ва амалий соҳа сифатида эришган ютуқлари билан белгиланади. Мазкур моделга мувофиқ таълимнинг биринчи босқичи бакалавр даражасини беришни кўзда тутади. Бакалавр даражаси умумий касбий маълумот олишни таъминлайди. Кўп босқичли тизимнинг иккинчи босқичида – магистр даражаси берилади. Бу даражани олиш учун бакалавриат босқичини тамомлагандан кейин икки йиллик таълим курсини ўташ лозим. Магистрлик дастурлари ўрганиладиган фан соҳаларининг бири бўйича ихтисослаштирилган таълим олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ таълим сифати Давлат таълим стандартлари (ДТС) билан таъминланади. Уларда таълим жараёнининг тамойиллари, ўқув дастурининг тузилиши ва мазмуни, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, мажбурий компонентлар (ўқув фанлари рўйхати), таълим натижалари ва компетенциялар тавсифи ҳақида батафсил ахборот жамланади. ДТС шундай ҳуқуқий ҳужжат саналадики, унинг асосида ОТМ фаолияти белгиланади. Ундан ОТМ маъмурияти каби давлат назорат органлари томонидан ҳам бошқарув ҳужжати сифатида фойдаланилади.

ДТС асосида ўқув режалари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Гарчи мутахассислик бўйича таълим стандарти бўлажак мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган фанлар рўйхатини, ҳар бир фанга ажратиладиган ўқув соатлари ҳажмини ўз ичига олса-да, бу рўйхатни ўқув режа деб ҳисоблаб бўлмайди. Зеро, унда ўқув топшириқларининг курс ва семестрлар бўйича тақсимланиши кўзда тутилмайди. Бу мақсадга фақат ўқув режада эришилади, ўқув режа ҳам давлат ҳужжати саналади.

Ўқув режа, аввало, мутахассислик номи белгиланади, эгалланадиган малака мазмуни ва ўқиши муддатида кўрсатилади. Кейин у ёки бу йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш учун зарурӣ фанлар рўйхати келтирилади.

Мавзу 3: Махсус фанларни ўқитишни лойиҳалаштириш ва режалаштиришда ўқитиш мақсадларини белгилаш йўллари

Саволлар:

- 1. Мутахассис модели таълим мақсадларини аниқлашнинг асоси сифатида.**
- 2. Ўқитиш мақсадларининг моҳияти ва мазмуни. Мақсадлар таксономияси.**
- 3. Педагогик технологияни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари**

Асосий тоифа ва тушунчалар

Бошқарув, мақсадни белгилаш, ташҳислаш, башоратлаш, лойиҳалаш, режалаштириш, ташкиллаштириш, ахборотли таъминот, назорат, баҳолаш ва ўзгартириш, технология харитаси, педагогик мониторинг.

3.1. Мутахассис модели таълим мақсадларини аниқлашнинг асоси сифатида

Педагогик амалиётда янги йўл ва воситаларини жадал татбиқ этилаётганлигини кузатиш мумкин. Бироқ баъзи таълим шакл ва фаол усуллар ўрнига бўлинмас таълимий технологиялар зарур. Лекин таълимий жараённи технологияли лойиҳалаштириш ва режалаштиришни, фақат технологик билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчи бажара олиши мумкин.

Технологик билимлар тизими қўйидаги ташкил этувчилардан иборат:

- **тушунчага оид қисм** - технологялаштиришнинг мураккаброқ бўлган тоифа ва қоидларини ўрганишга йўл;
- **таълим технологиясининг марқибий қисм ва ҳаракатланувчи тузилма** - таълим жараёнини башоратлаш ва лойиҳалаштириш асоси тўғрисида тушунча;
- **талимий технологияларнинг концептуал асослари** - ҳар қандай таълим технологяси негизига педагогик ва психологик фанлар ютуғида ифодаланган педагогик ғоя асос бўлади;
- **мақсадни белгилаш** - агар педагогик вазифалар аниқланган бўлса ва ўқув фаолиятининг якуний натижалари бир маънода ифодаланган бўлса, бошланиш шартлари маълум бўлса, таълим жараёнини лойиҳлаштириш мумкин;
- **таълим берииш модели** – мақбул йўллар (усул ва шакллар) ва воситалар йиғиндиси - мавжуд шароитлар ва белгиланган вақтда объектнинг бошланғич ҳолатини ўзгартириш бўйича кўзланнаётган натижаларга эришиш кафолати;
- **бошқарувнинг йўл ва воситалар йиғиндиси:** башоратлаш, лойиҳалаштириш, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат ва баҳолаш,

шунингдек тезкор ўзгартириш тўғрисида бошқарув хулосасини қабул қилиш мақсадида таълим жараёнини узлуксиз ва мунтазам кузатиш - мониторинг.

Сиз таълим беришни технологиялаштириш асосини ўрганишни бошлигиниздан аввал, қуйидаги *маслаҳат ва тавсияларга* эътиборингизни қаратинг.

Ўқитиш режасини тузишнинг ҳар босқичида ўқитувчининг бошқарув харакатларини кўриб чиқамиз.

Мақсадни белгилаши - дидактик вазифаларни аниқлаш, ўқув натижаларини шакллантириш. Бу педагогик фаолиятни асосий омили бўлиб, таълим берувчи ва таълим олувчининг биргалиқдаги фаолияти ҳаракатини умумий натижага йўналтиради.

Ташхис - таълим олувчилар хусусиятларини ва мавжуд моддий - техник имкониятларни ўрганиш. Бу мақсадни тўғрилаш зарурлигига ва уларга эришиш воситаларини танлашга имкон беради.

Башорат қилиши - ўрнатилган вақт ичидаги мавжуд шароитларда педагогик ва ўқув фаолияти натижаларини олдиндан кўриш.

Лойиҳалаши - олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳида вазифаларни шакллантириш, ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиш воситаси ва йўлларини аниқлаш.

Ташхис, башорат қилиш ва лойиҳалаш режани ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Режислаштириши - олдиндаги ўзаро боғлиқ педагогик ва ўқув фаолиятининг режасини ишлаб чиқишдан иборат бўлади. У технологик харита кўринишида расмийлаштирилади.

Ташкиллаштириши - таълим берувчи томонидан талабаларни белгиланган ишга жалб қилиш, белгиланган мақсадга эришишда улар билан ҳамкорлик қилиш.

Ахборотли таъминлаштириши - ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиб беришнинг йўл ва воситаларини амалга ошириш. Бунда йигилган ахборот жараёнигин боришини тезкорликда ўзгартирини, таъсир кўрсатадиган рағбатлантирувчи омилларни, самарали воситаларни киритишга имкон беради.

Назорат, баҳолаши ва ўзгартириши киритиши - ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатадиган рағбатлантирувчи омилларни яратиш, педагогик таъсир этиш обьекти ўзгаришини мувофиқлаш.

Тугалланган жараён таҳлил и- самарасизликни, уларни пайдо бўлиш сабабини аниқлаш, келгуси такрор ишлаб чиқиладиган даврда унга йўл қўймаслик чораларини аниқлаш.

3.2. Ўқитиш мақсадларининг моҳияти ва мазмуни. Мақсадлар таксономияси.

Мақсадни белгилаш – технологиялаштиришнинг асосий омили ҳисобланиб, педагогик технологияни лойиҳалаштириш, ўқув жараёнини тузиш ҳамда ташкиллаштириш шундан бошланади.

Мақсад - кўзланаётган натижа модели кўринишидаги муҳим йўналишнинг маҳсулидир.

Бу эса, таълим субъектларининг фаолият якунида эгаллашлари ташкиллаштиришни аниқлашади.

Билимларни ўзлаштириш ва ўкув фаолияти йўлларига даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини бирдай қилиш

Таълим олувчилик томонидан БМК ўзлаштириш даражаси	Уларга эришишнинг мақсад ва натижалари шакллантирилиши. Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари	Ушбу натижаларга эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилик ҳаракатларининг тавсифи
1	2	3
I. Ўқувчиликк а оид (таниш бўйича ҳаракатланиши)	<p>Таълим мақсади: ...тўғрисида тушунчаларни шакллантириш</p> <p>Натижалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • (маълум, таниш нарсани ўзгартиришсиз, умумий тахминларни) тушунтиради, айтади, санаб ўтади; • (ўз сўзларида) қайтариб беради; • ташки белгилари ва хусусиятлари бўйича билади, танийди; • (сўзма-сўз) ёзади; <p>Баҳолаш мезони: ахборотни хатосиз қайта тиклади.</p>	<p>Таълим берувчи: таълим олувчилик ҳаракатларининг билимларни ўзлаштирилари бўйича фаолиятларини ташкиллаштирувчи, ахборот манбаи бўлади. Таълим олувчилик: ахборот - рецептив (қабул қилиш) фаолиятини амалга оширади: эшитади, кузатади, ўқув ахборотини эслаб қолади ва хатосиз қайта тиклади.</p>
II. Тартиблиликка оид (альгоритм) (намуна, ўхшашлик бўйича харакатланиши)	<p>Таълим мақсади: ...тўғрисида билимларни шакллантириш, назарий билимни ўхшашлик бўйича қўллаш, ҳаракатларни тартиб бўйича бажариш малакаларини шакллантириш, (ривожлантириш, мустаҳкамлаш)</p> <p>Натижалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • асосий фикрни ажратади; • баҳо беради, якун ясайди, исботлайди, таснифлайди; • тушунтиради, асослайди, умумлаштиради, ишончли далиллар келтиради, солиштиради ва такқослайди, хulosалар чиқаради; • мустақил вазифаларни ечади; • таниш шароитларда (намуна) 	<p>Таълим берувчи: таълим олувчилик ҳаракатларини ташкиллаштиради. Таълим олувчилик: (намуна) кетма-кетлик бўйича репродуктив (ўайта тиклаш) фаолиятини амалга оширади: билимларни онгли ўзлаштиради, уларни мустаҳкам эслаб қолади ва қўллайди: ўхшаш</p>

	<p>тайёр кетма-кетлик бўйича ҳаракатларни бажаради: ўлчашларни ўтказади, синайди; текширади, (тизимларни, жихоз ва бошқаларни) ташхис қиласди; ечади, йигади; техник топшириқ, чизмаларни ўқиди; ишлаб чиқариш ишларини бажаради, (жиҳозларни) ишлатади ва бошқалар;</p> <ul style="list-style-type: none"> реферат тайёrlайди, тузади ва график, схема, жадвалларни ўқиди. <p><i>Баҳолаши мезонлари:</i> ўкув фаолият йўлларини билади, бор билимларини ўзгартиради ва уларни таниш шароитларда қўллайдилар: намуна, ўхшашлик бўйича бажаради.</p>	<p>ҳолатда ҳаракатларни асос билан намунали ўрганганликлари бўйича таълим берувчи раҳбарлиги остида бажарадилар.</p>
III. Ижодий фикрловчил икка оид (эвристик) (ҳаракатларни танлаш)	<p>Таълим мақсади: шахсий фаолият тартибини ташкил этиш ва шу бўйича мустақил ижодий изланишини олиб бориш ва билимларни излаб топиш, уларни янги ҳолатларда қўллаш малака ва кўнимкамларини шакллантириш</p> <p>Натижалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> шахсий фаолиятини режалаштиради ва ташкиллаштиради; керакли ахборотни топади, танлайди, қўллайди ва янгидан ҳосил қиласди; ясади, мураккаблаштиради, соддалаштиради; синайди; билим ва малакаларни янги ҳолатларда таниш ва ностандарт топшириқларни, муаммоли ҳолатларни ечиш учун қўллайди; (жиҳоз ва бошқаларни) ишлатиш бўйича тайёrlов қўлланмасини ўқиди ва шархлайди, тушунтириш олиб боради. Чизма ва жадвалларни; (компьютер ва бошқаларни) тизимдаги тўлиқсиз ташкил этувчиларни тўлдиради ва алмаштиради; носозликларни мантиқан изланишини ўтказади, керак бўлса таъмирлайди, тиклайди, алмаштиради, созлайди, яъни модификациялайди (турланиши, кўриниши, шаклланиши, 	<p>Таълим берувчи: таълим олевчилар фаолиятини йўналтиради.</p> <p>Таълим олевчилар: ижодий фикрловчилик турдаги натижавий ижодий фаолиятни амалга оширади: мустақил тузилган тартиб бўйича мустақил изланиш ва билимларни излаб топишни олиб боради, ўзлаштирилган билимларни излаб топишни олиб боради, ўзлаштирилган билимларни янгидан ҳосил қиласди ва уларни янги ҳолатда қўллайди</p>

	<p>ўзгариши).</p> <p><i>Баҳолаши мезони:</i> янги ҳолатда фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади, янгидан ҳосил бўлган билимлари асосида ҳаракатларни бажаради, шахсий фаолиятини мустаўил тузади</p>	
IV. Ижодкорли кка оид (ҳаракатлар ни излаш)	<p>Таълим мақсади: муаммони мустақил ажратиш ва ечиш қобилияти, тадқиқотчилик ва изланувчанлик фаолиятига тайёргарлик, нотаниш ҳолатларда ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантириш (ривожлантириш)</p> <p>Натижалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • муаммони мустақил ажратади ва уни ҳал этиш йўлини топади; • тадқиқот обьекти ва предметини топади, тадқиқот фарази ва вазифаларини илгари суради, тажриба ўтказиш режасини тузади, тажриба ўтказади, тажриба натижалари асосида фаразни текширади, тажрибадан олинганларни қўллаш чегарасини аниқлайди <p><i>Баҳолаши мезони:</i> тадқиқотчилик турдаги мақсадлар фаолиятини амалга оширади, тизимли ёндошиш йўлларига эга, таҳлил қилиш малака ва кўникмаларни намойиш этади</p>	<p><i>Таълим берувчи:</i> таълим олувчиларга маслаҳат беради</p> <p><i>Таълим олувчи:</i> тадқиқотчилик турдаги маҳсулдор фаолиятни амалга оширади</p>

3.3. Педагогик технологияни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари

3.3.1. Ўқув фани бўйича таълим технологиясини тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари

Ўқув фани бўйича талим технологияси қуидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқилади:

- иқтисодиёт ОЎЮ да таълимни технологиялаштириш қоидаси;
- фан бўйича ўқув ахборот мақсади, тузилмаси, мазмуни ва ҳажми;
- ДТС томонидан белгиланган, ўқув режасида аниқлаб берилган вақтда ва берилган шароитда таълим бериш мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш, мулокот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг концептуал ёндашувлари.

1. Кирши. Таълим технологиясининг бу қисмида иқтисодиётнинг бозор тамойиллари кескинлашуви шароитида ва жамиятнинг демократиялашувида

таълим беришни технологиялаштиришнинг *долзарбилиги* асосланади, ўкув фани бўйича таълим технологиясининг тузилиши баён этилади ва маъруза, амалий ва семинар машғулотларига лойиҳаланган таълим бериш технологиясига қисқа тавсифлар берилади.

2. Таълим технологиясинги концептуал асослари. ТТнинг бу қисмида қўйидагилар ёритилади:

- ўкув фанининг *долзарбилиги, мақсад ва вазифалари, аудитория соатларининг умумий ҳажми* ва ўкув фанининг намунавий дастурига мувофиқ уларни мавзулар бўйича *тақсимоти, иши турлари*;
- ўкув фанининг *мазмуни*, ўкув фанининг намунавий дастурига мувофиқ ўкув фанининг мавзу мазмуни баён этилади;
- ўкув машғулотларида *таълим технологиясини ишлаб чиқишининг концептуал ҳолатлари* - таълим бериш, муроқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг асоси бўладиган, таълим технологиясини лойиҳалаш ва режалаштиришнинг концептуал асослари.

3. Маъруза, амалий ва семинар машғулотларига лойиҳаланган таълим технологияси. Ҳар бир таълимий технология таълим технологияси, таълимнинг технология харитаси, технология харитасига иловалардан иборат бўлади.

3.3.2. Ўкув фани бўйича ўқитиш режасининг тузилиши ва мазмунли таркиби

Аниқ фан ва мавзу бўйича машғулотнинг *таълим модели* жадвал кўринишида бўлиб, унда қўйидагилар қўрсатилади:

- *дастлабки маълумотлар*: ўкув мавзуси, вақти, талабалар сони;
- *шакл* (маъруза, семинар ва бошқ.) ва *кўриниши* (масалан, муаммоли маъруза ва бош.), ўкув машғулоти режаси/тузилиши, унинг мақсади, ўкув фаолиятининг кўзланаётган натижалари, педагогик вазифалари;
- *танланган таълим модели*: *усуллар, шакллар ва ўқитиши воситалари*;
- *таълим берииш шароити*: маҳсус жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;
- *мониторинг ва баҳолашга* асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор-сўров, тест олиш, тақдимот, ўкув топшириқлари ва бошқ.).

Ўкув машғулотининг технология харитаси уч қаторни ўз ичига олиб, 1,5-2 варақда жадвал кўринишида бажарилади: (1) ўкув машғулоти босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти; (3) таълим олувчи фаолияти.

Илова. Ўкув жараёнининг ташкилий - дидактик вазифасини бажаради: ўкув/мустақил иш учун савол ва топшириқларни, уни баҳолаш мезонларини, ўкув иш жараёнида талабалар амал қилиши лозим бўлган қоидалар, таълим берувчи фойдаланадиган таянч ёзмалар, шунингдек чизма, жадвал, слайдлар ва бошқа кўргазмали материаллар, режалаштирилган мақсадларга эришишни назорат қилиш учун топшириқлар (тестлар, саволлар, топшириқлар ва машқлар).

Бу ерда тақдим этилаётган материаллар чегараланмайди. Факат улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикили чизмаларда расмийлаштирилган бўлиши керак.

3.3.3. Ўқув машғулотида таълим технологияси модели Мавзуу (рақами)(номи).....

Таълим бериш технологияси (маъруза/ семинар/ амалий машғулот)

<i>Вақт:</i> ...соат	<i>Талабалар сони:</i> ...
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Маъруза (ахборотли/бирлашган дарс ва бошқ.), семинар (билим ва кўникмаларни чукурлаштириш бўйича), амалий машғулот
<i>Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши</i>	1. 2. 3. 4.
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i>	Шакллантириш / билим ва кўникмаларни чукурлаштириш
<i>Педагогик вазифалар:</i> ... билан таништириш; ... таснифини бериш; ... тушунтириш; ... очиб бериш; ... шакллантириш; ... ўргатиш ва бошк.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> ... кўрсатадилар; ... таснифлайдилар; ... айтиб берадилар; ... шакллантирадилар; ... тартибли равища очиб берадилар
<i>Таълим усуллари</i>	Маъруза, инсерт, ақлий хужум ва бошк.
<i>Таълим шакли</i>	Фронтал, жамоавий, гурухларда ишлаш
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, техника воситалари ва бошк.
<i>Таълим бериши шароити</i>	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гурухли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошк. Ёзма сўров: реферат, тест ва бошк.

3.3.4. Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Технологик харитада таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият (ўқув жараён)и босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади.

Технологик харита талабаларнинг мустақил ишлашларини назорат қилишга ёрдам беради.

Мавзуй режадан фарқли ўлароқ технологик харитада (1) таълим берувчи фаолияти билан бирга, таълим олувчининг ҳам фаолияти, (2) ўқув машғулотининг босқичлари ва вақти, (3) таълим беришнинг усул, шакл ва воситалари, (4) таълим мақсадларининг ўқув ютуқлари мониторинги ва баҳолашлари кўрсатилади.

Технологик хаританинг тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари:

1 - босқич (5-10 дақиқагача). Ўқув машғулотига кириши.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати. *Таълим берувчи мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув машғулотининг хусусияти билан (муаммоли маъруза, ўргатувчили ўйин ва бошқ.), мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини, ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.*

Таълим олувчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2 - босқич (55-65 дақиқагача). Асосий / маълумот берувчилик.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати. *Таълим берувчи ўқув машғулотининг режасиг тузилишига мувофиқ тузиб чиқсан таълим моделини амалга оширади, кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаради.*

Таълим олувчилар кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3 - босқич (10-15 дақиқагача). Якуний - натижавий.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати.

Таълим берувчи мавзу бўйича якун ясайди, таълим олувчилар эътиборини асосийларга қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қиласди, гурӯҳлар, алоҳида талабалар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради; ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

Таълим олувчилар ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар.

3.3.5. Ўқув машғулотининг технологик харитаси (жадвал)

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият</i>	
	<i>таълим берувчи</i>	<i>таълим олувчилар</i>

1 - босқич. Ўқув машғулотиг а кириш (дак.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказади. Машғулот режаси билан таниширади. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлиш учун адабиётлар рўйхатини айтади. 1.3. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таниширади	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниқлаштирадил ар, саволлар берадилар.
2 босқич. Асосий (дак..)	2.1. Тезкор-сўров/ савол-жавоб/ аклий хужум орқали билимларни фаоллаштиради. 2.2. Маъруза/ семинар/ амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён қиласди	Жавоб берадилар Ёзадилар. Гурухларда ишлайдилар, тақдимот қиласдила ва бош.
3 босқич. Якуний (дак..)	3.1. Мавзу бўйича якун қиласди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Гурухлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қиласди. 3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказади	Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни үтказадилар. Савол берадилар Топшириқни ёзадилар

3.3.6. Ўқув машғулотининг технологик харитасига иловалар намунаси

Кўрсатилади: **3** - илованинг тартибли тартиб рақами, **5** - мавзу тартиб рақами, **1** - берилган ўқув мавзуси бўйича ўқув машғулотининг тартиб рақами.


Ақлий ҳужум қоидаси

Ҳеч қандай биргаликдаги баҳолаш ва танқид!
Берилаётган ғоялар, ҳаёлий ва жуда зёр бўлса ҳам уларни
баҳолашга шошилма, ҳамма нарсага рухсат этилади.
Танқид қилма - барча берилаётган ғоялар қимматли.
Гапираётганни бўлма!
Танбех беришга шошилма!

Талабаларнинг ўқув ютуқлари назорати

Назорат – доимӣ текшириш ёки назорат мақсадидаги текширув. Таълим олувчиликдаги билим, қўникма, малакаларини (БМК) аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни англатади; таълим берувчини таълим олувчиликдаги қайтар алоқасини, улар томонидан ўқув материалыни ўзлаштириш даражаси тўғрисидаги ҳаққоний маълумотни олиш, шунингдек камчилик ва оралиқларни аниқлашни таъминлайди.

4.1. Назоратни бошқарув тизимидағи үрни ва вазифаси



Мавзу4: Махсус фанларни ўқитиши жарайёнида қўлланиладиган ўқитиши методлари

Саволлар:

1. **Махсус фанларни ўрганишда қўлланиладиган методлар**
2. **Таълим воситалари**
3. **Таълим воситаларини танлаш мезонлари**

4. Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар

4.1. Махсус фанларни ўрганишда қўлланиладиган методлар

Махсус фанларни ўқитиш методлари асосий ўринни эгаллайди.

Метод - юононча атама бўлиб, усул, йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради. Методлар (усуллар) ҳар қандай ахборотни (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш характеристига қараб қуидаги синфларга ажратилади:

- Сўз орқали ифодаланадиган метод.
- Кўргазмали метод.
- Амалий метод.

Ахборотни сўз орқали етказиш ва қабул қилишга қаратилган биринчи гурӯҳ методларига: Ҳикоя, сұхбат, маъруза кабиларни киритиш мумкин.

Нутқ маданиятини ўстиришда ҳикоянинг ўқитиш ва фикрларни баён қилиш методи сифатидаги имкониятлари бошқа методларга нисбатан юқоридир. Ҳикоя қилиш - педагог томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид факт, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисм ларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён этилади. Бу метод материалларни баён қилишди, образларга характеристика беришди, табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни тасвирлашда қўл келади.

Ҳикоя қилиш давомида талабалар пассив тингловчи бўлиб қолишларига йўл қўймаслик керак. Талабаларнинг диққатини тасвирланаётган обьектга қаратибгина қолмай балки худди шу обьект ҳақида улар онгли ва актив фикр юритишларини ҳам таъминламоқ лозим.

Ўқув материалини тушунтириш-педагог томонидан ўрганилаётган мавзунинг нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг мазмунини характеристлайдиган тушунча, қонун ва қоидаларни уқтиришdir. Бу метод кўпроқ аниқ, фундаментал фанларни ва шунга ўхшаш фанларни ўқитишда кўпроқ қўл келади. Педагогнинг маълум бир фаннинг у ёки бу мавзуга оид қонун, қоидаларни қанчалик асосли эканлигини фактлар, мисол ва далиллар келтириш, шунингдек масалалар, мисоллар ишлаш йўли билан исботлаб беради.

Маъруза методи. Бу метод ўқув материалини ҳажмини катталигини, мантиқий тузилиши, образлари исбот ва умумлаштиришнинг анчагина мураккаблиги билан фарқланади. Агар ҳикоя дарснинг бир қисминигина эгалласа, маъруза одатда уларни тўла қамраб олади. Маъруза давомида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, мавзуга оид кўргазмали материалларни намойиш этиш, маъруза охирида умумий хуносалар чиқариш кабилар самарадорликни оширади.

Сұхбат. Бу метод асосан савол-жавоб йўсинида олиб борилади. Сұхбатларнинг маълум мақсадга қаратилганлиги уларнинг характеристини белгалайди. Сұхбат эвристик характеристерда, этик характеристерда, инструктив методик характеристерда бўлиши мумкин.

Ўқитишнинг кўргазмали методлари.

Иқтисодий таълимда кўргазмалилик методи намойиш этиш, иллюстрация ва эккурсия тариқасида олиб борилиши мумкин. Таълимда намойиш этиш методидан фойдаланиш а сосан материалларнинг характеристига-мазмуни, шакли ҳам ҳажмига боғлиқдир. Намойишнинг ўзи ҳам турлича бўлиши мумкин: а) аслича қўрсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар, ўсимликлар ва уларнинг таркиби, коллекциялар, асбоб ва машиналар, моделлар ва ҳоказо.

Экскурсия методи.

Экскурсия методи синф шароитида дарс жараёнида қўлланиладиган ўқитиш методидан тубдан фарқ қиласди. Бу метод билан ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни табиий шароитда (завод, фабрика, табиатни кузатишга) ёки маҳсус муассасаларга (музей, кўргазма ва ҳоказоларга) ташкилий равишда борилади.

Ўқитишининг амалий ишлар методи.

Амалий методларга масалалар ечиш, чизмалар тайёрлаш, ёзма машқларни бажариш кабиларни киритиш мумкин. Назарий жиҳатдан эгалланган билимлар амалда қўллаб қўрилади. График жадвал, карталар чизиш ҳам тегишли қўникма ва малакаларни ҳосил қилишга ва уларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Лаборатория ишлари методи.

Лаборатория машқлари фронтал тажрибалар, лаборатория ишлари, практикумлар ўқитишининг техник воситалари ва ўқув қуроллари типидаги бошқа асбоб-ускуналар билан машғулотлар тарзида ўтказилади.

Мустақил ишлар методи.

Кейинги даврда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга катта ётибор берилмоқда. Чунки бу метод талабада ижодкорликни, мустақилликни ривожлантиради. Ўқув дастурларида мустақил таълим учун соатлар ажратилмоқда. Талабаларни мустақил ишларини ташкил этишда маълум фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб мустақил ишнинг мазмуни, шакли ва вазифалари танлаб олинади. Топширишган мустақил ишни бажариш учун педагог керакли адабиётлар ва йўл йўриқларни кўрсатиши, қисқача тушунтириш бериши лозим. Талаба бажариши керак бўлган мустақил иш кўп вақт эгалламаслиги ва шу билан бир қаторда талабага ривожлантирувчи сифатида таъсир кўрсатиши керак.

Репродуктив, эвристик метод.

Репродуктив методлар биринчи навбатда талабаларнинг ўқув материалини тезроқ ва мустаҳкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш билимдаги типик камчиликларни тез аниқлаш учун қулай. Репродуктив методлар айниқса ўқув материалининг мазмуни асосан ахборот характеристида бўлса, мураккаб ва бутунлай янги билимлар ўрганилиши лозим бўлган ҳолатда самарали натижада беради.

Илмий тадқиқот методи.

Бу метод таълим тизимида унчалик кенг тарқалмаган метод бўлиб, маълум тайёргарликни талаб этади. Педагог раҳбарлигida талабалар ёки бир талаба маълум илмий тадқиқотларни ўтказиши ва маълум фан учун янги хуносаларни ясаси мана шу методни қўллаш жараёнида вужудга келади. Бу метод олийгоҳларда кўпроқ қўлланилади. Бу метод давомида илмий билиш жараёни содир бўлади, яъни хали номаълум бўлган билимлар кашф этилади ва эгалланади. Бунинг учун илмий тадқиқот режаси тузилади. Мақсад белгиланади ва тадқиқот усуллари танлаб олинади. Тадқиқот натижалари асосида хуносалар ясалади.

Ўқитишининг муаммоли-изланиши методи.

Янги мавзуни ўрганиш жараёни ўрганилаётган материални тайёр ҳолда талабаларга баён этмасдан, балки муаммо сифатида тақдим этиш муаммоли-изланиши методини келтириб чиқаради. Яъни дарс давомида ясаш керак бўлган хуносалар педагог томонидан эмас, балки талаба томонидан ясалишига ҳаракат қилинади. Ҳар бир талаба қўйилган муаммони ўзича ёндошиб ҳал этишга ҳаракат қиласади ва ўз фикрларини баён этади.

4.2. Таълим воситалари:

Таълим воситалари: таълим мақсадини амалга ошириш йўлида хизмат қилаётган методларни муваффақиятли натижага эришиши учун ишлатиладиган ўкув асбобларидир. Улар иссиқлик сифимини ўлчаш асбоби, компьютерлар, турли хил лабораторияда ишлатилувчи аппарат турлари, ўлчаш асбобларидан ташкил топиши мумкин. Таълим воситалари талабаларни амалий ишларни бажаришида ҳамда малака ҳосил қилишида шароитида бу янада катта аҳамият касб этади. Замонавий университет битирувчиси турдош мутахассисликлар бўйича ишларни бажариш, янги технологияларга эркин мослашиш, заруратга кўра, малакасини ошириш, ихтисослигини ўзгартиришга тайёр бўлиши лозим.

Мутахассисга қўйиладиган талаблар мажмуида ахборот оқимида эркин йўналиш танлай олиш ва мустақил таълим ҳамда билим олиш қўнималарининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Талабаларни ахборот билан ишлаш: ишончли манбаларни излаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, олинган натижаларни тақдим қилиш методларига ўргатишга оид ихтисослаштирилган курсларни жорий этиш зарур. Булар хорижий етакчи таълим муассасаларининг кўпчилигига фаол қўлланиб келади. Ахборотнинг турли манбалари ва воситалари, жумладан, компьютер технологиялари билан эркин ва тез ишлай олиш малакаси замонавий ёш мутахассислар учун жуда муҳим. Шу сабабли рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш уларни ўзгарувчан дунё шароитларига мослашишига қодир бўлган янги технологиялардан фойдаланиш воситалари, усуслари ва методлари билан куроллантиришдан иборатdir.

«Тенг-тенгига» ўқитиши методлари ҳали кенг қўлланилаётгани йўқ. Бунда юқори курс талабалари ёки магистрлар етакчи (устоз) ролини бажаради.

Талабалар ўртасида волонтерлик фаолияти етарлича кенг тарқалмаган. Мазкур фаолият тўғри ташкил қилинганида талабалар ўзларининг алоҳида эҳтиёжманд болалар билан ишлашга оид амалий қўнималарини жиддий тарзда ошириш, шунингдек, ўзининг янги назарий билимларни эгаллашга мотивациясини кучайтириш, бўлғуси касбида яхшироқ йўналганлик касб этиш ва ОТМ таълим жараёнида фаолроқ иштирок этиш имконига эга бўлади.

4.3. Таълим воситаларини танлаш мезонлари

Таълим воситалари - ўкув материалини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиши самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) - ўқув материалини кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материалини тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.

Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) – графиклар, чизмалар, намуналар ва х.к. бошқ.

Ўқув - услугий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материаларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

Талабаларни ўқув - билиш фаолиятларини жадаллаштиришга ёрдам берувчи ҳар турдаги *таълим воситаларини танлаши ва улардан фойдаланиши қўйидагиларга боғлиқ*: 1) мақсадни белгилаш;

- 2) асосий билим манбаига;
- 3) таълим усулига;
- 4) ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблигига;
- 5) талабаларни ўқув имкониятларига.

4.4. Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар:

- Мақсадни белгилаш;
- Ўқув ахборот мазмуни;
- Таълим воситалари;
- Етакчи билим манбай;
- Ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблиги.

Графикли органайзерлар техникаси

Графикли органайзерлар (ташкил этувчи) – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси.

Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиши, ўрганилаётган тушунчалар (ходисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситалари

**График ташкил
этувчининг тури,
аҳамияти ва
хусусиятлари**

**Ўқув фаолиятини
ташкиллаштиришнинг
жараёнли тузилмаси**

**“ИНСЕРТ”
жадвали**

**Инсерт жадвалини
коидаси билан
талабалар. Алоҳида ўзлари**

Инсерт жадвали


V	+	-	?

КЛАСТЕР
 (Кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофифа ғояларни йиғиш.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзуу бўйича янги ўзаро

Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади

Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлик сўз ва таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Бу “йўлдошларда” “кичик йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки



♩ **Кластерни түзиш қоидаси**

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Фоялари сифатини мухокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тұхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларға

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Тоифа-хусусият ва муносабатларни мухимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат.

Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш,

Тоифали шарҳлашни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ақлий хужум / кластер тузиш/ янги ўкув материали билан танишишдан сўнг, кичик гуруҳларда, олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излайдилар.

Тоифаларни жадвал кўринишида расмийлаштирадилар. Фояларни / маълумотларни тоифага мос равища бўладилар. Иш жараёнида тоифаларнинг айrim номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин.

Иш натижаларининг тақдимоти

Тоифалаш шарҳини тузиш қоидаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.

2. Битта мини - грухда тоифаларга ажратиш бошқа грухда ажратилган тоифалардан фарқ килиши мумкин.

Toifala sh jadvali

Toifalap

--	--	--	--	--

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

Ўрганилаётган ходиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни

Концептуал жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Таққосланадиганларни аниқлайдилар, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича,

Алоҳида ёки кичик грухларда концептуал жадвални тўлдирадилар.
- Узунлик бўйича таққосланадиган (фикр, назариялар) жойлаштирилади;
- Ётиги бўйича таққосланиш бўйича олиб бориладиган турли тавсифлар ёзилади.

Иш натижаларининг тақдимоти

Концептуал жадвал

...тушунчаларга ёндашувлар	Тавсифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқалар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ-

Биламан/ Билишни
хоҳлайман/ Билиб
олдим.
Мавзу, матн, бўлим
бўйича
изланувчиликни олиб
бориш имконини
беради.
Тизимли фикрлаш,
тузилмага келтириш,

Жадвални тузиш қоидаси билан
танишадилар. Алоҳида /кичик
гурухларда жадвални

“Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва
“Нимани билишни хоҳлайсиз” деган
саволларга жавоб берадилар (олдиндаги
иши учун йўналтирувчи асос яратилади).
Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини

Маъruzani тинглайдилар, мустақил
ўқийтишлар

Мустақил/кичик гурухларда
жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

Б/БХ/Б жадвали

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг йўл ва воситалари


**ВЕННА
ДИАГРАММАСИ - 2**
ва 3 жиҳатларни ҳамда
умумий томонларини
солиштириш ёки
таққослаш ёки қарама-
қарши қўйиш учун
қўлланилади.

Диаграмма Венна тузиш қоидаси
билан танишадилар. Алоҳида/кичик
гурухларда диаграмма Веннани

Жуфтликларга
ўзларининг
бирлашадилар,
диаграммаларини

Доираларни кесишувчи жойида,
икки/уч доиралар учун умумий
...

Венна диаграммаси



“SWOT – ТАҲЛИЛ” ЖАДВАЛИ

Алоҳида муаммо ёки лойиҳани ташкиллаштиришдек, вазиятни таҳлил килиш ва манбани

“SWOT-таҳлил” жадвалини тузиш қоидаси билан танишадилар.

Кичик гурӯҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, тўлдирадилар,

Иш натижаларининг тақдимоти

“SWOT – таҳлил” жадвалининг номи инглизча сўзларнинг бош харфларидан тузилган:

Strengths – кучли томони, ташкиллаштиришнинг ички манбалари мавжудлиги назарда тутилади;

Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммоларнинг мавжудлиги;

Opportunities – ташкиллаштиришдан ташқарида ривожланиш учун мавжуд, имкониятлар;

Threats – ташқи муҳитда ташкиллаштириши муваффақиятига таъсир этувчи хавф-хатарлар.



“SWOT - таҳлил” жадвали

S	W
O	T

Қоидага күра, SWOT – таҳлил мұваффақиятиуни ташкиллаштиришига болғық бўлмай, балки муҳокаманинг натижалари келгусидаги аниқ тақлиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши мумкин. Бундаги кетма-кетликлар қуийдагича бўлиши керак:

	<i>Таҳлил таркиблари</i>	<i>Натижаларни амалга оширишининг хусусиятлари</i>
S	Кучли томонлари (ташкиллаштиришнинг ички манбалари)	<ul style="list-style-type: none"> - барқарор ривожланишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади; - янги лойиҳалар асоси ҳисобланади; - тўсиқларни енгиб ўтишининг йўли бўлиши мумкин.
W	Кучсиз томонлари (ташкиллаштиришнинг ички муаммолари)	<ul style="list-style-type: none"> - ташкиллаштириш фаолияти айнан шуларни енгиб ўтишга йўналтирилган бўлиши лозим; - янги лойиҳалар учун энг муҳим мақсад ҳисобланади; - ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиша албатта ҳисобга олиниши зарур
O	Имкониятлар (ташқаридан)	<ul style="list-style-type: none"> - молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча кўрсаткичи ёки ташқи манба бўлиб хизмат қилади, - улар ташкиллаштиришнинг мақсади билан ёки қанчалик муросага келишиши билан қанчалик мос келишини ҳисобга олиш зарур бўлади; - янги лойиҳаларнинг асоси ёхуд ҳамкорликни излаш манбаси бўлиши мумкин.
T	Хавфлар (ташқаридан)	<ul style="list-style-type: none"> - Ҳар бир янги лойиҳада ҳисобга олиниши зарур; - уларни енгиб ўтиш ёки бетараф этиш йўллари ишлаб чиқилиши керак; - баъзида мантиққа мос келмайдиган “рақиблар” “иттифоқчиларга” айланиши бўлиши мумкин.

Муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари ва воситалари



♪ «Нима учун?» чизмасини түзиш қоидалари

1. Айлана ёки түгри түртбүрчак шаклардан фойдаланишини ўзингиз танлайсиз.
 2. Чизманинг кўринишини - мулоҳазалар занжиринитўги чизиқлами, тўгри чизиқли эмаслигини ўзингиз танлайсиз.
 3. Йўналиш кўрсаткичлари сизнинг қидирувларингизни: дастлабки ҳолатдан изланишгача бўлган йўналишингизни белгилайди.

“Балиқ скелети” чизмаси

Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради.


Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради

Алоҳида/кичик гуруҳларда юқори “суюгидаги” кичик муаммони ифодалайди, пастда эса, ушбу кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар ёзилади

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққосладилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.


Иш натижаларининг тақдимоти

«Балиқ скелети» чизмаси





Қуидан юқорига босқичма-босқич бўйсунувчи “Қандай?” диаграммаси



«Қандай?» диаграммасини қуриш қоидалари


1. Күпгина ҳолларда муаммони ечишда “німа қилиши керак”ligи түгерисіда ўйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишда “бұни қандай қилиши керак?”, “қандай”асосий саволлар юзага келишишдан иборат бўлади.

“Қандай” саволларининг изчил берилиши қуйидагилар имконини беради:

1. муаммони ечиши нафақат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириши ўйларини ҳам тақдик қилиши;
2. қуйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунадиган гоялар тузилмасини аниқлайдилар.

Диаграмма стратегик даражадаги саволлар билан ишлашни бошлайди. Муаммони ечишнинг пастки даражаси биринчи галдаги ҳаракатларнинг рўйхатига мос келади.


1. Барча гояларни ўйлаб ўтирумасдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезликда ёзиши керак;
2. Диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди: унга янги гояларни киритиши мумкин;
3. Агарда чизмада савол унинг “шохларида” бир неча бор қайтарилса, унда у бирор мұхимлікни англатади. У муаммони ечишининг асосийси бўлиши мумкин;
4. Янги гояларни график кўринишда: дараҳт ёки каскад кўринишидами, юқоридан пастгами ёки чапдан ўнгда қайд қилинишини ўзингиз ҳал этасиз;
5. Агарда сиз ўзингизга тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиши йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини



Тузилмавий-мантиқий чизма «Погона»ни қуриш қоидалари

1. «Погона»ни тузиси жараёнида тизимли схеманинг таркибий қисми ва элементларини силжитиш мумкин – бу у ёки бу ҳолатни қайта фикрлаши имконини беради.
2. Агарда сиз гояларни ишлаб чиқишида тор йўлакка кириб қолсангиз, у ҳолда бир-икки даражса юқорига қайтинг ва муҳим нарсани унутмаганингизга ҳамда бошқача нимадир қилиши мумкин эканлигини кўриб чиқиниг.
3. Сиз чапдан ўнгга ёзишига ўргангансиз. «Каскад» қуришини ўнгдан чапга қараб тузисига ҳаракат қилинг. Бунинг учун асосий гояни чап тарафда эмас, балки ўнг тарафда жойлаштиринг.

«Пирамида» чизмаси



**“НИЛУФАР
ГУЛИ”**
чиzmаси -
Муаммони
ечиш воситаси.
Ўзида нилуфар
гули
кўринишини
намоён қилади.
Унинг асосини
тўққизта катта
тўрт бурчаклар
ташкил этади.
Тизимли

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алохид/кичик гурхларда юкори “сугында” кичик муаммони ифодалайди, пастда эса, ушбу кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар ёзилади.

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурухларда чизма тузадилар: тўрт бурчак марказида аввал асосий муаммони (ғоя, вазифа) ёзадилар. Унинг ечиш ғояларини эса марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзадилар. Марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзилган ғояларни, атрофда жойлашган саккизта тўрт бурчакларнинг марказига ёзадилар, яъни гулнинг баргларига олиб чиқадилар. Шундай қилиб, унинг хар бири ўз навбатида

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алохид/кичик гурухларда чизма тузадилар: аввал асосий муаммони (ғоя, вазифа) ёзадилар, сўнгра кичик муаммоларни, уларнинг ҳар биридан эса, кичик муаммони батафсил кўриб чиқиш учун “кичик шохчаларни” чиқарадилар. Шунга асосан ҳар бир ғоялар

Иш натижаларининг тақдимоти

Мавзу5 : Махсус фанларни ўқитиши жараёнида кўлланиладиган таълимнинг ташкиллаштириш шакллари

Саволлар:

- Таълимни ташкиллаштириш шакллари: моҳияти ва мазмуни.**
- Гурухларда ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш технологияси.**
- Ҳамкорликда ўзаро ўқиш.**

Асосий тушунча ва атамалар

Таълимни ташкиллаштириш шакллари, таълим шакллари, оммавий, жамоавий, гурухли ва якка тартибли.

5.1. Таълимни ташкиллаштириш шакллари: моҳияти ва мазмуни

Таълим шакли ўқув жараёнининг шундай ташқи томонларини намоён қилади, яъни:

1. Унинг мавжуд бўлиши йўли: тартиб тартибот:

- таълим олувчилар сони: оммавий, кичик гурухларда, якка ҳолда ўқитиши;
- ўқитиши вақти: 80-бирлашган дарс, «танаффусиз дарс»;
- ўқитиши жойи: аудитория, лаборатория машғулотлари, корхоналарда ишлаш.

Ўқув ишини ташкиллаштириши шакли:

- маъруза, семинар, мустақил иш ва бошқалар.

Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириши йўллари:

- умумий (фронтал), гурухли, якка тартибли.

Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш шакллари:

- Оммавий иши** (фронтал) - барча таълим олувчилар олдига бир хил топшириқ бажариш мақсади қўйилади.

- Жамоавий иши** (коллектив) - ҳам умумий ва гурухлига тааллуқли бўлиши мумкин: 1) олдинда турган иш режасини ҳамкорликда муҳокама қилиш; 2) мажбуриятларни бўлиш, ҳисобот шаклини танлаш; 3) хуносаларни муҳокама қилиш (тартиб билан алоҳида таълим олувчилар фикрлари тинглади ва муҳокама қилинади); 4) Маъқул хуносаларни шакллантириш (умумий келишув билан).

- Гурухли** - кичик гурухларда ҳамкорликда бир топшириқни бажариш.

- Якка тартибли (индивидуал)** - ўқув топширигини якка ўзи бажариши.

5.2. Гурухларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш технологияси

I. Ташкилий босқич

Технологик ишлар

Таълим берувчи

Бир турдаги гурухли иш ўқув гурухлари учун бир турдаги топшириқ бажарышни назарда тутади. *Табақалашын гурухли иш* гурухларда турли топшириқларни бажарышни назарда тутади.

Йўриқномага талаб:

Йўриқнома ўзида қуийдагилардан иборат бўлиши зарур:

- топшириқни аниқ ифодаланишини;
- кутилаётган натижаларга аниқ йўналтириш;
- тажрибада синалган бўлиши керак: бу йўриқномани аввал ўзи ёки ҳамкасбидан бажаришини илтимос қилиш керак;
- гурӯҳ топшириқни мустақил бажариш бўйича тўла тавсияномалар бўлиши керак;
- хар бир таҳлим олувчи учун тушунарли қилиб ёзилиши керак.

8. Таълим олувчиларни
ҳамкорликда ишлашга

(1) Ўқув гурухида хайриҳона муносабат мухитини яратади: фақат шунда улар ҳамкорий ишни ижодий бажарадилар.
(2) таълим олувчилар топшириқларни

Гурухда ишлаш =қоидалари:

- ҳар ким ўз уртоқлари нутқини хушимуомалалик билан тинглаши зарур;
- ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топширкча масъулиятли ёндашиши зарур;
- ҳар ким ёрдамга муштож бўлганда уни сўраши зарур;
- ҳар кимдан ёрдам сыйалса ёрдам килиши зарур.

9. Гуруҳни бўлиш

Кичик гуруҳларни бирлаштириш йўлини танлайди. Таълим олувчиларни ким гуруҳларга бўлади?, аниқлайди.


10. Гуруҳда таълим
олувчилар

Таълим олувчиларни вазифаларини аниқлайди: маслаҳатчи, сардор, маърузачи, баённомачи, рамийлаштирувчи ва бош.

11. Иш жойини

Стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштирладики, бунда:
- таълим олувчилар аудиторияда эркин ҳаракатлана олсинлар;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва

Гурухларни жойлаштиришнинг энг макбул чизмаси



II босқич. Гурухли ишни бажаришга киришиш

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим оловчилар
<p>1. Билим орттиришлик вазифани (муаммоли вазиятни таклиф қиласи) белгилайди, таълим оловчилар билан биргаликда уни ечиш йўли ва тартибини муҳокама қиласи.</p> <p>2. Иш якуни бўйича қандай натижалар кутулишини тушунтиради.</p> <p>3. Гурухларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қиласи. Ҳар бирининг ва бутун гурухнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.</p> <p>4. Таълим оловчиларни гурухларга бўлади.</p> <p>5. Гурухлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарақатади. Топшириқни бажаришда (керак бўлганда), қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.</p> <p>6. Ёзув тахтасида гурухли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзди ёки тарқатади. Таълим оловчилар билан бу йўриқномани муҳокама қиласи, ҳаммалари уни тушунгандарига ишонч ҳосил қиласи.</p>	<p>Вазифани муҳокама қиласидилар</p> <p>Ўқув материаллари ва йўриқнома билан танишадилар</p>

III босқич. Гурухли иш

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчилар
<p>Кузатувчи сифатида иштирок этади. Бироқ бунда у:</p> <p>1) ишлаётган гурухларни назорат қиласди, лекин уларга раҳбарлик қилмайди: таълим олувчилар ўзлари учун жавобгарлар. Хато қилсалар ҳам, ўзлари ишлашларига рухсат беради;</p> <p>2) аниқ топшириқни бажариш учун зарур бўлган, алоҳида бўлиб ишлашга, кўникмаларни шаклланишига эътиборини қаратади;</p> <p>3) таълим олувчиларга ишни бажарганликларини маълум қилишларини таклиф қиласди ва очиқ саволлар бериб уларга ёрдам беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ҳодисаларни таҳлил қилиш учун - «Қандай?»; • Фикрларни билдириш учун «<i>Nima учун бу усул яхши ёки ёмон?</i>»; • Эшиттириб ўйлашга, бошқаларни тинглашга, олинган ахборотдан маълумотларни танлаб олишлари учун «Агарда,...? Қандай бошқа усуллар мавжуд?...бошқалар ўйлайдики, ...Кўллашимиз мумкин; • 4) иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим, аниқ ва самимий танбеҳ қиласди 	<p>Гурухларда ишини режалаштиради Гурухлар ичида топшириқни тарқатади Алоҳида топшириқни бажарадилар.</p> <p>Алоҳида бажарилган иш натижаларини муҳокама қиласидилар.</p> <p>Гурухли ишнинг умумий натижасини ифодалайди ва уларни тақдимотга тайёрлайди</p>

IV босқич. Якун ясаш, таҳлил ва баҳолаш

Гурухлар ишида тарқоқсизликни олдини олиш йўли:

Гурухлар ишини ҳар доим бошқариб туриш керак: мавзудан четга чиқиш- бу таълим олувчилар учун йўлдан чиқишидир.

Гурух сардорларига эътибор бериш керак.

Ишни бажариш учун зарур бўлган, барча материаллар тушунарли бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш.

Ф а о л и я т

таълим берувчи	таълим олувчилар
<p>1. Бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гурух вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезон ва кўрсаткичларини эслатади.</p> <p>2. Натижалар текширувини ўтказади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • гурухнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; □ ёки буни аввалдан тайинланган назоратчи қилиши мумкин; □ ёки материалга тааллуқли бўлган, топшириқни бажариш вақтида ўзлаштирилганлар бўйича, тест ўтказади; □ ёки берилган материал бўйича бошқалар маълумот олганликларини аниқлаш учун, ҳар бир гурух ўзаро текшириш учун савол бериши ёки тайёрлаши мумкин. Бунда гурух аъзолари тестга тайёрланишларида бир-бирларига ҳамкорликда ёрдам беришларига руҳсат беради. □ 3. Гурух ишини таҳдил қиласи, топшириқ бажарилишининг якунини қиласи, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради. 	Гурух вакиллари иш натижалари тўғрисида маълумот берадилар

5.3. Ҳамкорликда ўзаро ўқиши.

Уибу бўлимда ҳамкорликдаги ўқишини ташкил этиши усул ва воситалари: тамойиллари ва қоидалари; «Биргаликда ўқиймиз», «Appa», «Ўйланг-Жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг» техникалари ҳақида маълумотлар берилади.

5.3.1. Ҳамкорликдаги ўқиши: тамойил ва қоидалари

1) гурухга битта топшириқ;

2) битта рағбат: гурух барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гурух аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йифиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гурух (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;

3) ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гурухнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулиятлиги;


4) ҳамкорликдаги фаолият: гурухий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;

5) муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шаҳсий ютуғини такомиллаштиришга, шаҳсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишига берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

Ҳамкорликда ўқиётганлар учун асосий қоидалар:

- *топшириқни биргаликда оддий бажарии эмас, балки биргаликда ўқиши;*
- *мусобақалашии эмас, балки ҳамкорлашии;*
- *биргаликда ишилашга ўрганиши, ўқиши ва ижод;*
- *ҳар доим бир-бирига ёрдам қилишга, муваффақият қувончи ёки муваффақиятсизлик аччигини бирга тортишга тайёр бўлиши*

5.3.2. “Илон изи” “Арра” техникаси



“Илон изи” (“Арра”) техникасининг технологик харитаси

Иш	Ф а о л и я т
----	---------------

бос- кич - лар	таълим берувчи	таълим олевчи
1	Лавҳаларнинг мураккаблиги ва ҳажми бўйича тенг бўлинган ўқув материали стида ишлаш учун 4-6 кишидан иборат бўлган гурӯхларни шакллантиради.	
2	Олдинда турган иш хусусиятини тушунтуради, эксперт варақларини тарқатади - ҳар бир гурӯх аъзоси умумий ишнинг алоҳида қисмини олади ва ўзининг ўқув материали соҳасининг эксперти бўлади.	<p>2.1. Ҳар бир гурӯх аъзоси эксперт варағига мос равища ўқув материалидан керакли маълумотни топади</p> <p>2.2. Мутахисслислар учрашуви-ҳар хил гурӯхларда фақат бир материални ўрганаётганлар билан учрашадилар ва эксперплар сифатида ахборотлар билан алмашиладилар, ўзларининг саволларини ишлайдилар, дастлабки ўзларининг гурӯх аъзоларига ушбу ахборотни самаралироқ баён этишни биргаликда режалаштирадилар</p> <p>2.3. Мутахисслислар ўзларининг дастлабки гурӯхларига қайтадилар ва бошқаларга ўзлари билиб олган барча янгиликларни ўргатадилар: ҳар бири ўзининг топшириғининг қисми тўғрисида маъруза қиласи(худди арранинг бир тишидай)</p> <p>2.4. Умумий мавзу бўйича бир-бирларига саволлар берадилар ва билимларни баҳолайдилар ёки таълим берувчи томонидан барча мавзулар бўйича тестларни бажарадилар</p>
3	Иш якунидан сўнг гурӯхлардаги ҳоҳлаган таълим олевчига мавзу бўйича ҳоҳлаган саволга жавоб беришиши таклиф этади.	Саволларга жавоб берадилар

5.3.3. “Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усулининг “Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усулининг технологик

харитаси

Иш босқи члари	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1	Ўқиганлик даражаси бўйича 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил гурухларни шакллантиради	
2	Ҳар бир гурухга умумий мавзунинг қисмини - бир топшириқ беради, бу бўйича барча ўкув гурухлари ишлайди. Таянч (эксперт ва рақлар)ни тақдим этади	Гурух ичida умумий топшириқ бўлинади
3	Топширикни бажариш муваффақиятини, муданиятини назорат қиласди	3.1. Ҳамма алоҳида топширикни бажарадилар ва барча мавзуулар бўйича мустақил ишлайдилар. 3.2. Гурух аъзоларини кичик-маърузаларини тинглайдилар. Умумий маърузани ифодалайдилар
4	Гурухлардаги иш якунини ва натижалар тақдимотини эълон қиласди	Гурух сардорлари ёки ҳамма гурух маъруза тақдимотини ўтказадилар.
5	Гурух натижаларининг таҳлили ва баҳолашини ўтказади, ғолиб-гурухни аниқлади.	

5.3.4. “Ўйланг - жуфтликда ишланг - фикр алмашинг” техникаси

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

«Ўйланг - жуфтликда ишланг - фикр алмашинг» техникасидан фойдаланган ҳолда гурухларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.

↓2. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, бир - бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишга ҳаракат қиласди.

↓3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришни таклиф қиласди.

Мавзу 6: Махсус фанларни ўқитиши жараёнида кўлланиладиган таълим воситалари

Режа

- 1. Таълим воситалари: тушунча ва мазмуни.**
- 2. Графикли органайзерлар техникаси.**

Асосий тушунча ва атамалар

Таълим воситалари, таълимнинг техник воситалари (ТТВ), ёрдамчи таълимий воситалар (ЁТВ), ўқув-услубий материаллар (ЎУМ), Инсерт жадвали, кластер, тоифалаш ва концептуал жадваллар, Б/БХ/Б жадвали, Венна диаграммаси, SWOT - таҳлил жадвали, “Нима учун?” схемаси, “Балиқ склети”, “Каскад”, “Пирамида”, “Нилуфар гули”, “Қандай?” диаграмма.

IV. Ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар

- “Таълим воситалари” тушунчасини асосланг. Уни таълим бериш технологиясидаги ўрнини тушунтириинг.
- Таълим беришнинг техник воситалари, ёрдамчи таълим воситалар, ўқув-услубий материаллар нима учун зарурлигини тушунтириинг.
- Таълим воситаларини танлаш нимага боғлиқ эканлигини тушунтириинг.
- Графикли ташкиллаштирувчиларга: Инсерт жадвали, кластер, тоифалаш жадвали, Б/БХ/Б жадвали, SWOT - таҳлил жадвали, “Нима учун”, “Балиқ скелети”, “Поғона”, «Пирамида», , “Нилуфар гули” чизмалари, “Қандай” диаграммаси хусусиятларини аниқ мисолларда тушунтириинг.

6.1. Таълим воситалари: тушунча ва мазмуни

Таълим воситалари - ўқув материалини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиши самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Таълим воситалари:

- Таълим беришнинг техник воситалари (ТТВ);
- Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ);
- Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ).

Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) - ўқув материалини кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материалини тушунишларига ва яхши эслаб қолишлини имкон беради.

Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) – графиклар, чизмалар, намуналар ва х.к. бошқ.

Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

Талабаларни ўқув - билиш фаолиятларини жадаллаштиришга ёрдам берувчи ҳар турдаги *таълим воситаларини танлаши ва улардан фойдаланиши қўйидагиларга*

бөглиқ: 1) мақсадни белгилаш; 2) асосий билим манбаига; 3) таълим усулига; 4) ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблигига; 5) талабаларни ўқув имкониятларига.

6.1.1. Таълим воситаларининг таснифи



6.1.2. Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар:

- Мақсадни белгилаш;

- Ўқув ахборот мазмуни;
- Таълим воситалари;
- Етакчи билим манбаи;
- Ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблиги.

6.1.3. ЎУМ турлари ва улардан фойдаланишнинг хусусиятлари

ЎУМ турлари	Хусусиятлари		
	қўлланилиши	мазмуни	расмийлаштириш
1	2	3	4
Йўриқ нома бериш	Алоҳида, жуфтликда ва гурухли иш доирасида гурухли топшириқни бажаришда	Бажариш учун тақдим этилаётган топшириқнинг аниқ ифодаланиши. Вақтга ва иш шаклига, кутилаётган натижа, натижани тақдим этиш шаклига, унинг баҳолаш мезонига қаратилиши.	Тузилмавийлик, аниқлик
Эслатма	Материални мустаҳкамлашда, дарс якунида ва мустақил қўллаш учун	Машғулотда ўтилган асосийларининг энг қисқа умумлаштирилиши	Қисқа тузилмавийликда асосий мазмунни баён этилишидан иборат; қисқа таклифлар, аниқ фикрлар, мисоллар; матн ўрнида чизма, расм, жадвал ва бошқалардан фойдаланиш.
Назорат варафи	Эгаллаган билимларни текширишда	Фикрлаш учун саволлар ва янги билимларни қўллаш.	Ўқитувчи текширув натижаларини киритиш учун бўш жой бўлиши керак.
Тезислар	Машғулот олдидан -ёрдамчи қўлланма сифатида; Ўқув машғулот вактида-якун	Мавжуд машғулот мазмунига мос келиши ва уни тўлдириш зарур	Қисқалиги: имкони борича бир варақ А4. Талабалар шахсий фикрларини

	<p>чиқаришда, машғулотга тайёрланган материални мустаҳкамлаш учун; - қисқа қайд этиш учун фаол воситадек; - ўкув машғулотидан <i>сўнг</i> - билимларни мустаҳкамлаш учун маълумотномадек.</p>		<p>ёзишлари учун бўш жой бўлиши зарур.</p>
--	---	--	--

6.2. Графикли органайзерлар техникаси

Графикли органайзерлар (ташкил этувчи) – фикрий жараёнларни қўргазмали тақдим этиш воситаси.

6.2.1. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ходисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситалари

**График ташкил
этувчининг тури,**

**“ИНСЕРТ”
жадвали**

Мустақил ўқиши
вақтида олган
маълумотларни,
эшитган
маърузаларни
тизимлаштиришни
таъминлайди;
олинган
маълумотни

V +

**Ўкув фаолиятини
ташкиллаштиришнинг**

Инсерт жадвалини тўлдириш
қоидаси билан танишадилар.

Ўқиши жараёнида олинган
маълумотларни алоҳида ўzlари
тизимлаштирадилар - жадвал
устунларига “киритадилар”
матнда белгиланган қуйидаги
белгиларга мувофиқ:
“V”- мен билган маълумотларга
мос;
“-“ - мен билган маълумотларга
зид;
“+” - мен учун янги маълумот;

КЛАСТЕР

(Кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиши.


Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланисишли тасаввурларни

Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қофоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўзлан иборат бўлган мавзу номи

Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Бу “йўлдошларда” “кичик йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида

Мухокама учун кластерлар билан алмашинадилар.

Кластер



Кластерни тузиш қоидаси

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялари сифатини мухокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у холда қачонки янги ғоялар келмагунча

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат.

Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўнинмалашини

Тоифали шарҳлашни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ақлий ҳужум / кластер тузиш/ янги ўқув материали билан танишишдан сўнг, кичик гуруҳларда, олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излайтишадилар.

Тоифаларни жадвал кўринишида расмийлаштирадилар. Ғояларни / маълумотларни тоифага мос равишда бўладилар. Иш жараёнида тоифаларнинг айrim номлари ўзгариши мумкин.

Иш натижаларининг тақдимоти

Тоифалаш шарҳини тузиш қоидаси

- ❶ 1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
- 2. Битта мини - гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
- 3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

Тоифалаши жадвали

Т о и ф а л а р

--	--	--	--	--

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

Ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни

Концептуал жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Таққосланадиганларни аниқлайдилар, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича,

Алоҳида ёки кичик гурухларда концептуал жадвални тўлдирадилар.

- Узунлик бўйича таққосланадиган (фикр, назариялар) жойлаштирилади;
- Ётиғи бўйича таққосланиш бўйича олиб бориладиган турли тавсифлар ёзилади.

Концепт

Иш натижаларининг тақдимоти

...тушунчаларга ёндашувлар

Тавсифлар, тоифалар,

Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гурухларда жадвални расмийлаштирадилар.



Биламан	Билишни хөхлайман	Билиб олдим

Б/БХ/Б жадвали

6.2.2. Маълумотларни таҳлил қилиш, солишириш ва таққослашнинг йўл ва воситалари

Диаграмма Венна тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурҳларда диаграмма Веннани тузадилар ва кесишибайдиган жойларни (x) тўлдирадилар.

Венна диаграммаси



“SWOT – ТАХЛИЛ” ЖАДВАЛИ

Алоҳида муаммо
ёки лойихани
ташкиллаштиришде
к, вазиятни таҳлил
қилиш ва манбани
бахолапи воситаси

**“SWOT-таҳлил” жадвалини тузиш
қоидаси билан танишадилар.
Апохила/кичик гурӯҳпопла жалвални**

Кичик гурухларга бирлашадилар,
таққослайдилар, тўлдирадилар,
жадвални ўзгартирадилар. Умумий

Иш натижаларининг тақдимоти

“SWOT – таҳлил” жадвалининг номи инглизча сўзларнинг бош харфларидан тузилган:

Strengths – кучли томони, ташкиллаштиришнинг ички манбалари мавжудлиги назарда тутилади;

Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммоларнинг мавжудлиги;

Opportunities – ташкиллаштиришдан ташқарида ривожланиш учун мавжуд, имкониятлар;

Threats – ташқи муҳитда ташкиллаштиришни муваффақиятига таъсир этувчи хавф-хатарлар.

“SWOT - таҳлил” жадвали


S	W
O	T

﴿ Қоидага кўра, SWOT – таҳлил муваффақиятиуни ташкиллаштиришига боғлиқ бўлмай, балки муҳокаманинг натижалари келгусидаги аниқ таклиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинини мумкин. Бундаги кетма-кетликлар қуийидагича бўлиши керак:

	Таҳлил марқиблари	﴿ Натижаларни амалга оширишининг хусусиятлари
S	Кучли томонлари (ташкиллаштиришнинг ички манбалари)	- барқарор ривожланишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қиласди; - янги лойиҳалар асоси ҳисобланади; - тўсиқларни енгиб ўтишининг йўли бўлиши мумкин.
W	Кучсиз томонлари (ташкиллаштиришнинг ички	- ташкиллаштириш фаолияти айнан шуларни енгиб ўтишга йўналтирилган бўлиши лозим; - янги лойиҳалар учун энг муҳим мақсад ҳисобланади; - ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида албатта

	муаммолари)	ҳисобга олиниши зарур
O	Имкониятлар (ташқаридан)	<ul style="list-style-type: none"> - молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча кўрсаткичи ёки ташқи манба бўлиб хизмат қиласди, - улар ташкиллаштиришнинг мақсади билан ёки қанчалик муросага келишиши билан қанчалик мос келишини ҳисобга олиш зарур бўлади; - янги лойиҳаларнинг асоси ёхуд ҳамкорликни излаш манбаси бўлиши мумкин.
T	Хавфлар (ташқаридан)	<ul style="list-style-type: none"> - Ҳар бир янги лойиҳада ҳисобга олиниши зарур; - уларни енгиги ўтиш ёки бетараф этиш йўллари ишлаб чиқилиши керак; - баъзида мантиқа мос келмайдиган “рақиблар” “иттифоқчиларга” айланиши бўлиши мумкин.

6.2.3. Муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари ва воситалари



﴿«Нима учун?» чизмасини тузиш қоидалари

1. Айланы ёки тўғри тўртбурчак шакллардан фойдаланишини ўзингиз танлайсиз.
2. Чизманинг кўринишини - мулоҳазалар занжиринитўғри чизиқлими, тўғри чизиқли эмаслигини ўзингиз танлайсиз.
3. Йўналиш кўрсаткичлари сизнинг қидирувларингизни: дастлабки холатдан изланишгача бўлган йўналишингизни белгилайди.

“Балиқ скелети” чизмаси

Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради.


Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурухларда юқори “суюгига” кичик муаммони ифодалайди, пастда эса, ушбу кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар ёзилади

Кичик гурухларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти

«Балиқ скелети» чизмаси



Қуйидан юқорига боскичма-


Кичик гурухларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар

Күйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунувчи “Қандай?” диаграммаси



1. Кўпгина ҳолларда муаммони ечишида “нима қилиш керак”лиги тўғрисида ўйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишида “буни қандай қилиш керак?”, “қандай”асосий саволлар юзага келишидан иборат бўлади.
2. “Қандай” саволларининг изчил берилиши қўйидагилар имконини

Тузилмавий-мантиқий чизма “Поғона”



Тузилмавий-мантиқий чизма «Поғона»ни қуриш қоидалари

1. «Поғона»ни тузши жараёнида тизимли схеманинг маркибий қисми ва элементларини силжитиш мумкин – бу у ёки бу ҳолатни қайта фикрлаш имконини беради.
2. Агарда сиз гояларни ишлаб чиқшида тор йўлакка кириб қолсангиз, у ҳолда бир-икки даражса юқорига қайтинг ва муҳим нарсани унумтмаганингизга ҳамда бошқача нимадир қилиши мумкин эканлигини кўриб чиқсиниг.
3. Сиз чапдан ўнгга ёзишига ўргангансиз. «Каскад» қуришини ўнгдан

“ПИРАМИДА” чизмаси -

Фояларни қуидан юқорига босқичмабосқич тақдим этиш воситаси. Тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради ва

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурхларда чизма тузадилар: аввал асосий муаммони (фоя, вазифа) ёзадилар, сўнгра кичик муаммоларни, уларнинг ҳар биридан эса, кичик муаммони батафсил кўриб чиқиш учун “кичик шохчаларни”

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурхларда юқори “суягидаги” кичик муаммони ифодалайди,

Иш натижаларининг тақдимоти

Сизга муаммоларни майдада «Нима =илиш керак?»
га ўжжат билмайди. Муаммо асосан «Буни =андай =илиш
да былади. «+андай?» муаммона Ѣал этишида асосий савол

архия диаграммаси муаммо Ѣа=ида бутунлигича умумий
и билишга имкон берадиган саволлар манти=ий занжирини
лади.

вишида «+андай?» саволини =ыйши бор=али сиз фа=ат
этишининг барча имкониятларини тад=и= этибгина =олмай,
иалга ошириши усулларини Ѣам ырганасиз.

ратегик даражадаги савол билан иши бошлайди. Муаммони
пастки (=уюй) даражаси биринчи навбатдаги Ѣаракатлар
келади.

ащоламай ва уларни ызаро солишиштирмай тезликда барча
озим былади.

щеч =ачон тугалланмайди: унга янги \оял

ол схемада бир =анча «шохлар»да =айтар
имдир. У муаммони Ѣал этишининг мущим =

ни график киринишида =айд этишини ызинги
скад киринишида, ю=оридан пастга ёки чап
ишибатни кир мудордади. О

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурухларда чизма тузадилар: тўрт бурчак марказида аввал асосий муаммони (фоя, вазифа) ёзадилар. Унинг ечиш фояларини эса марказий тўрт бурчакнинг

«Нилуфар гули» чизмаси

	В	
	D	
	G	

	z	
B	z	C
D	A	F
G	H	Y
	H	

	C	
		F
		Y

﴿«Нилуфар» гули чизмасини түзиш қоидалари

- Амалий нүктаи назардан барча гояларни ихчам деб масаввур қилинг (битеттакитаси билан чегараланинг), бу ҳам ақл учун фойдали машқ ҳисобланади.
- Сизга катта қогоз варағи зарур бўлади.

Доимо ўзингиз мушоҳадаларинги натижасини бир варақ қогозда кўриши фойдали ҳисобланади. Қарама-қарши ҳолда эса сизга бир варақдан бошқасига сакраб юришингизга ва бунда зарурий

Мавзу 7: Махсус фанлар бўйича машғулотларни лойхалаштириш ва режалаштириш асослари

Саволлар:


- 1. Махсус фанлар бўйича технологиясининг ҳаракатланувчи тузилмаси.**
- 2. Махсус фанлар бўйича таълим технологиясини лойихалаш ва ишлаб чиқиш тартиби .**

Асосий тоифа ва тушунчалар:

Тизим, модел, тузилма, таркиб, элемент, ҳаракатланувчи тузилма, лойихалаш, мақсадни белгилаш, мақсад, вазифа, натижа.

7.1. Махсус фанлар бўйича технологиясининг ҳаракатланувчи тузилмаси

Таълим технологиясининг ҳаракатланувчи тузилмаси



Ташқи шароитлар Тұғрилаш/ўзгартириш Халақилар

Из ох:

1. “Ташқи шароитлар” - ўқув хоналарни жиҳозлашда, техникавий ва бошқа ўқитиш воситаларининг ҳолати ва мавжудлиги, ижтимоий муҳит ва бошқаларда намоён бўлади.

2. “Халақитлар” - уларнинг келиб чиқиши таълим бериш технологиясини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш жараёнида таълим олувчиликнинг тайёргарлик, ривожланганлик даражаси, уларнинг имкониятлари таълим жараёни иштирокчиларини зарурий психологик, шахсий, индивидуал ва бошқа хусусиятлари каби омилларни ҳисобга олишни йўқлиги билан намоён бўлади.

3. “Тұғрилаш /ўзгартириш киритиши” - Таълим жараёни якунида нима сабабдан унинг йўли ва натижаларини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади? Жавоб равшан- дастлабки ғояга йўл ва натижаларни тўлиқ мос келмаслиги сабабини аниқлаш, нима сабабдан, қаерда хатоликларга йўл қўйилганигини аниқлаш учун, тезкорликда тұғрилаш киритиши ва ўз вақтида ўзгартириш киритиши зарур.


7.2. Таълим технологиясини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиши тартиби

Таълим берувчини таълим олувчилик билан бирга тезкор қайтар алоқа асосида бевосита ўзаро ҳаракати.

Вақт бўйича былинган қайтар алоқа билан таълим берувчини таълим олувчилик билан бирга бевосита ўзаро ҳаракати.

**Таълим технологиясини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиши тартибида
Бошқарув тизими қуйидагилардан иборат:**

- Башоратлаш
- Режалаштириш
- Назорат
- Баҳолаш
- Ахборот йиғиш, түплаш, тащлил қилиш
- Ўзгарувчанлик ва йўналишни аниқлаш
- Бошқарув хулосасини қабул қилиш
- Ўзгартириш киритиши



Мавзу 8: Маъруза ва семинар машғулотларини лойхалаштириш ва режалаштириш асослари

Саволлар:

- 1. Маъруза - ОУЮ таълим ташкиллаштиришнинг асосий шакли.**
- 2. Маърузада ўқитиши технологиясининг жараёнли тузилмаси.**
- 3. Маърузаларда таълим бериш технологияси.**

8.1. Маъруза - ОУЮ таълим ташкиллаштиришнинг асосий шакли

МАЪРУЗА

Маъруза - давомли вақт ичидаги ўқитувчи томонидан катта ҳажмдаги ўкув материалини монологик баён қилиши.

Усулнинг асосий *вазифаси*-таълим бериш. *Белгилари*: қатъий тузилма, оғзаки-мантиқий баён қилиш, берилаётган ахборотнинг кўплиги.

Маърузалар муҳим лаҳзаларини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкиллаштириш усулининг самарадорлик шартлари қўйидагилардан иборат:

- ✓ маъruzанинг батафсил режасини тузиш;
- ✓ таълим олувчиларга маъруза мавзуси мақсади, вазифалари ва режани эшиттириш;
- ✓ ҳар бир режани ёритгандан сўнг қисқа умумлаштирувчи хуносаларни шакллантириш;
- ✓ маъruzанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтганда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- ✓ ёзиб олиш учун зарур жойларни ажратиб кўрсатиш (айтиб туриш);
- ✓ унинг алоҳида ҳолатлари батафсил кўриб чиқиладиган семинар, амалий машғулотлар билан маъruzанинг тўғри келиши.

ХИКОЯ, ТУШУНТИРИШ

Хикоя - ҳодиса, воқеа, ҳакиқат тўғрисида ўқитувчини монологик хабар бериши одатда у назарий ҳолатларни аниқлаштириш, ўрганаётган материалга қизиқишни уйғотиш учун қўлланилади.

Хикоя қилишга асосий талаб-материални ҳиссий етказиб бериш, санъаткорона, таъсирчан баён қилиш.

ЙЎРИҚНОМА БЕРИШ

Йўриқнома бериш – касбий тайёргарлиқда кенг фойдаланиладиган мустақил усул бўлиб, у талабаларга аниқ ҳаракатларнинг вазифаларини, уларни амалга ошириш йўлларини, амалий топшириқларни ечиш талабларини, кўникмалардан иборат ҳарактлар тартибини, маълум типга хос бўлган вазиятлар тавсифи ва уларни амалиётда қўллашни тушунтириш.

Ўқув жараёнидаги ўрнига кўра йўриқнома бериш уч турда бўлади:

- 1) кириш ёки йўл-йўриқ бериш;
- 2) жорий;
- 3) якуний.

Кириш йўриқномасини бериши қуидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- талабаларга бажарилдаган иш мазмуни, педагогик ўзаро ҳаракатнинг усул, восита ва шаклларини, техник ҳужжатлар ва якуний натижага, меҳнат маҳсулига бўлган талабларни етказиш;
- иш бажариш қоидаси ва изчиллиги ва алоҳида ҳаракатлар, усулларни тушунтириш;
- қийинчиликлар, хатоликлар, меҳнат хавфсизлиги тўғрисида огохлантириш.

Жорий йўриқнома бериши қуидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- ишни бажаришга қийналаётган талабалар ишини тўғрилаш;
- ҳар бир талаба ишини кузатиш;
- иш турларини бажариш ва иш натижалари вақтидаги мустақилликни ўрнатиш.

Якуний йўриқнома бериши қуидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- жамоавий ва гурухли меҳнат натижаларини баҳолаш;
- ўқув – билиш фаолиятнинг мустақиллик даражаси;
- меҳнат ҳаракатларини бажаришдаги алоҳида камчиликларни аниқлаш;
- касбий муҳим сифатлар, кўникма, ўзини тутишнинг одоб – аҳлоқий меъёрларини шаклланганлиги;
- баҳолар билан таништириш.

Йўриқнома бериш шаклига кўра оғзаки, ёзма, кўргазмали ва аралаш бўлиши мумкин. Ёзма йўриқнома беришда энг катта самарага эришиш мумкин бўлиб,

бунда турли йўриқномали, ишлаб чиқаришли, ўқув –ишлаб чиқаришли ва ўқув – услугбий ҳужжатлардан (йўриқномали, технологик, йўриқномавий – технологик ва ҳаракатлар харитаси, ишлар тартиби, қоидаси) фойдаланилади.

Маъруза - ўқитишини ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланаб, қуидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

7. йўналтирувчилик-талабаларни ўқув материалининг асосий ҳолатларига, уни келгуси иш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига диққат қилишларига имкон беради;

8. ахборотлилик- ўқитувчи маъруза вақтида ҳолат, асосий илмий далиллар ва хулосалар моҳиятини очиб беради;

9. методологиклик- маъруза вақтида ўқитиш усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асослари намоён этилади;

10.тарбияловчилик-маъруза ўқув материалига ҳиссий-баҳолаш муносабатида бўлишни уйғотиш;

11.ривожлантирувчилик - билим олиш қизиқишиларини, яъни мантиқий фикрлаш ва исботлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Технологик ва йўриқномавий – технологик хариталар ўқув –ишлаб чиқаришли ишларни бажаришда қўлланилади. Улар технологик изчилликдан ташқари, технологик талаб, тартиб, умумий ишларни бажариш воситалари, ишларни бажариш қоидасининг йўриқномали баёнидан иборат бўлади.

Ҳаракатлар харитаси ва ишлар тартибидан ёзма йўриқнома бериш: хизмат қўрсатиш, носозликларни ташхислаш, мураккаб жиҳозларни созлашни ўргатища фойдаланилади. Улар ишлаб чиқариш фаолиятида бажариладиган турли ишлаб чиқаришли кўрсатма ва қоидаларни ўз ичига олади. Иш ўрнида ҳар бир талабани ёзма йўриқномадан фойдаланиши энг самарали ҳисобланади.

НАМОЙИШ

Намойиш - таълим олувчиларни объект ва ҳодисалар, жараёнларни уларнинг табиий кўринишида кўргазмали-ҳиссий таништириш.

Бу усулнинг етакчи вазифаси - ўқитиш ҳисобланади. Биз намойишдан ўрганилаётган ҳодисалар, ўзгарувчанликни очиб бериш учунгина фойдаланамиз, шу билан бирга бу усул таълим олувчиларни нарсаларни ташқи кўриниши билан унинг ички тузилиши ёки ўхшаш нарсалар қаторида тутган ўрни билан танишиш учун хизмат қилиши мумкин.

Намойишни кўриб чиқилаётган объектни ёзув тахтасида схемали расм чизиш ёки кўрсатиш, чизмаларни чизиб олиб бориш мумкин, бу намойиш этилаётган объект асосидаги тамойилларни тушунишни енгиллаштиради.

Намойиш усулининг таълимий вазифаси самарадорлиги қуидагиларни бажара олишни таъминлайди:

- объектларни тўғри танлаш;
- таълим олувчилар эътиборини намойиш қилаётган ҳодисанинг мухим томонларига йўналтириш;

- таълим олувчилар намойиш қилинаётган объектни яхши қўришлари ва имкон бўйича на фақат кўз, балки барча сезиш аъзолари билан қабул қилиш;
- таълим олувчилар эътиборини имкони борича ўрганилаётган объектнинг муҳим томонларига жалб этиш;
- таълим олувчиларга ўрганилаётган объект сифатларини мустақил баҳолаш.

КЎРСАТИШ

КЎРСАТИШ нарса, жараёнлар ва ҳодисаларни уларни тасвирий кўринишда қўрсатиш ва қабул қилишни кўзлайди.

Бу усулнинг асосий вазифаси - ўргатиш. Кўрсатишнинг воситаларига схемалар, жадваллар, расмлар, суръатлар, альбомлар, хариталар, ясси моделлар хизмат қилади.

КЎРИШ УСУЛИ

КЎРИШ усули ахборотни кўпроқ кўргазмали кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениялар, шунингдек ахборотни дисплей билан акс эттирувчи компьютерлар бўйича қабул қилишга асосланади.

2.2. Иккинчи гуруҳ таълим усуллари

Иккинчи гуруҳ амалий таълим усуллари: эсда қолганларни тасвирловчи ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 2 - даражада ўзлаштиришини таъминловчи, усуллар

КИТОБ БИЛАН ИШЛАШ

Китоб билан ишлаш усули: таълим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш ва қизиқтириш вазифаларини бажаради.

Таълим олувчилар китоб билан ишлашлари мумкин:

- ўқув машғулотда сизнинг раҳбарлигингиз остида;
- уйда мустақил.

Уйда китоб билан ишлаш вазифасини ўқувчилар олдига қўйишдан аввал китоб билан мустақил ишлаш усулларига эга эканликларига ишонч ҳосил қилинг:

- унинг тузилиши билан танишиш;
- кўз югуртириб чиқиш;
- алоҳида бобларни ўқиши;
- саволларга жавоб қидириш;
- реферат ёзиш;

- таянч конспектлар тузиш;
- мантикий тузилмавий чизмаларни тузиш;
- мисол ва топшириқларни ечиш, машқларни бажариш;
- назорат тестларини бажариш;
- материални хотирада сақлаш.

Агарда иш ўқув машғулотида олиб борилса, унда китоб бўйича ўрганадиган материални биз алоҳида қисмларга бўламиз ва уларни назорат қиласиз.

ТАЖРИБА УСУЛИ

Тажриба усули -бу шундай усулки, бунда таълим оловчилар таълим берувчи раҳбарлиги остида ва олдиндан тайёрланган режа бўйича тажрибалар ўтказадилар ёки амалий топшириқларни бажарадилар, шу жараёнда янги билимларни қабул қиласидилар ва англаб етадилар.

Усулнинг асосий вазифалари - ўргатиш ва ривожлантириш. Бу усул таълим оловчиларга қўйидаги имкониятларни таъминлади:

- жиҳоз билан ишлаш малака ва кўникмаларни эгаллаш;
- маълум бўлганларни текшириш ва мустақил тадқиқотнинг йўлларини танлаш;
- амалий малакалаларни эгаллаш: ўлчаш ва ҳисоблаш; натижаларни қайта ишлаш ва аввалгилари билан солиштириш.

Тажриба усули мураккабдир. У маҳсус, қимматли жиҳозларни бўлиши, нафақат сизни, балки таълим оловчиларнинг ҳам пухта тайёргарлигини талаб этади. Ундан фойдаланиш куч ва вақтни сарфлаш билан боғлиқ. Шунинг учун, тажриба усулини режалаштираётганда, мустақил тадқиқотнинг таълим самарадорлигини оширишига бўлишига ишонч ҳосил қилиш зарур, чунки бунга бошқа соддароқ, тежамлироқ усуллар билан эришиш мумкин.

МАШҚ

Ўрганилаётган материални амалиётда қўллаш мақсади билан мунтазам ташкиллаштирилган кўп такрорланувчан ҳаракат.

Усулнинг *асосий вазифаси* - таълимий ва ривожлантирувчи.

Машқнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- маҳсус;
- шарҳлашга оид;
- ёзма;
- оғзаки;
- ишлаб чиқариш.

Маъруза шаклида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари

Маъруза	Ўзига хос хусусиятлари
---------	------------------------

шакллари	
Маълумотли	<p>Маърузанинг энг анъанавий тури.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> ўқув маълумотини баён қилиш ва тушунтириш</p>
Умумлаштирувчи қисқа маълумотли	<p>Курсни ёки унинг катта бўлимларини баён этилган назорат ҳолатлари негизини, аввалом бор илмий-тушунчавий ва концептуал асос ташкил этади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> Илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш. Ички ва фанлараро алоқаларни ёритиб бериш.</p>
Муаммоли	<p>Янги билимлар савол / вазифа / вазиятларни муаммолиги орқали амалга оширилади. Бунда талабалар билими ўқитувчи билан ҳамкорликда ва сұхбатда тадқиқотчилик фаолиятига олиб келинади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотини ёритиб бериш; муаммони аниқлаш уни ечиш / жамлаш ва анъанавий ва замонавий нұқтаи назарни таҳлил қилишни ташкиллаштириш</p>
Кўргазмали	<p>Бундай маърузани олиб борилиши кўрилаётган материалларни очиқ ҳолда ва қисқа шарҳлашга олиб келинади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> маълумот мазмунини таълимнинг техникавий воситалари ёки аудио техникалар ёрдамида ёритиб бериш</p>
Бинарли	<p>Бундай маърузани олиб борилиши икки ўқитувчи / 2-мактаб вакиллари / олим ва амалиётчилар, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги сұхбатни намоён қиласи</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотларни икки томон нұқтаи назарларини таққослаш орқали ёритиб бериш</p>
Олдиндан қўзланган хатоликлар билан	<p>Ўқитувчи онгли равища йўл қўйган мазмунли, методологик хатоларни: талабалар томонидан топишга қаратилган. Маъруза якунида талабаларнинг ташҳиси ва қўйилган хатоликлари таҳлили олиб борилади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги материал мазмунини ёритиб бериш; талабаларни таклиф этилаётган маълумотни доимо назорат қилишларига қизиқтириш</p>
Анжуман	<p>Ўқитувчи томонидан тайёрланган дастур миқёсида, олдиндан белгиланган муаммо ва маъруза тизими билан илмий-амалий машғулот олиб борилади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотини ёритиб бериш, талабаларни янги ўқув маълумотини излаш ва тизимлаштиришга ҳаракат қилдириш</p>
Маслаҳатли	<p>Турли йўл билан ўтказилиши мумкин. 1. “Савол-жавоб”. Ўқитувчи маъруза давомида бутун курс ёки бўлим бўйича</p>

	талабаларнинг саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоб-мунозара”. Янги маълумотни нафақат баён этади, балки ва қўйилган саволларга жавоб излаб топишни ташкиллаштиради. <i>Педагогик вазифалар:</i> талабалар билимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, уларни янги маълумотлар билан тўлдириш
n...	

8.2. Маърузада ўқитиши технологиясининг жараёнли тузилмаси.

I босқич. Ўқув машғулотига кириш - ўқув машғулотининг мавзусини ифодалаш, мустақил ўқиши учун мавзу, мақсад, вазифа ва маъруза режаси, адабиётларни, ушбу мавзу бўйича қалитли тоифалар ва тушунчаларни, ўз-ўзини текшириш учун савол ва топшириқларни маълум қилиш.

II босқич. Асосий, ахборотли - Маъруза машғулоти режасига қатъий риоя қилиш, ўқув машғулотининг технологик харитасига биноан таълим мақсадларини амалга ошириш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг тартибий ҳаракатлари.

III босқич. Якуний – натижавий - якуний хуносалар қилиш, ушбу мавзу бўйича асосий ўқув ахборотига таълим олувчилар эътиборини қаратиш. Ўзаро баҳолаш ва ўзининг фаолияти ҳақида фикр юритишни ташкиллаштириш; бажарилган ишни келгуси касбий фаолияти учун аҳамиятлилиги тўғрисида маълум қилиш.

8.3. Маърузаларда таълим технологияси

8.3.1. Кирish маърузасида таълим бериш технологияси

Анъанавий таълим бериш тизимида ўқув материалини тузиб чиқишининг бирлиги “мавзу” хисобланади. Талаба учун ўқув материалининг ҳақиқий бирлиги бўлиб, ўқув машғулоти хизмат қиласи, мавзу эса уни ўрганишнинг ўқитувчи томонидан эълон қилинадиган фақат номланишидир.

Шу боис, талабалар алоҳида ўқув бирликлари ўртасидаги алоқа ва ўзаро алоқани аниқ англамасдан мавзуни ўрганадилар: бу ерда ўқув материалини “бўлаклаб-мазувий” ўрганиш хусусияти кўриниб турибди.

Ҳозирги вактда ўқув материалини тузилмага солиш модул асосида амалга оширилмоқда. Бу ҳам талабада бирданига ҳаракатнинг тўлиқ йўналишини, яъни барча қисмлар (ўқув ёки модул бирликлар) ўртасидаги алоқаларни аниқлаш улар томонидан берилган ўқув материали чегарасида БМК изчилликда эгаллаш дегани эмас.

Ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантиришнинг психологик назариясига мувофиқ, бу муаммо ўқитиши тузилмасига қизиқтирувчи босқични киритиш орқали ҳал этиш мумкин. Унинг вазифаси - таълим олувчиларда кутилаётган ўқув материалини эгаллаш учун қизиқиши (бизнинг ҳолатда-ўқув

фани/курс) таъминлаш, модомики ҳаракатнинг тўлиқ йўналиши ўқув материалини барча ташкил этувчилари ўртасидаги алоқани аниқлаши мумкин.

Олий мактабда таълим фан/курснинг қизиқтирувчи босқичи кириш маъruzasi ҳисобланади. Унинг мақсади-ўқув фаниғурси тўғрисида биринчи умумий тасаввурни бериш ва талабалрни иш жараёнида, олдиндаги ўқув фаолияти натижаларига ва уларни назорат тизими ва баҳолашига йўналтириш ҳисобланади.

Педагогик вазифалар қуийдагилардан иборат:

- талабаларни фан/курснинг аҳамияти, вазифаси ва унинг ўрни, ўқув фанлар тизимида ҳамда касбий тайёргарлигидаги ўрни билан таништириш;
 - тузилмага қисқача шарҳ бериш, фанни ва амалиёт ривожланишини, бунда машҳур олимларнинг номини айтиб, бу соҳадаги эришилган ютуқларни ёритиб бериш;
 - ушбу билимлар соҳасидаги тадқиқот истиқболлари йўналишларини баён этиш;
 - фан/курс доирасида услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини ёритиш;
- тавсия этилаётган ўқув - услубий адабиётлар таҳлилини амалга ошириш;
- ҳисбот/баҳолаш шакллари ва вақтни аниқлаш.

8.3.2. Мавзувий маърузаларда таълим бериш технологиясининг вариантлари

(Талабаларга олдиндан маъруза матнлари берилган)

I босқич. Маъруза мавзусини эълон қиласди, (талабаларга тарқатилган матнда маҷjud) асосий савол, аҳамиятли тушунча ва сўзларни эслатади. Маъруза машғулотининг кутилаётган ўқув натижалари ва уни олиб бориш режаси билан таништиради.

II босқич.

2.1. *Вазифани эслатади:* Инсерт техникасидан фойдаланиб, маъруза матнини ўқиб чиқиши. Танишиб чиқиши учун ўртоғи билан матн алмашишни таклиф этади.

2.2. *Талабаларни эркин бўлиши белгиси бўйича гуруҳларга бўлади.*

1 - вариант

- 1) Мавзу бўйича “Эксперт” бўлишларини маълум қиласди.
- 2) Эксперт ва рақларини тарқатади - уларнинг матнини кодоскоп орқали намойиш этади ва шарҳлайди.
- 3) Гуруҳларда иш бошланганини маълум қиласди: жамоавий ёки жуфтликларга бўлинниб саволларга жавоб тайёрлайдилар.

(4) Тақдимот бошланганлигини эълон қиласди.

Гуруҳ сардори/гуруҳ аъзолари улар томонидан ўзлаштирган материални намойиш этувчи материаллардан фойдаланиб баён қиласдилар; бошқа гуруҳ таклифига қўшилишлари ёки қўшилмасликларини асослайдилар; саволларга жавоб берадилар.

Ўқитувчи маслаҳатчи вазифасини бажаради.

2 - вариант

1) хар бир гурух аъзоси мавзу бўйича “эксперт” бўлишларини ва бошқаларни ўқитишиларини (“Илон изи” техникаси) маълум қилади.

2) саволлар микдорига боғлиқ ҳолда, ўзлаштириладиган материал бўйича, барча талабаларга ишлашлари кутилаётган, эксперт гурухи рақамини (1, 2, 3, 4, 5) тарқатади.

3) Ўзларини рақамларига мос равишда кичик гурухларга бирлашишларини айтади. Гурухларга эксперт рақамини тарқатади- уларнинг матнини кодоскоп орқали экранга чиқарди ва шарҳлайди. Худди шундай иш натижаларининг баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.

4) Гурухларда иш бошланганини маълум қилади: жамоавий ёки жуфтликларга бўлиниб, ўрганаётган материални камроқ график/жадвал шаклида тақдим этишга ҳаракат қилиб, саволларга (бундай ҳолатда натижалар албатта жамоавий муҳокама қилинади), жавоб тайёрлайдилар.

5) Эксперtlар ўзларининг дастлабки гурухларига қайтадилар ва бошқаларни ўқитадилар.

6) Ўқитувчи томонидан таклиф этилган “ўзини текшириш учун саволлар рўйхати”га асосланиб, ўкув материалини ўзлаштириш даражаси текширувни олиб боради.

2.3. Ўқитувчи, агар иш 1 - вариант бўйича бажарилган бўлса, ҳар бир гурух тақдимотининг якуни бўйича хulosалар қилади, талабалар диққатини асосийга қаратади. Ўкув материалини ўзлаштириш даражасини текшириш мақсадида тезкор-савол беради.

Агар иш 2 - вариант билан бажарилган бўлса, умумлаштирувчи хulosалар қилади, талабалар диққатини асосийга қаратади. Ўкув материалини ўзлаштириш даражасини текшириш мақсадида тезкор-савол беради.

III босқич.

3.1. Хулоса қилади, талабалар диққатини асосийга қаратади.

3.2. Гурухларга ўзаро баҳолашнинг якунини маълум қилишларини айтади натижаларни шарҳлайди. Келгусидаги касбий иш фаолиятлари учун бажарилган ишларнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтади.

3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва тушуниради.

8.3.3. Мавзувий маъruzada таълим бериш технологиясининг вариантлари

(Талабаларга олдиндан маъруза матнлари берилган)

I босқич. Маъруза мавзусини эълон қилади, (талабаларга тарқатилган матнда мавжуд) асосий савол, аҳамиятли тушунча ва сўзларни эслатади. Маъруза машғулотининг кутилаётган ўкув натижалари ва уни олиб бориш режаси билан таништиради.

II босқич.

2.1. Танлаган вариантга (олтитадан биттаси) мувофиқ ҳаракат қилади. (Вариантни танлаш мақсадни белгилаш, вақт, ўкув ахборот мазмуни ҳажмига боғлиқ):

Жалб савол ва топшириқлар беради:

- билимларни долзарблаштириш ва қайта тақрорлашга (масалан, “Мавзу бўйича қандай билимларга эгасиз?” ... айтиб беринг, ... баён этинг);
- дикқатни фаоллаштиришга (“Сиз нима деб ўйлайсиз, ... сизнинг келгуси касбий иш фаолиятингизда зарур бўладими?”);
- талабаларни билганлари билан ва ушбу босқичда улар ўзлаштиришлари керак бўлганлар ўртасидаги алоқани аниқлаш.

Муаммоли саволлар беради:

- ✓ уларни ечишни мустақил излашлари мақсади билан талабаларни қарама-қаршиликка олиб келувчи бир қатор саволлар;
- ✓ муаммони турли томондан кўриб чиқиладиган, саволлар;

“Очиқ” саволлар беради (ёзув тахтасида тестни ёзиш/экранга чиқариш) ва “Ўйлаб кўришни/жуфтликларга бўлинишни/фикрлар билан алмашишни” таклиф этади.

Қисқа, бир маънога эга жавоблар (“Ҳа” ва “Йўқ”, “Тўғри” ва “Нотўғри”) беришни талаб этувчи, мавзунинг муҳим жиҳатларини ёритувчи бир қатор саволларни беради.

“Кутиши йўлдоши” техникасини қўллайди.

“Ақлий ҳужум” усулини қўллайди.

Графикли ташкилотчилар: “Б/БХ/Б” жадвали, Инсерт жадвали, кластерлар, тоифали жадвални қўллайди.

2.2. Ўзининг хоҳишига кўра, уни олиб боришнинг хоҳлаган шаклини танлаб маъруза ўқииди.

1) Қуйидаги графикли ташкилотчиларни: муаммолар сабабини аниқловчи диаграмма; хронологик жадвал; кластер; тоифали жадвал; тузилмавий-мантиқий чизма; Т-чизма ва бошқ. қўллаши мумкин.

2) таълимни ташкиллаштиришнинг шундай шаклларини, яъни оммавий, жамоавий ёки гурухларда жуфтликлардаги ишлашни қўллаши мумкин.

III босқич.

3.1. Хулоса қиласи, талабалар дикқатини асосийга қаратади.

3.2. Агар II босқичда “Кутиш йўлдоши” техникаси қўлланилган бўлса, унда талабаларга асосий тушунча ва атамаларни таклиф этилган маълумот ва уни баён этиш тузилмасининг қўлланиш тартиби билан уларнинг башоратларини таққослашни таклиф этади. Натижаларни шарҳлайди.

3.3. Келгусидаги касбий иш фаолиятлари учун бажарилган ишларнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтади.

8.3.4. Маърузаларда намунавий моделлар ва технологик хариталар

Маълумотли кириш - маърузасида таълим технологияси модели технологик хариталар

Маълумотли кириш - маърузасида таълим технологияси модели

<i>Вақт: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 25 та</i>
<i>Үқув машгулотининг шакли</i>	<i>Маълумотли кириш - маъруза</i>
<i>Үқув машгулотининг тузилиши</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Үқув курси ва машғулот мавзусига кириш 2. Билимларни фаоллаштириш - ақлий ҳужум 3. Маъруза матнини тарқатиш 4. Маърузани power Point тартибида олиб бориш. 5. Асосий атамаларни аниқлаш-пинборд 6. Якунлаш. Баҳолаш
<i>Үқув машгулот мақсади:</i> Үқув фани тўғрисида умумий тасаввурларни бериш	
<i>педагогик вазифалар:</i> <ul style="list-style-type: none"> - ... фаннинг аҳамияти ва вазифалари, уни үқув фанлар тизимида тутган ўрни билан таништириш; - ... үқув фани тузилишини ва тавсия этилаётган үқув-услубий адабиётларни шарҳлаш; - ... назария ва амалиёт соҳасидаги ютуқларни ёритиш; - ... фан миқёсидаги услугубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини, муддат ва баҳолаш шаклларини очиб бериш; - ... ташкиллаштириш, ...жараённинг умумий чизмасини тавсифлаш; - ... жараённи ташкиллаштиришнинг асосий босқичларини ифодалаш; - ... жараённи тушунтирадилар. 	<i>Үқув фаолият натижалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> - ... фаннинг аҳамияти ва вазифаларини ифодалайдилар; - ... үқув фани тузилишини ва тавсия этилаётган үқув-услубий адабиётларни шарҳлайдилар; - ... назария ва амалиёт соҳасидаги ютуқларни ёритадилар; - ... фан миқёсидаги услугубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини, муддат ва баҳолаш шаклларини очиб берадилар; - ... жараённинг умумий чизмасини тавсифлайдилар; - ... жараённи ташкиллаштиришнинг асосий босқичларини ифодалайдилар; - ... жараённи тушунтирадилар.
<i>Таълим усуллари</i>	Маъруза, пинборд, ақлий ҳужум
<i>Таълимни ташкиллаштириши шакли</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер, графикли ташкил этувчилар
<i>Таълим берииш шароити</i>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона

Маълумотли кириш - маъruzасининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	таълим олувчилар
	таълим берувчи	
1 - босқич. Ўқув машғулотига кириш (20 дақ.)	<p>1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказади. Экранга фаннинг тузилмавий-мантиқий чизмасини (№ илова) чиқаради, мавзуларнинг ўзаро алоқасини ёритади, уларга қисқа тавсиф беради, фан миқёсида бажариладиган услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини тушунтиради.</p> <p>Рейтинг-назорат тизими, жорий, оралиқ, ва якуний назоратни баҳолаш мезонлари (№ илова) билан таништиради.</p> <p>Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.</p> <p>1.2. Биринчи ўқув машғулоти мавзуси, мақсад ва ўқув фаолият натижаларини айтади.</p> <p>1.3. Ақлий хужум усули ёрдамида ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади. Ақлий хужум усули қоидасини (№ илова) эслатади. Барча айтилаётган таклифларни ёзув тахтасига ёзib боради. Ушбу иш машғулот якунидаги тугатилишини маълум қиласи.</p>	Тинглайдилар, ёзib оладилар. Тушунчаларни айтадилар
2 - босқич. Асосий (50 дақ.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади ва унинг режаси, асосий тушунчалар билан танишишни таклиф қиласи.	Ўқийдилар. Тинглайдилар, жадвал ва чизмаларни

	<p>2.2. Слайдларни Power point тартибида (№ илова) намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий ҳолатларни баён қиласди. Жалб қилувчи саволлар беради; мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хуносалар қиласди; энг асосийларига эътибор қаратади; берилаётган маълумотларни дафтарга қайд этишларини эслатади.</p> <p>2.3. Ёзув тахтасида ёзилган тушунчаларга қайтишини таклиф этади. Талабалар билан бирга фанга тааллуқли бўлмаган ва қайтарилиувчи маълумотларни олиб ташлайди, муҳим асосий тушунчаларни (Пинборд) киритади (№ илова).</p>	<p>дафтарга кўчириб оладилар. Саволлар берадилар.</p> <p>Асосий тушунчаларни муҳокама қиласди.</p> <p>Маълумотларни дафтарга қайд қиласди.</p>
3 - босқич. Якуний (10 дақ.)	<p>3.1. Мавзу бўйича якун қиласди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Гурӯхлар ишини баҳолайдилар,</p> <p>3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонлари билан таништиради</p>	<p>Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар.</p> <p>Савол берадилар.</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p>

Муаммоли - маърузада таълим технологияси модели ва технологик хариталар

Муаммоли - маърузада таълим технологияси модели

<i>Вақт:</i> 2 соат	<i>Талабалар сони:</i> 25-50 та
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Муаммоли маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1.</p> <p>2.</p> <p>3.</p>
<i>Ўқув машғулот мақсади:</i> ... тўғрисида умумий тасаввурларни шакллантириш	

<i>Педагогик вазифалар:</i> - ... моҳиятини тушунтириш; -... ҳаракатланиш шартлари турларини, асосларини, иқтисодий ўрни ва вазифаларини тавсифлаб бериш; - ... баҳолашни асосий усул ва кўрсаткичларини очиб бериш; - ... иборат бўлган, муаммони ифодалаш; -... муаммоларни кўрсатиш; -... муаммони ечиш жараёнининг изчиллигини тушунтириш; - ... муаммони ечиш йўлларини излаш имконини тақдим этиш.	<i>Ўқув фаолият натижалари:</i> - ...моҳиятини тушунтирадилар; -... ҳаракатланиш шартлари турларини, асосларини, иқтисодий ўрни ва вазифаларини тавсифлаб берадилар; - ... баҳолашни асосий усул ва кўрсаткичларини очиб берадилар; - ... иборат бўлган, муаммони ифодалайдилар; - ... муаммоларни кўрсатадилар; - ... муаммони ечиш жараёнининг изчиллигини тушунтирадилар; - ... муаммони ечиш тўғрисида якуний хуносалар қиласадилар.
<i>Таълим усуллари</i>	Маъруза, муаммоли усул, ақлий ҳужум, мунозара, биргаликда ўқиши, тезкор-сўров, тақдимот
<i>Таълимни ташкиллаштириши шакли</i>	Оммавий, жамоавий, гурухли
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер, кўргазмали материаллар, чизмалар, А32 ўлчамли қофоз, маркер, скоч
<i>Таълим берииш шароити</i>	Гурухларда ишлашга мўлжалланган, маҳсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб, муаммони ечиш бўйича ўқув топширигини бажариш

Муаммоли маърузанинг технологик харитаси

Иш босқичлар и ва вақти	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақ.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказади. Машғулот муаммоли маъруза шаклида боришини маълум қиласди.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар
	2.1. Талабалар билимини сухбат шаклида фаоллаштиради (№ илова).	Саволларга жавоб берадилар.

	<p>Билимларни фаоллаштириш жараёнида ўкув муаммосини ечиш бўйича изланувчилик фаолиятида фаол иштирок этишлари учун талабаларнинг эгаллаган билимлари етарлилигини аниқлайди.</p> <p>2.2. Фаоллаштирилган билимлар асосида талабаларни машғулотда ечиладиган муаммога “олиб киради”, ва уни ифодалайди.</p> <p>Уни ечишни ташкиллаштиради. Талабалар билан бирга таҳлил қиласи, уларда пайдо бўлган кийинчиликларни аниқлайди.</p> <p>2.3. Муаммони ечиш йўлларини излашни ташкиллаштиришга ўтади: биринчи кичик муаммони ифодалайди, сўнгра муаммоли саволларни бериб ва улар жавобларини муҳокама қилиб, талабаларни уни ечиш йўлини излашга, яъни биринчи оралиқ хulosага олиб келади. Шу тарзда кейинги муаммоларни ечиш йўлларини излашни ташкиллаштиради.</p> <p>Машғулотни ташкиллаштириш учун ёрдамчи савол ва хulosалар (№ илова), кўргазмали материаллардан (№ лова) фойдаланади.</p> <p>2.4. Талабаларни кичик гурҳларга бўлади, тақдимот учун қоғозларни, маркерларни тарқатади,: муаммони ечиш “Ечимлар дарахти” тасвирлашни, беради. Гурухларда иш бошланганлигини маълум қиласи.</p> <p>2.5. Тақдимот бошланганлигини маълум қиласи, гурухлар чиқишиларини бошқаради. Тақдимот яқунини қиласи, энг яхши муаммони ечишнинг тузилмавий-мантикий чизмасини дафтарга кўчириб олишни айтади ва яқуний хulosани қиласи</p>	<p>Муаммони ечиш бўйича ўз фикрларини берадилар.</p> <p>Кичик муаммони ечиш бўйича фикрлар билдирадилар, мунозара қиласидилар, таҳлил қиласидилар, хulosча чиқарадилар.</p> <p>Гурухларда тузилмавий-мантикий чизма “Ечимлар дарахти” тасвирлайдилар.</p> <p>Гурух вакиллари тақдимот қиласидилар, яқуний хulosани берадилар, дафтарга ёзадилар</p>
2 - босқич. Асосий (70 дақ.)		

<p>3 - босқич. Якуний (10 дақ.)</p>	<p>3.1. Мавзу бүйича якун қилади, килинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида ахамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ (№ илова) беради.</p>	<p>Тинглайдилар. Топшириқни ёзадилар.</p>
--	--	---

Анжуман- маъruzada таълим бериш технологияси модели ва технологик хариталар

Анжуман- маъruzada таълим бериш технологияси модели

<p><i>Вақт:</i> 2 соат</p>	<p><i>Талабалар сони:</i> 25-60 та</p>
<p><i>Ўқув машғулот шакли</i></p>	<p>Анжуман - маъруза</p>
<p><i>Ўқув машғулот режаси</i></p>	<p>1. 2. 3.</p>
<p><i>Ўқув машғулот мақсади:</i> ... тўғрисида билимларни шакллантириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - ... тушунчалар билан таништириш; - ... тавсифини бериш; - ... тушунтириб бериш; - ... мазмунини очиб бериш. 	<p><i>Ўқув фаолият натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - ... тушунчаларни таърифлайдилар; - ... таснифлаб берадилар; - ... тушунтириб берадилар; - ... мазмунини очиб берадилар.
<p><i>Таълим усуллари</i></p>	<p>Анжуман-маъруза, мунозара, тезкор-сўров.</p>
<p><i>Таълимни ташкиллаштириши шакли</i></p>	<p>Оммавий, жамоавий, индивидуал.</p>
<p><i>Таълим воситалари</i></p>	<p>Маърузалар тизими, кўргазмали материаллар (слайдлар), лазерли проектор, ахборотли таъминот.</p>
<p><i>Таълим бериши шароити</i></p>	<p>Техник воситалардан фойдаланишга мўлжалланган хона.</p>
<p><i>Мониторинг ва баҳолаши</i></p>	<p>Оғзаки назорат: тезкор-сўров, назорат сўровлари</p>

Анжуман- маъruzанинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
Тайёргарлик	<p>(1) Маъруза мавзулари (№ илова), маърузага тайёрланиш учун тавсия этилаётган адабиётлар рўйхатини беради.</p> <p>(2) Маърузачиларга мавзуларни беришни, тақризчи ва оппонентларни аниқлашни ташкиллаштиради.</p> <p>(3) Маърузачиларга танлаган мавзу бўйича реферат режасини батафсил тузиш топширигини беради, маслаҳат беради, олиб борувчи, тақризчи, эксперtlар вазифасини ва маъруза қилишга ажратилган вақт, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.</p> <p>(4) Барча талабаларга маъруза ва қўшимча материаллар мазмунини ўрганиб чиқиш ва саволлар тузиш топширигини беради.</p> <p>(5) Маърузачилар билан маъруза қилиш услуги ва тузилишини муҳокама қиласди, маъруза мазмунига ўзгаришишлар киритади</p>	<p>Маърузачилар мавзуни танлайдилар ва унинг режасини тузадилар. Колганлар маъруза ва қўшимча материаллар мазмунини ўрганадилар, маърузачиларга саволлар тузадилар. Маърузачилар ўзгаришишлар, тўлдиришишлар киритадилар, реферат ёзадилар, кўргазмали материал тайёрлайдилар</p>
1 - босқич. Ўқув машғулотига кириш (5 дақ.)	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кўзланаётган натижалар ва уни ўtkазиш режасини маълум қиласди. Олиб борувчини таништиради.</p> <p>1.2. Билимларни фаоллаштириш учун диққатни жалб қилувчи саволлар “...?” беради, тезкор-сўров ўтказади.</p> <p>1.3. Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари (№ илова), баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (№ илова).</p>	<p>Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар ва жавоб берадилар. Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар</p>
	<p>2.1. Талабаларни тайёрлаган маъруза ва маълумотлар билан таништиришиларини ташкил этади. Материал мазмунини мантиқан ёритиб берилишини диққат билан кузатади.</p>	<p>Маърузачи маълумот билан таништиради. Тақризчи маърузанинг ижобий жиҳатла-рини,</p>

2 - босқич. Асосий (60 дақ.)	<p>2.2. Тақризчиларга сўзга чиқишини ва саволлар беришни таклиф этади.</p> <p>2.3. Маъруза мазмунини жамоа бўлиб муҳокама қилиш жараёнини ташкил этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - оппонентларга ўз фикрларини билдиришларини, қўшимча саволлар беришни таклиф қиласди; - саволлар беради (№ илова); - маъruzанинг асосий моҳиятини аниқлаштиради; - билан ишонувчанлик руҳида сухбатлашади. <p>2.4. Ҳар бир маърузани қисқача умумлаштириш билан якунлайди.</p>	<p>кучсиз томонлари-ни айтиб ўтади.</p> <p>Оппоненлар ўз фикр-ларини айтадилар. Саволлар берадилар.</p> <p>Мунозаларда иштирок этадилар.</p> <p>Мунозара иштирок-чилари жамоавий равишда маъруза мазмунини муҳока-ма қиласдилар, мунозара иладилар.</p>
3 босқич. Яқуний (10 дақ.)	<p>3.1. Ўқув фаолияти натижаларига якун ясади.Faol иштирокчиларни рағбатлантиради. Маъруза-анжуман маъruzачилари ва иштирокчилари тайёргарлигини, мунозаралардаги фаоллигини баҳолайди. Олинган билимларни келажақдаги касбий ва ўқув фаолиятидаги аҳамиятини кўрсатади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради (№ илова)</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар, вазифани ёзиб оладилар</p>

Мавзу 9: Махсус фанларни ўқитишида ўқитувчининг касбий-педагог фаолияти

Саволлар:

1. Махсус фанларни ўқитишида педагогик технологиянинг асосий элементлари
2. Янги педагогик технология
3. Иқтисодий таълим метод ва воситалари

9.1. Педагогик технологиянинг асосий элементлари

Педагогик технологиянинг асосий элементлари қўйидагилардан иборат:

1. Педагогик муроқот технологиясида ўқитувчи (педагог)нинг ўқувчи- талабалар билан муроқоти.

Муроқотнинг вазифалари:

- шахсни таниш, ахборот алмашиш;

- келгуси педагогик муроқотни моделлаштириш ва тақлил этиш;
 - муроқотдан олинадиган тасаввурлар;
- муроқот юзасидан фикрлаш ва фикр алмашиш;
- педагогик муроқотни ташкил этишнинг техникаси ва технологияси
 - ишга ижодий ёндашиш ва бошқалар.

Педагогик талаб технологияси.

- «педагогик талаб» тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари;
- хулқ-атвор ва ижтимоий-маданий қоидаларнинг намоён бўлиши;
- ўқувчи-талабага бўлган курмат ва талаб;
- педагогик талабнинг психологик тамойиллари ва мезонлари.

2. Баҳолаш технологияси, педагогик бақо ва уни мезонлаш.

- хатти-қаракатлардан олинган таассурот, воқеликни, объект ва субъектни қабул қилиш;
- баҳо бериш усулларини танлаш, ўқитувчи(педагог)нинг ўз имкониятини тақлил этиши ва таъсир самарадорлигини ошириши);
- педагогик бақолаш технологияси.

3. Ахборотнинг таъсир кўрсатиш технологияси.

- нутқий-ахборот бериш, «рационал ахборот бериш» тушунчалари, демонстрацион ва кўргазмали воситалар-ахборот олиш воситаларидан бири сифатида;
- нутқий таъсир этиш, суқбат, қамкорлик, тезис, аргумент, кўргазмалар ва образлар;
- нутқий таъсир этиш технологияси;
- демонстрацион ва кўргазмали воситалар, этик, иқтисодий, эстетик, гигиеник материаллар;
- қабул қилишнинг физиологик ва психологик хусусиятларини демонстрация қилиш технологияси.

4. Педагогик вазиятларни яратиш ва уни ечиш технологияси.

- педагогик конфликт тушунчаси – конфликт педагогик технология элементи сифатида, конфликт субъектлари орасидаги қарама-қаршиликлар, бўш ва мазмунли конфликт;
- қолат тақлили (воқеани аниқлаш);
- конфликт;

Педагогик технология – таълим шаклларини оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнининг инсон салоқияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Шунингдек, технология деганда, субъект томонидан обьектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология қар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, обьектга йўналтирилган аниқ мақсадли амалларни муайян кетма - кетлика бажаришни кўзда тутади.

Юқорида келтирилган тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчи(педагог)нинг ўқитиш воситалари

ёрдамида ўқувчи- талабаларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий қодиса ёки бошқача айтганда, ўқитувчи томонидан ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият мақсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни деб таърифлаш мумкин.

Професор Н. Сайдахмедовнинг фикрича, «Технология – бу шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўзида жо қиласиган ва якуний натижани таъминлайдиган педагогик фаолиятдир». Технология тушунчаси регулятив (тартибга солиб турувчи) таъсир этиш кучига эга бўлиб, эркин ижод қилишга ундейди:

- самарадор ўқув-билиш фаолиятининг асосларини топиш;
- уни экстенсив (куч, вақт, ресурс йўқотишга олиб келадиган самарасиз) асосдан кўра интенсив (жадал), мумкин қадар, илмий асосда қуриш;
- талаб этилган натижаларни кафолатлайдиган фан ва тажриба ютуқларидан фойдаланиш;
- ўқитиш давомида тузатишлар эҳтимолини лойиқалаш методига таянган қолда йўқотиш;
- таълим жараёнини юқори даражада ахборотлаштириш олади. Демак, педагогик технология дидактик вазифаларни самарали амалга ошириш, шу соқадаги мақсадга еришиш йўли бўлиб қисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоқиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли даражада. Замонавий педагогик технологияни педагогика фанининг алоқида тармоқи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. Замонавий педагогик технология бу соқадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради. Аввало, замонавий педагогик технология нимани англатади:

1. Замонавий педагогик технология ўқув-тарбия жараёни учун лойиқаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. қар бир жамият шахсни шакллантириш мақсадини аниқ белгилаб беради ва шунга мос қолда маълум бир педагогик тизим мавжуд бўлади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказади ва таълим-тарбия мақсадини умумий қолда белгилаб беради. Мақсади эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради.

2. Бугунги кунда фан-техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниқоятда кенгайиб боряпти, янги технологиялар кириб келмоқда. Сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, эндиликда янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бораётган, унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, аудиовизуал, аудиал воситалар кам мавжуд бўлиб, улар замонавий педагогик технологияларни реал воқеликка айлантиреди. Замонавий педагогик технология моқият-эътибори жиқатидан

бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар қам бошқалари қатори ўз хусусий соқасига, методлари ва воситаларига эгадир. Бироқ замонавий педагогик технология инсон онги билан боқлиқ билимлар соқаси сифатида мураккаб ва қаммага қам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифода этиши билан ишлаб чиқариш ва ахборотли технологиялардан ажралиб туради.

Унинг ўзига хос хусусияти – тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир. Замонавий педагогик технология бошқа соқалардаги технологик жараёнлар билан узлуксиз бойиб боради ва анъанавий ўкув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Ўкув-тарбиявий жараённи технологиялаштириш тарихий воқелик ва жараёndир. Ахборотлаштириш бу жараёндаги инқилобий бурилиш ва унинг муқим босқичидир. Оддий тил билан айтганда, таълим тизимида ахборот технологияси – бу «ўкувчи ёки талаба–компьютер» ўртасидаги мулоқотдир.

Ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий қисми бўлиб, у таълим жараёнида техник воситаларнинг мукаммаллашган замонавий тури сифатида қўллана бошланди. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида қам мавжуд бўлган. қозирги замон ахборотлашган жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, «цивилизация тарихида биринчи марта билимларга эришиш ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган куч энергия, хом-ашё, материаллар ва моддий истеъмол буюмларига сарфланадиган харажатлардан ортиқ бўлди, яъни ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар ва хусусан, янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда.

Ахборот технологияларининг ривожланишида ақлий меҳнат воситаларининг ўзгариши билан боқлиқ иккита ахборот инқилоби қал қилувчи таъсир кўрсатди. Биринчи инқилоб китоб босишининг пайдо бўлиши билан рўй берди ва телефон, телеграф, радионинг ихтиро қилиниши билан чуқурлашди.

Иккинчи инқилоб электрон-қисоблаш машиналари(ЭқМ)нинг пайдо бўлиши ва тез тарқалиши, ЭқМ локал тармоқларининг яратилиши, ахборот ресурсларини бошқариш тизимларининг ташкил этилиши билан боқлиқдир. Шу боис яқин келажакда республикамиздаги мавжуд барча ўкув юртлари дастурли машиналар билан етарли даражада таъминлаш муаммоси пайдо бўлди.

Шундагина ахборотли технология асосида талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти туқилади ва у ўқитувчининг яқин кўмакдошига айланади.

Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш аввало педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялашни талаб этади. Чунки педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялашни амалга оширмай туриб қўлланган қар қандай педагогик технология кутилган самарани бермайди.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги педагогик технология авторитар технологияга қарама-қарши бўлиб, педагогик жараёнда қамкорлик, қамхўрлик, таълим оловчилар шахсини ҳурмат қилиш ва эъзозлаш орқали шахснинг тақсил олиши, ижод билан шуқулланиши ва ўзини ўзи ривожлантиришига қулай ижтимоий ва психологик муқит яратади.

Мазкур жараёнда талаба ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва педагог билан қамкорликда ягона таълим жараёнининг субъекти - таълим-тарбия вазифаларини ҳал этади.

Умуман, педагогик технология ўқув жараёни ва унинг иштирокчилари билан боқлиқ барча мақсадли саъй-ҳаракатлар йиқиндисини англашиб лозим.

Хозирги кунда унинг мавжуд таърифлари жуда кўп ва хилма- хилдир:

- Технология-бирор ишда, мақоратда, санъатда қўлланиладиган
- усуллар ва йўллар йиқиндисидир (Изоҳли лугат).
- Технология-ишлов бериш, аҳволни ўзгартириш санъати, маҳорати,
- қобилияти, методлар йиғиндиси (В.М.Шепель).

Педагогик технология-ўқитишининг, таълимнинг шакллари, методлари, усуллари, йўллари тарбиявий воситаларнинг маҳсус йиғиндиси ва компоновкаси (жойлашуви)ни белгиловчи психологик тартиблар (установка)лар мажмуаси; у педагогик жараённинг ташкилий-услубий воситаларидан иборатdir (Б.Т.Лихачев).

Педагогик технология-ўқитувчи маҳоратига боқлиқ бўлмаган қолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган, ўкувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиқасидир (В.П.Беспалько).

Педагогик технология-таълимнинг режалаштириладиган натижаларига эришиш жараёни тафсилоти (И.П. Волков).

Таълим технологияси-дидактик тизимнинг таркибий жараёнли қисмидир (М. Чошанов). Педагогик технология-ўқув жараёнининг ўкувчилар ва ўқитувчи учун сўзсиз қулай шароитлар таъминлашни лойиқалаш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича қамма деталлари ўйлаб чиқилган биргаликдаги педагогик фаолият моделидир (В.М. Монахов).

Педагогик технология-техника ресурслари, одамлар ва уларнинг ўзаро таъсирини қисобга олган қолда таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини кўювчи ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришининг ҳамма жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методи бўлиб, таълимни модернизациялашда қаракатлантирувчи кучdir (ЮНЕСКО).

Педагогик технология-педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган барча шахсий, ускунули ва методологик воситаларнинг тизимли йиқиндисини ва уларни амал қилиш тартибини билдиради (М.В.Кларин). Педагогик технология, бу-сўзсиз риоя

қилиш эвазига энг юқори натижани кафолатлайдиган кўрсатмалар эмас, балки қонуниятлар бўлиб, уларнинг амалий ақамиятидан иборат (В.Ю. Питюков).

Педагогик технология-бу тизимли фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир тизимга келтиришдир (Т.Сакомото).

Педагогик технологиянинг моқияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришишдан иборат бўлиб, уни татбиқ этишини қисобга олган қолда таълим жараёнини илгаридан лайқалаштиришда намоён бўлади (У. Нишоналиев).

Педагогик технология-бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи(талаба)ларга муайян шароит ва кетма-кетликда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият мақсули сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёнидир (Н. Сайдакмединов).

Педагогик технология-бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, шахснинг олдиндан белгиланган сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида қараб, уни ташкил этувчилар, яъни ўқитувчи(педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида тахсил оловчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатилган таъсирини ва таълим натижасини назорат жараёнида бақолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир (Б.қ.Зиёмуқамедов).

Педагогик технология бу – объектив, моддий жараён. Агар биз ўкув- тарбия жараёнидан унинг объектив, моддий (субстанциялик) жиқатини ажратса олсак, шунда биз технологияга, энг камидা, унинг тафсилотига эга бўламиз (В.К. Дъяченко).

Педагогик технология- бу ўқитишга ўзига хос янгича (инновацион) ёндашувдир. У педагогикадаги ижтимоий-мухандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгнинг педагогика соқасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви қисбланади (Б.Л.Фарберман).

Педагогик технология-турли музаллифлар(манбалар)нинг барчатаърифлари мазмунини ўзида мужассам этувчи умумлаштиришдан иборат(Г.К. Селевко).

9.2. Янги педагогик технология

“Технология” тушунчаси кенг маънода инсоннинг барча антропоген фаолияти натижасида мақсулот яратилиши жараёнларини қамраб олади. Техника ва технология, саноат ва транспорт, машинасозлик ва авиаация, кимё ва металлургия, тибиёт ва фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик, умуман, яратувчанлик ва ижодкорлик меқнати ва метод, усул, восита қамда жараёнлар мажмуасини ифодалаш учун шу кунгача чекланмаган миқёсда фойдаланиб келинаётган ушбу атаманинг мазмун ва моқияти кенг кўламга эга бўлиб қолди. Педагогик жараёнлар учун татбиқ қилинувчи технологиянинг анъанавий ва ноанъанавий, тарихий, классик, янги

ва замонавий турлари фарқ қилинмоқда. Асосий мақсад - шахснинг таълим ва тарбияси қамда унинг ақлан ва жисмонан ривожланиши билан боқлиқ касбий фаолият эканлигини назарда тутсак, қандай номланишидан қатъий назар, педагогик технология комил инсон тушунчасига мазмунан сингиб кетиши лозим.

Янги педагогик технология-бу таълим ва шахснинг ривожланишига йўналтирилган педагогик жараённинг лойиҳаси. Янги педагогик технологияни асосий вазифаси-шахснинг ривожлантириш ва ўқитиш жараёнининг усулларини ҳаётга тадбиқ этишдир. Янги педагогик технологияларни мезонлари: самарадорлик, бошқариш, қайталаш. Бошқариш ўз ичига режалаштиришни, лойиҳалаштиришни, ўқиш жараёнини диагностикасини қамраб олади. Самарадорлик ўкув жараёнида аниқ шароитларда аниқ натижаларга эришишдир.

Янги педагогик технологияларни ўқитиш жараёнида юқори малакали, рақобатбардош талаба кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий омилкорликларини шакллантириш, методик маҳоратини кўтариш, талабаларни янги педагогик технологиялар билан қуроллантириш бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда иқтисодий таълим жараёнида кенг қўлланилаётган ва ва ижобий натижа бераётган технологиялар хусусида тўхталиб ўтамиз.

Фикрлар хужуми (ақлий хужум) Бу усулни мақсади: катта миқдордаги ғояларни йиғищ, талабаларни айни бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишдир. Бу усул А.Ф. Осборн томонидан тавсия этилган, Низомий номидаги ТДПУда инновацион технологиялар маркази ҳам тавсия қилган усуллардан. Бу усулнинг асосий тамойили ва қоидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан ғоялар танқидини мутлоқ тақиқлаш, ҳар қандай луқма ва ҳазил мutoибани рағбатлантиришдир. Биз

«Фикрлар хужуми усули»ни 10-15 талабалардан иборат гурухларда ўтказдик. «Педагогика ва иқтисодиёт», «Педагогикани бошқа фанлар билан боғлиқлигиги», «Дидактика», «Дидактикани усуллари» ва ҳоказо мавзуларни ўтганда ишлатиш мумкин. Бу усулдан фойдаланишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан педагог машғулот раҳбарига боғлиқ.

Кластер технологияси Бу усулнинг маъноси -фикрларнинг тармоқланиши. «Кластер» технологияси- педагогик стратегия бўлиб, у талабаларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам беради. Талабаларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларнинг фирмлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда талабаларни шу мавзу бўйича масавурларини чизма шаклида ифодалашга ундейди.

Бумеранг технологияси. Ушбу технология бир машғулот давомида ўкув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. Биз бу усулни турли мазмун ва характерга эга бўлган мавзуларни ўрганишга фарқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шаклларини қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топширикларни бажариши, навбат билан талаба ёки педагог ролида чиқиши

мумкин. Биз мавзу муаммоли, мунозарали, турли мазмунли бўлган мавзуларни ўтганда ушбу технологияни ишлатамиз. Масалан, «Педагогика-фан ёки санъатмиқ», «Педагогика маҳорат таъсир қўрсатиш усуллари ва бошқалар». «Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш, мантиқини шакллантиришга имконият беради. Хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш қўникмаларини ривожлантиради. Бу усул қўлланганда, кўндаланг сўроқ пайтида мунозара га киритиш мумкин эмас. Бу вақтда фақат саволлар берилади, мунозара га киришилмайди.

«Иқтисодчи» технологияси (авторлик). Бу усул интерактив технология бўлиб, талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Масалан, иқтисодий ибораларни педагогик терминлар билан тўлдириш. Талабалар ибораларни тавсия қилишади: бизнес, тадбиркор, иқтисод, ҳисобот, статистика ва ҳоказо. Бир иборада тўхтаймиз. Масалан,

X	I	C	O	B	O	T
I	B	A	F	O	B	A
M	R	B	Z	F	R	D
				/		
O	A	O	A	L	Ў	B
J	T	K	K	I	L	I
	L		I	K	I	R
	I			L		
				I		
				K		

Beer (еллигич) технологияси.

Бу технология мураккаб кўп тармоқли, мумкин қадар муаммо характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, унда мавзунинг турли тармоқлар бўйича бир

йўла шарҳ берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталарда муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари

белгиланади. Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожланишига, ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

Веер технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гурӯҳларнинг, ҳар бир қатнашувчининг, аудиториянинг фаол ишлашига қаратилган.

Веер технологияси мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланниши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзунинг ўрганиш жараёнида: унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб этиш;
- якунлаш босқичида: олинган билимларни тартибга солиш. Ассосий тушунчалар қўйидагилар:

Аспект (нұқтаи назар) билан предмет, ҳодиса, түшунча текширилади. Афзаллик-бирор нарса билан қиёсланғандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат- ижобий сифат.

Нұқсон-номукаммалық, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий қоидалар бүйічә далилдан натижага келиш.

Таълимдан ташқари Веер технологияси тарбиявий харakterдаги қатор вазифаларни амалға ошириш имконини беради:

- жамоа, гурухларда ишлаш маҳорати;
- муаммолар, вазиятларни турли нұқтаи назардан мұхокама қилиш маҳорати;
- муросали қарорларни топа олиш маҳорати;
- ўзгалар фикрига ҳурмат;
- хушмуомилалиқ;
- ишга ижобий ёндашиш;
- фаоллик;
- муаммога диққатини жамлай олиш маҳорати.

Машғулотнинг ишида «Блиц-ўйин», «Перекресток», «Муомила технологияси», турли иш ўйинлари технологияси кабилардан ҳам фойдаланилади. Масалан, «Агар мен... бўлсам» каби.

«Муомалали таълим», «Педагогик вазиятлар» технологияларига алоҳида эътибор бериш зарур.

«Иқтисодчи-раҳбар» технологияси.

Масалан «Ўз-ўзини бошқариш», ёки «Рахбарнинг ташкилий қобилиятлари», «Замонавий тадбирлар шахси» деган мавзулар якуннан биз «Иқтисодчи-раҳбар» деган янги усулдан фойдаланамиз. Ҳар бир талабага варақлар тарқатилади, уларда -«Мен фирма директори», ёки

«Мен ректор», «Мен тадбиркор», «Сиз банкир» ва ишларга яқин мазмундаги савол-харакатлар ёзилган. Ҳар бир талаба ўзига тушган фаолиятни таърифлаб беради, мазмунини очиб беради, қандай кийинишигача гапириб беради. Жавоб берувчи талабага саволлар 5-7 ошмаслиги шарт. Охирида таҳлил қилинган образининг иш мазмуни шароитлари, харакатлари мавжуд бўлади.

Бу ўйин-усул талабаларни ижодий, мустақил, образли фикрлашга ўргатади. Иш режасини тузиш, танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради.

Психотехник ўйинлар дидактикалық ўйинларнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлган тури ҳисобланади. Бу ўйинлар ўқув жараённанда керак бўлувчи малака, хотира, фикрлаш, диққат ва тасаввур кабиларни шакллантирувчи ўқитиши усули ҳисобланади. Психотехник ўйинлар қўпроқ умумий малакаларни ривожлантиришга қаратилгандир.

1.3. Иқтисодий таълим метод ва воситалари

Педагогика илмий тадқиқот институти, методист педагогларнинг, хусусан педагогика фанининг долзарб вазифаларидан бири - таълим-тарбиядаги муаммоларни, маҳаллий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, барча ўқув фанлари бўйича янги миллий дастурлар яратиш, таълимни погоналаш, дарс жараёнини тоифалашдан иборатдир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишдаги ўзбек укув муассасасилари ўқитиши тарихига бир назар ташлаш айни пайтда таълим методларини ўрганишни осонлаштиради. Шубҳасиз, мазкур таълим методикаси тарихига оид манба муайян даражада таълимнинг методик бўшлиқларини маънавий жиҳатдан тўлдиради, педагог тарбиячиларнинг педагогик мерос ва халқ педагогикасига бўлган катта эҳтиёж ва қизиқишларини қондиради.

Кейинги вақтларда тараққий этган мамлакатларнинг укув муассасаси соҳасидаги ютуқ ва тажрибаларини ўрганишга уни бизнинг шароитимизга жорий этишга эътибор кучайди.

Шунингдек, халқ таълими қўламига инқилобгача бўлган ўқитиши тартибининг турлари (лицей гимназия) ҳам дадил кириб келмоқда. Бунга мамлакатимизда гимназияларнинг очилиши, лицейларни очилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

КЕЙС-СТАДИ УСУЛИ

Амалий ҳолатларни ўқитиши усули (Case-stadi)

Таълим бериш вазияти- кейс-стади (case инглиз.- тўплам, аниқ вазият, stadi- ўрганиш) – бу усул, одатий ҳаётни ташкиллаштирувчи вазиятларни яратувчи ва таълим олувчилардан мақсадга мувофиқроқ ечим излашни талаб қилувчи, ҳаётдан олинган одатий вазиятларни ташкиллаштириш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланади.

Кейс - таълим олувчиларни муаммони ифодалашни ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи, бир гуруҳ инсонлар ёки алоҳида шахсларни ҳаётий ташкиллашишидан олинган маълум шароитларини баёнли тақдим этилишидан иборат.

(2) қўшимча ахборотлардан, жумладан аудио, видео-ва электрон

Узок ғарбда кейслар ўқув режасини 25 % ташкил қиласидилар.

Ўқитиши вазиятининг долзарблиги:

1. Аниқ вазият таълим беришни ҳақиқийликка боғлайди: кейс таълим олувчиларга вазиятни ташхис қилиш, фаразларни ифодалаш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча ахборотларни йиғиши, фаразларга аниқлик киритиши ва муаммоларни ечиш бўйича аниқ босқичларни лойихалашда амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини беради.

2. Кейс таълим олувчиларга таҳлил илиш, тенглаштириш йўлларини қидириш ва муаммони ечиш эркинлигини беради.

3. Кейсни кўриб чиқиша таълим олувчилар таълим олиш жараёнини яратадилар ва жараёнда ўзаро ҳаракатда ҳақиқий фикр алмашиш ҳолатларини яратадилар.

4. Кейс-стади усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчи
Тайёргарлик	Танишиш учун талабаларга кейс материаларини тайёрлайди ва аввалги машғулотларда тарқатади.	Кейс мазмуни билан танишадилар
1 - босқич Ўқув машғулотига кириш (5 дақ.)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни олиб бориш режаси билан таништиради. Кейс аҳамиятини ва уни касбий билимларни ривожланишига таъсирини тушунтиради.	Дикқат қиласидилар.
2 - босқич Билимларни фаоллаштириш (10дақ.)	2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида мавзунинг асосий тушунчалари бўйича тезкор-сўров ўтказади (№ Илова). 2.2. Семинарда ишлаш тартиби, баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари билан таништиради (№, № илова).	Саволларга жавоб берадилар. Муҳокама қиласидилар, аниқлаштирувчи саволлар берадилар.
3 - босқич Алоҳида ишлаш (20 дақ.)	3.1. Кейс материаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради, ишлаш коидаси, вазиятларни таҳлил қилиш чизмаси, муаммоларни ифодаланишига эътибор беришларига қаратади. 3.2. Вазиятни мустақил таҳлил қилишни, муаммони ифодалашни, ечиш йўлларини аниқлашни, сўнгра уни ечиш топширигини беради	Кейс материаларини муҳокама қиласидилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар. Мустақил равишида таҳлил қилиш варафини тўлдирадилар, муаммони ечадилар.
IV -босқич Кичик гурӯхларда ишлаш (20 дақ.)	4.1. Талабаларни кичик гурӯхларга бўлади ва топшириқ беради: вазиятни муҳокама қилиш ва таҳлил қилиб кўриш, гурӯх учун вазиятни таҳлил қилиш варафини тўлдириш, ечиш тартибини ишлаб чиқиш, топшириқни ечиш, тақдимотга тайёрланиш	Кейсни ечиш ва тақдимот варафини тайёрлаш бўйича ҳаракатлар қиласидилар

<i>V-босқич</i> Тақдимот (20 дақ.)	5.1. Тақдимот, мұхокама ва гурухлар тақдимотини ўзаро баҳолашни ташкиллаштиради. Жавобларни шархлады, таҳлил қилиш ва муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хүлосаларга эътибор қаратади. Кейс бўйича ўзининг жавобини ҳавола қилади (№ Илова)	Гурухлар тақдимот қиласидилар Бошқа талабалар мунозарада иштирок этадилар, саволлар берадилар
--	--	--

Кейс ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш қоидаси

➤ Кейс бўйича асосий вазифаларнинг қўйилиши

Саволларнинг максади:

- Таълим олувчидаги кейс материалы бўйича билимини текшириш («амалга ошириш тартибини ёзиб беринг»).
- ♦ Ҳал этиши ва ечиш учун асосий саволларни аниқлаш (таълим олувчилар тамонидан мустакил саволларни ишлаб чиқилиши мумкин).
- ♦ Ўқув режаси мақсадларини бажариш (кейсни ўрганилаётган назария билан ўзаро боғлиқлик тўғрисидаги вазифалар)

2. Кейсни режалаштириши

- Кейс ишонувчан ахборотни ўз ичига олиши лозим.
- Файриоддий ва янгилари шархланиши лозим.
- Берилганлар аниқ бўлиши лозим.
- Жадвал, схема ва графиклар иложи борича тез-тез ишлатилиши лозим.
- 1. Мумкин қадар аудио, видео воситалар ва компьютер техникаларидан фойдаланиш, шунингдек кейсни мұхокамасига кейс ходисаларининг ҳақиқий иштирокчиларини таклиф қилиш.

3. Кичик – гурухларда кейс билан ишланиши ташкиллаштириши.

- ✓ Иш вақти 15 дан 40 дақиқагача.
- Таркиби: 4 дан 6 гача киши.
- Таркиб ҳар доим ўзгариб бориши ёки доимий бўлиши мумкин.
- Гурухлар алоҳида бўлмасликлари лозим.
- 1. Ҳар бир гурухда ечим ёзувлари ва имкониятларни танлаш учун (таълим берувчини назорати учун) (A4) катта блокнот бўлиши керак.
- Ҳар бир гурух тақдимот учун жавобгар сардорни мустакил танлайди

5. Умумий мунозара

1. Вақт кўпи билан 20-25 дақика.
2. Таълим берувчи-мунозара ташкилотчиси саволлар беради, эътиrozлар қиласиди, назарий материални эсга солади.
- Ҳамма таълим олувчиларнинг иштироки мунозарага кенг

7. Таълим берувчининг вазифаси

4. Гурух хулосасининг тақдимоти.

- Одатда сардорларнинг чиқиши 10-15 дақиқагача давом этиши мумкин. Уни бўлиш мумкин эмас, саволлар унинг чиқишидан сўнг берилади.
- Мавзу бўйича: тақдимотни қандай ўтказиш (яъни, кириш, асосий мазмун, резюме), ҳамма олдида


6. Кейс билан ишланиши баҳоласи мезони

- Ҳолатни чукурроқ таҳлил қилиш тартиби, назарий билиши.
 - Муаммо хулосасини асосланиши.
 - n...

8. Синов ишини топшириши

- 1) Қисқартирилган йўли – таълим берувчи томонидан топшириқ қўйилгандан сўнг кичик гурухларда иш олиб борилмайди – ўша заҳоти мұхокама қилинади ва натижалар бўйича – таълим берувчи фикрини

Амалий вазиятни таҳлил қилишнинг йўналтирувчи чизмаси



1. Таълим бериш усулларини танлаш

Таълим бериш усулларини танлаш ва қўллашда кўпгина қуйидаги дидактик омилларни эътиборга олиш муҳим:

➤ *Мақсадни белгилаш:* 1) таълим бериш мақсади, 2) педагогик вазифалар, 3) ўқув фаолият натижалари.

➤ *Ўқув ахборот мазмуни ҳажми ва мураккаблиги:* мақсад ва ушбу ўқув фанини хусусияти, шу тариқа бу фанни шунчалик мураккаб деб қабул қилинган.

➤ *Таълим бериши усулларини ўқув ахборотини эгаллашларига таъсири.* Г. Майерга мувофик, 72 соатдан (уч суткадан) ўтганда, маълумотни эшитиш орқали қабул қилгандан сўнг тингловчи хотирасида 10 %; кўриш орқали (кўрганда) - 20%; кўриб ва эшитиш орқали (кўрганда ва эшитганда) - 50%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозара - 70%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозара, амалий имкониятларни қўлланилганда -90% ахборот қолади.

➤ *Таълим олувчиларни ўқув имкониятлари:* тайёргарлик даражаси, умумўқув малакаларни шаклланганлиги, фаоллиги, қизиқиши ва йўналтирилганлиги, ёши, ишлаш қобилияти, ўзига хос имкониятлари ва қобилиятлари.

➤ *Вақт сарфи:* 1) ўқув дастурида йил давомида ўқув фанига, унинг алоҳида мавзуларига ажратилган вақт, шунчалик чекланган бўлиши мумкинки, бу эса кўп вақт оладиган усулларни мақсадга мувофиқроқ жойларда қўллаш имконини беради; 2) вақт у ёки бошқа усулни тайёрлаш ва амалга оширишда меҳнат сарфини кетиш нуқтаи назаридан муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, бундай усулларни қўллашни режалаштиришда, ўзидан ушбу ташкиллаштириш йўлини амалга оширишга зарур тайёргарликка вақт ва куч етарли бўладими? деб сўраш керак.

➤ *Таълим бериши шароити:* баъзи усулларни амалга ошириш учун алоҳида шароитлар талаб этилади: таълим беришнинг техник воситалари, компьютер, маҳсус компьютер дастурлари, магнитли ёзув тахтаси, маҳсус жиҳозланган хона ва бошк.

➤ *Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги, жамоадаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари (ҳамкорлик ёки сўзсиз бўйсунишли).*

➤ *Таълим олувчилар сони:* агарда у катта бўлмаса, таълим беришни фаол таълим усулларни қўллаб, жадаллаштириш мумкин.

➤ *Таълим берувчининг чуқур билимдонлиги ва шахсий сифатлари:* маъқул деб топилган усулларни қўллашни билиши ва уддалаши, талабларга мос шахсий сифатларга эга бўлиши лозим.

Кўшиимча омиллар:

➤ Мавзуни ўрганишни (мустақил/ таълим берувчи раҳбарлиги остида) ташкиллаштириш йўли: *Қай тарзда?*

➤ Дидактик воситалар: *Қайсилари?*

➤ Фаолликни рагбатлантирувчи усуллар: *Қайсилари?*

➤ Назорат ва ўз-ўзини назорат: *Қайсилари?*

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, Т. “Ўзбекистон”, 2008й.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – XIV боб, 64, 66-модда. – 12 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Ўзбекистон Республикаси хукуматининг айрим қарорларига олий таълим муассасаларининг таълим бериш жараёнига ноёб истеъдодли ва маҳоратли мутахассисларни жалб этишга доир ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 08.06.2019 й. N 473.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» 29.03.2019 й. N 261.
6. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори «Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналарини тасдиқлаш ҳақида» 19.07.2019 й. N 607.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». //Олий таълим меъёрий хужжатлари. – Т. «Шарқ», 2001. 18-52 бетлар.
8. Ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 октябр 2001 йилдаги 400 сонли қарори. // Касб маҳорат. 2001. № 26 – 9-13 бетлар.
9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Таълимтўғрисида// Олий таълим: Меъёрий хужжатлар тўплами. - Т.: Шарқ, 2001. 1-том.- 3-5 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Олий таълим: Меъёрий хужжатлар тўплами. - Т.: Шарқ, 2001. 1-том.-18-52б.
11. Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти. Олий таълим. 5111000-Касб таълими (информатика ва ахборот технологиялари) - Т.: ТАТУ, 2011. – 45 б.
12. Абдуқодиров А., Пардаев А. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Т.: ФАН, 2009, 145 б.
13. Азизхўжаева Н. Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - Т.: ТДПУ, 2003, - 174 б.
14. Арипов М. Интернет ва электрон алоқа асослари. – Т.: ЎзМУ. 2000. – 132 б.
15. Бегимқулов Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. - Т.: Фан, 2007.– 164 б.
16. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий қўлланма/ Инновацион таълим технологияси серияси. – Т.: “Иқтисодиёт” 2012. – 154 бет.

17. ЖўраевР. Х., Рахимов Б. Х., Холматов Ш. Ф. Янги педагогик технологиялар.Т.: «Фан»,2005.-66 б.
18. Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт. «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий қўлланма.- Т.: Абу Али Ибн Сино, 2001.- 80 б.
19. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. А. Педагогик технология асослари.Т.: «Ўқитувчи», 2004.-104 б.
20. Мавлянова Р., Тўраева О., Ҳолиқбердиев К. Педагогика.- Т.:Ўқитувчи,2001.-510 б.
21. Муслимов Н. А. Бўлажак касб таълими қитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. –Тошкент: Фан, 2004. -127 б.
22. Муслимов Н. А., Кўйсинов О. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. –Т.: ТДПУ, 2006. 47 б.
23. Рахманқулова С. Видеоконференция. – Методик қўлланма. – Т.: 2002. – 32 б.
24. Сайдазимова Д. “Булажак тарбиячиларнинг педагогик маҳоратларини ошириш услублари” Битирув малакавий иши. 2009 йил. 44-бет.
25. Тожиев М., Салахутдинов Р., Баракаев М., Абдалова С. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. Т.: «OFSET-PRINT» -2001.- 148 б.
26. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси / Каримов А.А., Имамов Э.З., Рўзиев К.И., Бутаёров О.С..- Т.: Шарқ, 2002. – 16 б.
27. Хакимов М. Инглизча-русча-Узбекча компьютер илми бўйича изоҳли луғат. – Т.: Университет. 2005. – 623 б.
28. Ходжабоев А. Р. Касбий таълимнинг методологик асослари. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2007. 177 б.
29. Чичерина Я.Е., Нуркелдиева Д.А., Якубжанова Д.Б. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 128 бет
30. Шарипов Ш. С. Касб-хунар таълими тизимида ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. Монография. –Тошкент: «ФАН», 2005. 130 б.
31. Юсупов Д. «Иктисадий таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари» битирув малакавий иши. 2010 йил. 56-бет.
32. www.aci.uz – Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi sayti
33. www.istedod.uz – O`zbekiston Respublikasi Prezidentining “Iste`dod” jamg`armasi sayti

Мустақил ишга топшириқлар

Мавзулар ва топшириклар

- | |
|--|
| 1.Замонавий босқичда мутахассис-иктисодчилар тайёрлашнинг долзарб муаммоларини ўрганинг ва реферат тайерланг |
| 2.Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши, ўзининг |

иктисодий ва ижтимоий ривожланиш йўлини белгилаши кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини қайта кўриб чиқиш, бу борада қатор чоралар кўриш заруратини исботлаб беринг

3. Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларини, республикада таълим тизими ва турларини белгилаб берган «Таълим тўғрисида»ги Конун ва таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга доир «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бугунги кунда Дастурнинг учинчи босқичи (2005 ва кейинги йиллар) амалга оширилмоқдагини урганинг ва реферат тайерланг

4. Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базасини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини энг янги ўқув-методик комплекслар, илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан тўлиқ таъминлашни тахлил қилинг ва езма равишда тайёрланг

5. Мамлакатимизда кечеётган демократлаштириш жараёнлари ошкораликнинг ортиб бориши ва халқаро тажрибани кенг ўрганиш учун имкониятлар яратилгани хорижий олий таълим тизимининг қўплаб ютуқлари Ўзбекистон шароитида ҳали синовдан ўtkазилмаганини, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар қўплигини қўрсатинг ва ўрганинг ва реферат тайерланг

6. Аниқ назарий ва амалий муаммолар ечимиға қаратилган гурӯҳ ёки якка тартибдаги лойихаларнинг талабалар томонидан ишлаб чиқилиши ва имплементация методикаси амалиётга татбиқ қилинмаганлигини тахлил қилинг ва презентация тайёрланг.

7. Таълим жараёнининг умумий тизимида талабаларнинг мустақил билиш фаолияти шу қадар аҳамиятлики, усиз мутахассиснинг касбий компетентлигини амалда шакллантириб бўлмайди. Шунинг мухокамасини қўрсатинг.

8. Мутахассисга қўйиладиган талаблар мажмууда ахборот оқимида эркин ўйналиш танлай олиш ва мустақил таълим ҳамда билим олиш кўнікмаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Талабаларни ахборот билан ишлаш: ишончли манбаларни излаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, олинган натижаларни тақдим қилиш методларига ўргатишга оид ихтисослаштирилган курсларни жорий этиш заруриятлигини ва ўрганинг ва реферат тайерланг

9. Рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш уларни ўзгарувчан дунё шароитларига мослашишига қодир бўлган янги технологиялардан фойдаланиш воситалари, усуллари ва методлари билан қуроллантиришдан мавзуси бўйича презентация тайёрланг.

10.Ўқитувчи-иқтисодчилар касбий тайёргарлик соҳаси янги ғоя, концепцияларга муҳтоҷки, улардан фойдаланиш билан таълим болалиқдан ногиронларни юқори малакали мутахассислар ёрдамида ўқитишнинг халқаро даражасига кўтарилиши мумкинлиги хақида презентация тайёрланг.
11.Иқтисодий таълимни ташкил этиш шакллари, метод ва воситаларини илмий мақолалар, монографиялар, адабиётлар орқали ўрганиш ва таҳлил қилиш хақида презентация тайёрланг.
12.Инновацион технологиялар асосида иқтисодий таълим жараёнини ташкил этиш ва натижаларни таҳлил қилиш хақида презентация тайёрланг
13.Иқтисодий фанларни ўқитишда ноанъанавий таълим усулларидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиши бўйича реферат тайёрланг.
14.Маълумот-таълим-тарбия натижасида олинган ва системалаштирилган билим, ҳосил қилинган қўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқарашлар мажмуи. Маълумот таълим асосида амалга оширилади ва шахснинг қобилияти ҳамда истеъоди ривожлантирилганлиги хақида презентация тайёрланг.
15.Таълим - маҳсус тайёрланган кишилар раҳбарлигига ўтказиладиган, талабаларни билим, қўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган ва шунинг билан бирга, уларнинг билиш қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. Таълим жараёни педагог ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида вужудга келганлиги бўйича реферат тайёрланг.
16.Дидактиканинг тамойиллари - комил инсонни тарбиялашда ўқиши ва ўқитиш жараёнининг хусусиятлари, талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, эгалланиши лозим деб топилган малака ва қўникмаларни ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади. Шу билан бирга дидактика тамойиллари ҳар иккала фаолиятни, яъни педагог ва талаба томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беринг ва реферат тайёрланг.
17. Узбекистонда иқтисодий таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари хақида презентация тайёрланг.
18.. Иқтисодий таълим самарадорлигини оширишда педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича реферат тайёрланг
19. «Иқтисодчи-раҳбар» технологияси хақида презентация тайёрланг.

Глоссарий

Ахборотли таъминлаш - ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиб беришнинг йўл ва воситаларини амалга ошириш. Бунда йифилган ахборот жараёнининг боришини тезкорликда ўзгартиришни, таъсир кўрсатадиган рафбатлантирувчи омилларни, самарали воситаларни киритишга имкон беради.

Бахс (мунозара) - аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, мухокама шаклидаги таълим беришнинг фаол усули. Мунозара усули ҳамма вазифаларни бажаради.

Башорат қилиш - ўрнатилган вақт ичидаги мавжуд шароитларда педагогик ва ўқув фаолияти натижаларини олдиндан кўриш.

Бошқарув - бу тартибга солиш даражасини ошириш орқали ижтимоий тизим фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган, фаолиятнинг маҳсус шакли.

Дарслклар ва ўқув қўлланмалари-маҳсус равишда талабалар учун ёзилган китоб дарслк деб аталади. Дидактиканинг тамойиллари - комил инсонни тарбиялашда ўқиши ва ўқитиши жараёнининг хусусиятлари, талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, эгалланиши лозим деб топилган малака ва кўникмаларни ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади.

Инсерт – бу ўқув жараёнида ўз англашини фаол кузатиш учун талабаларга имконият берадиган кучли воситадир, чунки шундай ҳоллар борки, одам матнни оҳиригача ўқиб, у ерда нима ёзилганлигини эслаб қолмаслиги мумкин. Бу эса нима ўқиётганини тушунмай, ўқиши жараёнида фаол бўлишга қатнашмайдиган ҳолларнинг мисолидир.

Инсерт – самарали ўқиши ва фикрлаш учун матнда белгилашнинг интерфаол тизими.

Инсерт – аввалги билимларни фаоллаштириш ва матнда белгилаш учун саволларнинг қўйилиш муолажаси. Шундан сўнг матнда учрайдиган, ҳар турдаги ахборотларнинг белгиланиши.

Инсерт – матн билан ишлаш жараёнида таълим олувчига ўзининг мустақил билим олишини фаол кузатиш имконини таъминловчи кучли асбоб.

Инсерт – бу, ўзлаштиришнинг мажмуали вазифаларини ечиш ва ўқув материалини мустаҳкамлаш, китоб билан ишлашнинг ўқув малакаларини ривожлантириш учун фойдаланиладиган ўқитиши усулидир.

Интерфаол (Interactive) - сұхбатли.

Интерфаол таълим бериш - сұхбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчи, таълим олувчи ва компьютернинг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Йўриқнома бериш – касбий тайёргарликда кенг фойдаланиладиган мустақил усул бўлиб, у талабаларга аниқ ҳаракатларнинг вазифаларини, уларни амалга ошириш йўлларини, амалий топширикларни ечиш талабларини, кўникмалардан иборат ҳаракатлар тартибини, маълум типга хос бўлган вазиятлар тавсифи ва уларни амалиётда қўллашни тушуниши.

-Иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Кейс - таълим олувчиларни муаммони ифодалашни ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи, бир гуруҳ инсонлар ёки алоҳида шахсларни ҳаётий ташкиллашишидан олинган маълум шароитларини баёнли тақдим этилишидан иборат.

Концепция - умумий ғоя ёки бирор-нарса тўғрисида тасаввур, тушунча, фикрлар тизими.

Лойиҳалаш - олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳида вазифаларни шакллантириш, ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиш воситаси ва йўлларини аниқлаш.

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш усулини амалга оширади. Таълим олувчилар юқори даражада, бошқа ўқитиш усулларидан фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар.

Мақсадни белгилаш - дидактик вазифаларни аниқлаш, ўқув натижаларини шакллантириш. Бу педагогик фаолиятни асосий омили бўлиб, таълим берувчи ва таълим олувчининг биргаликдаги фаолияти ҳаракатини умумий натижага йўналтиради.

Мантиқчи - маърузачи ёки эътиrozчи фикрлашидаги қарама-қаршилик ва мантиқий хатоларни ажратади, тушунчалардаги маъноларни аниқлайди, исбот ёки қайтариш йўлини, фаразни ҳаракатланиш равонлигини таҳлил қиласди.

Маъруза - давомли вақт ичидаги ўқитувчи томонидан катта ҳажмдаги ўқув материалини монологик баён қилиши.

“Метод”-сўзи грекча-methodos сўзидан келиб чиққан бўлиб, йўл-йўрик деган маънони англатади

Метод -юнонча атама бўлиб, усул, йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради.

«Мутахассислик фанларини ўқитиши методикаси» ўқув кўлланмасида мўлжалланган мазкур ишда мутахассислик фанларини ўқитишининг назарий ва методик масалалари қамраб олинган бўлиб, республикамиизда иқтисодиёт соҳаларига кадрларни тайёрлашнинг долзарб муаммолари, шу жумладан, иқтисодий таълимни ташкил этишнинг меъёрий ва ҳуқуқий хужжатлари таҳлил қилинган. Олий таълимда, хусусан иқтисодий таълим йўналишида мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш ҳамда талабаларнинг мустақил ишларига раҳбарлик қилиш юзасидан тавсиялар берилган. Иқтисодчи тайерладиган олий таълим муассасаларида “Мутахассислик фанларини ўқитиши методикаси” курсининг утилиши ҳам мақсадга мувофиқ.

Ушбу курснинг ишчи дастури магистрларни мутахассисликларида мутахассислик фанларини ўқитиши, педагогик назоратни амалга ошириш методлари ёритилган. Мазкур ишда янги педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқитувчи ва талабаларнинг самарали мулокотини ташкил этиш масалалари ҳам ўз аксини топган.

«Мутахассислик фанларини ўқитиши методикаси» фани мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган магистратура талабаларига мўлжалланган. Ундан ижтимоий-гуманитар йўналишидаги бошқа фанларни ўқитишида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ишчи дастарнинг мавзулари кетма-кетлиги курсни ўзлаштиришда талабаларга қулийликлар яратиб беради. Ҳар бир мавзу пухта уйланган ҳамда педагогик нуқтаи назардан тугри хуносаларни чиқаришни ўргатади. Умуман олганда ушбу ишчи дастур тайёрланиши, мазмун моҳияти, қуийлган мақсади, расмийлаштирилиши белгиланган талабларга тулик жавоб беради. Шуларни хисобга олиб ушбу ишчи дастурни учун тавсия этаман.

Самарқанд вилояти Статистика
бошкармасининг биринчи ўринbosари



Абдиев Ш.

Қонун хужжатлари кўринишидаги иловалар

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширсин. Давлат бюджетини тасдиқлашда Миллий дастурнинг молиявий ва моддий таъминотига алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов
Тошкент ш29 август 1997 йил.№ 463-І

МУНДАРИЖА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. МУАММОЛАР ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОХ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

- 1.1. Ривожланишнинг эришилган даражаси
- 1.2. Камчиликлар ва муаммолар
- 1.3. Ислоҳ қилишнинг омиллари

2. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ

- 2.1. Мақсад ва вазифалар
- 2.2. Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари

3. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

- 3.1. Шахс
- 3.2. Давлат ва жамият
- 3.3. Узлуксиз таълим
 - 3.3.1. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари
 - 3.3.2. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари
 - 3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Мактабгача таълим.

Умумий ўрта таълим.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими

Олий таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Мактабдан ташқари таълим

3.4. Кадрлар тайёрлаш тизимида фан

3.5. Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш

4. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ГАСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- 4.1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш
- 4.2. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
- 4.3. Таълим жараёнини мазмунан ўзгартериш
- 4.4. Маънавий-аҳлоқий тарбия ва маърифий ишлар
- 4.5. Иқтидорли болалар ва истеъоддли ёшлар
- 4.6. Таълим тизимини бошқариш
- 4.7. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш
- 4.8. Таълим тизимини молиялаш
- 4.9. Моддий-техника таъминоти
- 4.10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш
- 4.11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш
- 4.12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-кувватлаш
- 4.13. Фан ва таълим жараёнлари алоқаларини ривожлантириш
- 4.14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш
- 4.15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

5. ДАСТУРНИ РҮЁБГА ЧИҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАРИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти курмокда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизимларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-авторнинг андозаларини ўзгартериш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва харакатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогиква бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

1. МУАММОЛАР ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОХ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

1.1. Ривожланишнинг эришилган даражаси

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: «Таълим тўғрисида»ги Қонунни жорий этишни (1992 йил); янги ўқув режалари, дастурлари, дарслерларини жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишини, ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди. Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда «болалар боғчалик-мактаб» мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Болаларга чет тилларни, хореографик, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 да ортиқ гурух ташкил этилган. Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда 238 лицей ва 136 гимназия ишлаб турибди. «Соғлом авлод учун», «Маънавият ва маърифат», «Иқтисодий таълим», «Қишлоқ мактаби», «Ривожланишда нуқсони бўлган болаларни тиклаш» ва бошқа тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 73 фоизи олий маълумотлидир.

Мехнат бозорини, энг аввало қишлоқ жойларда меҳнат бозорини шакллантиришнинг худудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 ўқув юрти, шу жумладан 209 касб-хунар мактаби, 180 касб-хунар лицейи ва 53 бизнес-мактаб ишлаб турибди. Бугунги кунда бошланғич касб-хунар таълими ўқув юртларида қарийб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда.

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 ўрта касб-хунар таълими ўқув юрти ишлаб турибди. Уларда қарийб 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон олий мактаби тизими 58 олий ўқув юртини, шу жумладан 16 университет ва 42 институтни ўз ичига олади, уларда 164 минг талаба таълим олмоқда; 16 университетнинг ўн иккитаси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Олий ўқув юртларида ишлаётган 18,5 минг ўқитувчининг 52 фоизи фан доктори ва фан номзодлари дир. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан худудий йўналишга ўтказиш иши олиб борилмоқда, ўқув юртларининг тармоғи кенгаймоқда, университет таълими ривожланмоқда. Билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш бошлаб юборилди, олий мактабни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилмоқда. Абутурентлар ва талабаларнинг билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илғор усууллари жорий этилмоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар сифатига ошган талабларга мувофиқ аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлаш иши кенгаймоқда. Олий аттестация комиссияси ташкил этилди. Республикада қарийб 4 минг аспирант бўлиб, улардан 69 фоизи олий таълим тизимида ва 31 фоизи илмий-тадқиқот институтларида таълим олмоқда. Жами илмий ва илмий-педагог кадрларнинг 8 фоизини фан докторлари ва 37 фоизини фан номзодлари ташкил этади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, 4 марказ ва 14 малака ошириш курслари ишлаб турибди. Иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-куватлаш бўйича давлат сиёсати сабитқадамлик билан олиб борилмоқда. Истеъдодли ўсмир ва қизларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус фонdlар ташкил этилди, қобилиятли ёшларни чет эллардаги етакчи ўқув юртлари ва илмий марказларда ўқитиш ва сатжировкадан ўтказиш йўлга кўйилди. Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгайиб бормоқда. Шунга қарамай, содир этилган ўзгартиришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш,

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлай олмади.

1.2. Камчиликлар ва муаммолар

Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгартериш ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг ўйқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидағи жиддий камчиликлар сирасига киради.

Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим — тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас. Амалдаги таълим тизими замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб берадиган олмаётир. Мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан боғланмаган.

Мактабгача таълим ва тарбия, ахволи қониқарсизлигича қолмоқда. Боғча ёшидаги болаларнинг 25 фоизигина мактабгача тарбия муассасаларига қамраб олинган, холос. Мактабгача болалар муассасаларидан ва оиласдан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжуд. Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидағи ва ўқитиши услубиятидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун заарали мұхит шунга олиб келдики ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қолаяпди, оқилона ҳәёттій ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ. 9–11 синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳәётда ўз ўрнини аниқлай олмайди. Уларда ўзларига ишонч шаклланган эмас. Ўрта мактаб битирувчиларнинг 10 фоизигина олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқда, холос. Мажбурий тўқиз йиллик таълимга асосланган ўн бир йиллик умумий ўрта таълим илмий асосланмагандир, у ўқувчиларда касбга йўналтириш ва таълимнинг амалий йўналтирганлиги етарли даражада бўлиши ҳамда мустақил фикр юритиши, меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланиши таъминланмаяпти. Ҳар йили таянч мактабларнинг 100 минг нафарга яқин битирувчиси ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда касб-хунар таълимини давом эттириш учун талаб этилмай қолидирилмоқда. Таълим тизимидағи мавжуд умумтаълим ва касб-хунар дастурлари ўртасида узвийлик ва ворисликнинг ўйқлиги сабабли таянч ва ўрта мактаб битирувчиларида касбга йўналтирганлик ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланмай қоляпти. Натижада йигит ва қизлар ўз қобилятлари, истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳаёт йўлини белгилаб олишда жиддий қийинчиликлар сезмоқдалар.

Ўқув жараёни билим даражаси ўртacha бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг иқтидорли ёшлар билан якка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаш каби механизмларидан яхши фойдаланимаяпти. Ўқув дастурлари мафкуравий сарқитлардан тўлиқ ҳоли бўлганича йўқ, уларда маънавият ва, ахлоқ асосларини ўргатувчи, иқтисодий, хуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаяпти. Ҳунар-техника билим юртларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда бўлиб, амалда эса уларда таълим эскириб қолган моддий-техника ва ўқув-услубий базасида, тегишли қайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчи кадрлар билан амалга оширилмоқда.

Бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга олмаётир. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқув юртлари етарлича мустақилликка эга эмас, улар касбий меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига яхши мослашиб бормаяпти. Илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтлар кадрларни тайёрлаш

Касб-хунар таълимининг обрўси ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб бормоқда таълим хизмати кўрсатиш ва кадрлар тайёrlаш соҳасида маркетинг мавжуд эмас, таълим тизимини кўп варианти молиялаш схемаси ишлаб чиқилмаган. Олий малакали кадрлардан самарали фойдаланилмаяпти. Кадрлар билими ва улар тайёргарлигининг сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш тизими қониқарсиз ишламоқда.

Үқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савиёси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда. Мактабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотлидир. Мактабларнинг ўқитувчилар билан таъминланганлиги ўртacha 93 фоизни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич айрим вилоятларда 77–80 фоиздан, муайян фанлар бўйича эса 50 фоиздан ошмайди. Илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ўртacha ёши «улғайиб» бормоқда. Республика олий ўқув юртларида 40 ёшга тўлмаган фан докторлари жами фан докторларининг 0,9 фоизини, 50 ва ундан катта ёшдагилар эса 79 фоизни ташкил этади. Фан докторлари илмий даражасига тасдиқланганлар ўртacha 50, фан номзодлари эса 36 ёшдадир.

1.3. Ислоҳ қилиш омиллари

Кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қўйидагилардан иборат:

- Республика нинг демократик ҳуқуқий давлат ваадолатли фуқаролик жамияти куриш йўлидан изчил илгарилиб бораётганлиги;
 - мамлакат иқтисодиётида туб ўзгартиришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаяётганлиги;
 - давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ватаълим устуворлиги қарор топганлиги;
 - миллий ўзликни англашининг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллиймаданий-тарихий анъаналарга вахалқимизнинг интеллектуал меросига хурмат;
 - Ўзбекистоннинг жаҳонжамиятига интеграцияси, республика нинг жаҳондаги мавкеиба обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

2. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ МАҚСАД, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИ РҮЁБГА ЧИҚАРИШ БОЧҚИЧЛАРИ

2.1. Дастурнинг мақсад ва вазифалари

Мазкур дастурнинг мақсади — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва, аҳлоқий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишdir. Ушбу мақсадни рӯёбга чиқариш қўйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади:

- «Таълим тўғрисида"гиЎзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ванодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим вакадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат мұхитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожланишни таъминлаш;
 - таълим вакадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқукий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи вайжтимоий мақомини кўтариш;
- кадрлар тайёрлаш тизими вамазмунини мамлактнинг ижтимоий вайқтисодий тарақиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ватехнологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсанхолда қайта қуриш;
- таълим олувчиларни маънавий-аҳлоқийтарбиялашнинг вамаърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқишважорий этиш;
- таълим вакадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш вааккредитация қилиш сифатига баҳоберишнинг холис тизимини жорий қилиш;
- янги ижтимоий-иктисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси васифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши вабарқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ахборот базасини яратиш;
- таълим, фан вайшлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланадиган кадрларнинг микдори васифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ваташкилотларнинг бюортмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиши;
- узлуксиз таълим вакадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шужумладан чет элинвестициялари жалб этишнинг реал механизимларини ишлаб чиқишваамалиётга жорий этиш;
- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

2.2. Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади. Биринчи босқич (1997–2001 йиллар) — мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиши асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун хуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш. Ушбу босқичда қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

- «Таълим тўғрисида» гиҚонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ватубдан янгилаш;
- педагог вайлмиy-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;
- таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлилик даражаси, малакаси, маданий вамаънавий-аҳлоқийсавиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш важорий этиш;
- ўкуv-услубий мажмуналарнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ваахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқишважорий этиш;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими учун зарур моддий-техника, ўкуv-услубий вакадрлар базасини тайёрлаш;
- таълим вакадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳамназарда тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиши соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;
- таълим муассасалари фаолиятига баҳоберишнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати вауларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқишважорий этиш;
- халқаро алоқаларни кенгайтириш вакучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари вафондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек республика таълим соҳасига чет элинвестицияларини жалб этиш бўйича реалчора-тадбирлар ишлаб чиқишвауларни амалга ошириш;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш.

Ушбу босқичда болаларни олти-етти ёшдан мактабга қабул қилиш уларнинг жисмоний ва, ақлий жиҳатдан ривожланганигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Тақозо этилаётган ўқувчи ўринлари зарур моддий-техника шартшароитлари ва педагог кадрлар билан таъминланган ҳолда изчил тайёрланади. Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001–2005 йиллар) — Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реалижтимоий-иктисодий шароитларни хисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш. Мажбурий умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини маҳсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган мухит вужудга келтирилади. Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизmlари тўлиқ ишга солинади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) — тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш. Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубиймажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминаланади. Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариш шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларинингизчил-лиги асосида таъминланади ва қўйдаги таълим турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқувюритидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш вауларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими дастурларига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (I- IV синфлар), умумий ўрта таълим (I–IX синфлар), ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини қамраб олади.

Касб-хунар таълими дастурлари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий (бакалавриат, магистратура) таълим ва олий ўқув юритидан кейинги таълимни, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

Мактабгача таълим

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишига интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлади. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади. Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- малакли тарбиячи вапедагог кадрларни устувор равиша тайёрлаш;
- мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш важорий этиш;
- болаларни оиласда тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик вауслубий жиҳатдан таъминлаш;
- замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ваўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;
- мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ваумумбашарий қадриятлар асосидамаънавий-ахлоқийжиҳатдан тарбиялаш учун шартшароитлар яратиш;
- мактабгача муассасаларнинг ҳархил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;
- мактабгача тарбия васоғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-кувватлаш ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиши.

Умумий ўрта таълим

Тўққиз йиллик (I–IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (I–IV синфлар) қамраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўнилмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф мухитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунаидаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакиллантириш учун қуидагилар зарур:

- мактабнинг I–IX синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишважорий этиш, бунда академик лицейлар вакасб-хунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқийбоғлиқлик ҳисобга олиниши лозим;
- юқори малакали педагог кадрлар таёrlаш;
- ҳудудларнинг жуғрофий вадемографик хусусиятларига, шахс, жамият вадавлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равища таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг қобилияти ваймонацияларига мувофиқ равища таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш;
- таълим беришнинг илғорпедаогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларини яратиш ваўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;
- ўқувчилар касб-хунар танлайдиган вапсихологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим

Умумий ўрта таълим негизида ўқиши муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта маҳсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимида мустақил турдир. Ўрта маҳсус, касб-

хунар таълими йўналиши-академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилари томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта маҳсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизикишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савиялрини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган маҳсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакиллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин. Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибининг танлаганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лециелар ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эггалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғилланиш хукуқини беради. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қўйдагилар зарур:

- академик лицейлар вакасб-хунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқившажорий этиш;
- соҳаучун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан вамаданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш вақайта таёrlашни, шужумладан чет элларда тайёрлаш вақайта тайёрлашни ташкил этиш;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими давлат стандартларини ишлаб чиқившажорий этиш;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқувмуассасалари учун таълим вакасб-хунар дастурлари, ўқувуслубий мажмуалар ишлаб чиқиш;
- академик лицееларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқившажорий этиш;
- касб-хунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос вакасб-хунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;
- ҳудудларнинг жўғрофий вадемографик шарт-шароитларини ватегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ваулар оқilonажойлаштиришини
- академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш. таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

Олий таълим

Олий таълим ўрта маҳсус, касб-хунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалавриант ва магистратура) босқичга эга.

Олий таълим муассасаларига талabalар қабул қилиш давлат грантлари негизида

ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади. Бакалавриат- мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир. Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғилланиш хуқукини берадиган диплом топширилади.

Магистратура — аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир. «Магистр» даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интиҳосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш хуқукини берадиган диплом топширилади. Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун куйдагиларни амалга ошириш зарур:

- бакалавриат вамагистратура учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишважорий этиш;
- олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар таёrlаш, шужумлдан чет эллардаги етакчи ўқувваилмий марказларда тайёрлаш;
- олий таълим муассасаларида таркибий ўзгартиришлар ўтказиш;
- олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бумуассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассасалар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклдаги жамоат бошқарувини жорий этиш;
- ўқиши, мустақилбilm олишни индувидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси вавоситаларни ишлаб чиқишвайзлаштириш;
- янги педагогик ваахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишини жадаллаштириш;
- халқнинг бой маънавий вaintеллектуал мероси ваумумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

Олий ўқув юритидан кейинги таълим

Олий ўқув юритидан кейинги таълим жамиятининг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган. Олий ўқув юритидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантурда, мустақил тадқиқотчилик) олиш мумкин. Олий ўқув юритидан кейинги таълим босқичлари (аспирантура, докторантурда) диссертация химояси билан якунланади. Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади. «Таълим тўгрисида»ги Конунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш; касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илгор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш; ривожланган мамлакатларнинг илгор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагок кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш; фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўнималарини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги

ўқиши натижалариға кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қўйдагилар зарур:

- Кадрлар малакасини ошириш вауларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бутизимни бошқаришни шакиллантириш;
- юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш васоҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;
- кадрлар малакасини ошириш вауларни қайта тайёрлаш тизимининг бусоҳада рақобатга асосланган мухитни шакиллантиришни васамарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;
- кадрлар малакасини ошириш вауларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси вааккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқишаамалиётга жорий этиш;
- иқтисодиётнинг давлат ванодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот вамуассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар вамутахассисларни илдам қайта тайёрлаш вауларнинг малакасини оширишини таъминловчи давлат ванодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш варивожлантиришга кўмаклашиш;
- профессионал тренингнинг илғортехнологик ваускуналарини, шунингдек мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ваамалий ўзлаштириб олиш.

Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиши учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар. Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қўйдагиларни амалга ошириш керак:

- таълим бериш вакамол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш вабундай хизматлар турларини кўпайтириш;
- миллый педагогик қадриятларга асосланган важаҳондаги илғортажрибани инобатга олувчи дастурлар вауслубий материаллар ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шужумладан оммавий спорт важисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, халқ хунармандчилигининг мавжуд турлари вашаклларини такомиллаштириш, миллый турлари вашаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

3.4. Кадрлар тайёрлаш тизимида фан

Кадрлар тайёрлаш миллый модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада:

- табиат важамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ваамалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш вафойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади;
- олий малакали илмий вапедагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;
- кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқотжиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли сахалари бўйича ахборот базаси шакиллантирилади;
- мамлакатимиз илм-фанининг жаҳонилм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ватехнологияларнинг энг мухиммуаммоларини ҳалтиш учун илмий ютуқлар вакадрларни халқаро миқиёсда алмашинув амалга оширилади.

Кадрлар таёrlаш тизимиға илм-ғаннинг узвий равишда кириб бориши учун күйдагилар зарур. илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакиллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-ғаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш; илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш орқали илмий тадқиқотлар натижаларини ўкув-тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмини рўёбга чиқиш; кадрлар таёrlаш миллий дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш; юқори малакали кадрлар тайёrlаш сифатини ошириш, ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш; таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўёбга чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрў-эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш; мамлакат илм-ғанининг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциясини фаоллаштириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёrlашни такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро алмашинув жараёнини кучайтириш; фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун маҳсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, маҳсус стипендиялар сонини қўпайтириш, ёшлар илмий-техникаи жодиётининг доимий ишлайдиган кўргазма ва экспозицияларини ташкил этиш.

3.5. Кадрлар тайёrlаш тизимида ишлаб чиқариш

Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёjlари кадрлар тайёrlаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакиллантиради, касб таёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шаклларини танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради. Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёrlаш тизимидағи вазифалари күйдагилар билан белгиланади, чунончи у:

- турли савия вамалакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёjни шакиллантиради;
- ўз ихтиёridаги моддий-техника, молия, кадр ресурслари ҳамда кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш вақайта тайёrlаш учун зарур бошқаресурсларни бериш билан узлуксез таълим тизимиға кўмаклашади;
- муассис, васий, донор, ҳомий тариқасида айrim мутахассисларни вагурухларни мақсадли тайёrlашни, шунингдек турли тип вадаражадаги ўкувюртларини молиялашда қатнашади.
- таълим ва илм-ғанинг турли шакллардаги интеграциясини (муваққат ижодий жамоалар, ўкув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуилари, марказлари, технопарклари, технополислар) ривожлантиради. Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёrlаш тизимидағи мавкеини кучайтириш қўйдаги йўллар билан таъминланади:
- таълимни корхонадаги унумли меҳнат билан, шужумладан ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёrlаш;
- кадрлар тайёrlаш ҳамда биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш;
- таълим олувчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш (меҳнат, маънавий важисмоний тарбиялаш);

- ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, техника ватехнологиялар ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш вауларни малакасини ошириш;
- ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ватехнология муаммоларини ҳалэтиш учун олий таълим муассасалари вайлмий ташкилотларнинг илмий салоҳиятини жалб этиш;
- педагог кадрларнинг илғортехнологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш;
- ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларини таълим жараёнига вапедагогик фаолиятга жалб этиш;
- ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун таълим оловчиларни ишжойлари билан таъминлаш;
- ўзаро интеграцияланган таълим муассасаларини замонавий ускуналар, аппаратлар ваасбоблар билан жиҳозлаш.

4. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш тизимни шакллантириш ва ривожлантириш қўйдаги устувор йўналишларни қамраб олади:

4.1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш

Таълимнинг ўз ичига мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини қамраб оловчи янги узлуксиз ва изчил тизими барпо этилади. Олий қасб-хунар таълимнинг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни назарда тутувчи икки босқичли тизими жорий этилади. Аспирантура ва докторантурда фаолияти ривожланиб боради. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларини худудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартериш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самародорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устуворлиги таъминланади.

4.2 Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларида мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг қасб сифатини кўллаб-қувватлаш таъминланади.

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларида мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича маҳсус факультетлар, шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан маҳсус марказлар ташкил этилади.

4.3. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш

Кадрларни ўқитиши ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, ҳалқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмунни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади. Таълим оловчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Педагог кадрларнинг обрў-эътибори, масъулияти ва қасб кўнкмасини ошириш юзасидан сабитқадам давлат сиёсати олиб борилади. Илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув услублари, ўқув шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади.

4.4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тариҳий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат, аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади. Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига мансуб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакиллантириш мақсадида таълим муассасалари отаоналар, оила, маҳалла қўмиталари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоя ва мағкураилмий-амалий маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиласидилар.

4.5.Иқтидорли болалар ва истеъододли ёшлар

Иқтидорли болалар ва истеъододли ёшларни аниқлаш ва ўқитиши услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар илаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараённида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва саънатни ўргатиши марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади. Иқтидорли болалар ва истеъододли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган событ қадам фаолият амалга оширилади. Академик лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъодод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ ўйналишлари бўйича ўз табиий қобилияtlарини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъододни руёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади.

4.6. Таълим тизимини бошқариш

Узлуксиз таълим тизимини ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат ўйли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-хуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия-хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг хуқуклари кенгайяди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш хуқуқи берилади.

Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларининг ва ҳомийларининг вакилларини ўз ичига оловчи васийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали, жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

4.7.Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш

Таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган, касб-хунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи давлат хизмати ташкил этилади. Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқбол талабларига монанд давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади. Ўқув юртлари фаолиятини, профессор-педагог кадрлар сифатини ҳамда таълим оловчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими татбиқ этилади. Кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоат шакллари ривожлантирилади. Таълим муассасалари битирувчиларини якуний аттестациялаш тизими такомиллаштирилади.

4.8. Таълим тизимини молиялаш

Таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизими такомиллаштирилади, унинг кўп вариантили (бюджетдан ажратиладиган ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилади, таълим муассасаларининг ўзини ўзи пул билан таъминлаши ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбатлантирилади.

Республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимида асосланган таълим кридетлари бериш механизми шакллантирилади. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийларнинг мавқеи кучайиб боради.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда уставда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадлари қўпайиши таъминланади.

4.9.Моддий-техника таъминоти

Ҳар бир минтақанинг демографик ва жўғрофий хусусиятларидан келиб чиқиб, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари тармоғи барпо этилади. Таълим олувчиларни оиласдан ажралмаган ҳолда ўқишига имкон қадар кўпроқ қамраб олинади. Мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасалари қуриш, уларни норматив талабларга мувофиқ, замонавий техника ва технологияларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланишини таъминлаш чоралари кўрилади. Ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурний ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш юзасидан ихтисослаштирган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш қўллаб-қувватланади. Барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади.

4.10.Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш

Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради. Таълим жараённинг оммавий ахборот воситаларининг мавкеи ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади. Фан ва таълимнинг нашриёт базаси ривожлантирилади, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилади.

4.11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган мухит вужудга келтирилади, таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилади. Асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консультатив ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш ривожлантирилади.

4.12. Таълим соҳасидаги ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Педагогик фаолиятнинг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини ошириш юзасидан давлат сиёсати рўёбга чиқарилади. Таълим олувчиларнинг ва педагогларнинг ўқиши, соғлиғи ва дам олиш учун зарур шароитлар яратилади. Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш органлари болалар ҳамда ўқувчи ёшларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрадилар. Ўқутарбия жараённинг соғломлаштиришга қаратилган йўналишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шароитлар таъминланади. Таълим олувчиларнинг тиббий-гигиена маданиятини ошириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт бобидаги фаоллигини кучайтириш ҳамда жисмоний камолот даражасини ошириш учун ташкилий-услубий ёндашувлар такомиллаштирилади. Соғлиқ ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун муносиб мухит яратилади.

4.13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириши

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-куvvatланади.

4.14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириши

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асборлар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишида корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қуллаб-куvvatланади. Илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб борилади.

4.15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-хуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгаяди. Таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар халқаро миқиёсда эътироф этилиши учун асос яратилади. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчиноналарининг кадрлар тайёрлаш соҳасига чет эл инвестицияларини бевосита ва билвосита кенг жалб қилиш борасидаги фаолияти кучайтирилади.

5. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Миллий дастурни амалга ошириш мақсадида:

- Миллий дастурнинг йўналиши вабосқичларини амалга оширишнинг аниқ механизмлари, муддатлари, ижроциилари, молиявий варесурслар таъминоти ифодаланган ечим вачора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади;
- Миллий дастурни бажариш юзасидан давлат важамоат институтларининг фаолияти ҳамда вазифалари белгиланади;
- Миллий дастурнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқишибараёнига малакали чет элэкспертлари жалб этилади;
- Миллий дастурни бажаришда давлат ванодавлат ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилиб, халқаро ташкилотлар қатнашуви ташкил этилади;
- Миллий дастурнинг мониторинги вабажарилишини экспертиза қилиш асосида унинг айrim қоидалари ватадбирларига тузатишлар киритилади;
- оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, кадрлар тайёрлаш миллий модели рўёбга чиқарилишини таъминлаш масалалари юзасидан семинарлар ваконференциялар ўтказиш орқали Миллий дастурнинг принципиал ёндашувлари ҳамда асосий қоидаларини кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилади;
- Миллий дастурнинг мақсад вавазифаларини амалга ошириш жараёнига жамоат бирлашмалари вамарказлари, республика, ахолиси кенг табакаларининг фаол иштироки таъминланади;
- оммавий ахборот воситаларида Миллий дастурнинг бажарилиши мунтазам ёритиб борилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан Республика комиссияси ташкил этилади, бу Комиссиянинг зиммасига дастурни бажаришга доир барча ишлар ва тадбирларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, шу жумладан қўйдаги вазифалар юкланди:

- узлуксиз таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартларига қўйиладиган умумий талабларни ишлаб чиқиш;
- умумий ўрта таълим учун давлат таълим стандартларини вабошқазарур норматив хужжатларни ишлаб чиқиш;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун давлат таълим стандартларини, академик лицей вакасб-хунар коллежлардан иборат таълим тизимини жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- ўрта умумий таълимга эга бўлган ўқувчиларни академик лицей вакасб-хунар коллежлари тизими билан тўла қамраб олиш тадбирларини, бутизимни худудларнинг демографик, жўғрофий хусусиятлари вакадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, унинг моддий-техника асосини яратиш;
- академик лицей вакасб-хунар коллежларида ишлайдиган ўқитувчилар вапедагог кадрларни қайта тайёрлаш вауларнинг малакасини ошириш учун таълим муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш;
- олий таълим муассасалари тизимини Миллый дастур талабларга биноан ислоҳ қилиш, буборада тегишли давлат таълим стандартларини яратиш важорий этиш;
- мактабгача таълим ватарбия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, болалар тарбиясида вауларни мактабга тайёрлашда оила, маҳалла ҳамда жамоат ташкилотларининг маъсулиятини ошириш;
- таълим муассасаларини зарур дарсликлар ваадабиётлар билан таъминлаш, буишга йирик олимлар, юқори малакали мутахассисиларни жалб этиш, таълим вайлм-фан соҳасининг нашриёт базасини ривожлантириш;
- профессор вапедагог кадрларни ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш вамалакасини ошириш мақсадида маҳсус Республика жамғармаси ташкил этиш ваунинг фаолиятини таъминлаш;
- узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганиш учун зарур шароит яратиш, уларни ўргатишнинг жадаллаштирилган услубларини жорий этиш, ўзбекча-чет тиллар луғатларини, давлат тилидаги маҳсус адабиётларни нашр этиш;
- узлуксиз таълим соҳаси ўқитувчилари вапедагог кадрларини ижтимоий ҳимоя қилиш вақўллаб-кувватлаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш варагбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқишибўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш вааккредитациялаш, кадрлар тайёрлашнинг малака талабларини аниқлаш ҳамда сифатини баҳолаш ишларини ташкил қилиш вамуфовиқлаштириш бўйича таълим тизими бошқарувига боғлиқ бўлмаган ягона давлат хизмати ташкил этиш;
- таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш варивожлантириш, уни жаҳонахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш;
- касб-хунар таълими соҳасида кадрларга бўлган талаб ватаклифни ўрганишни ташкил этиш, таълим хизмати кўрсатиш вакасбий меҳнатнинг рақобатга асосланган бозорини ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ
19.07.2019 й.
N 607**

**ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ТҮҒРИСИДАГИ
БАКАЛАВР ВА МАГИСТР ДИПЛОМЛАРИНИНГ
ДАВЛАТ НАМУНАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

- Олий таълим муассасалари битиравчиларига давлат таълим стандартлари асосида давлат намунасидаги бакалавр ва магистр дипломларини бериш, диплом ва унинг иловасидаги ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш, уларни илғор хорижий амалиётда фойдаланиладиган намуналар кўринишига келтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:
- - 1. Қўйидагилар:
 - Олий маълумот түғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналари ва уларнинг тавсифлари [1-иловага](#) мувофиқ;
 - Олий маълумот түғрисидаги бакалавр ва магистр дипломлари иловаларининг давлат намуналари [2-иловага](#) мувофиқ;
 - Олий таълим муассасаларида бериладиган академик маълумотноманинг давлат намунаси ва тавсифи [3-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансан.
 - Белгилансинки, олий маълумот түғрисидаги бакалавр ва магистр дипломлари ва иловаларининг давлат намуналари 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб жорий этилади.
 - 2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги "Давлат белгиси" давлат унитар корхонаси олий маълумот түғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларихамда ушбу дипломлар иловалари бланкаларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги буюртмалари асосида муҳофазаланган маҳсускоғозларда тайёрлаб берилишини таъминласин.
 - 3. Белгилаб кўйилсинки:
 - олий маълумот түғрисидаги бакалавр ва магистр дипломлари, уларнинг иловалари ҳамда академик маълумотнома бланкаларини тайёрлаш билан боғлиқхаражатларни молиялаштириш аниқ ҳисоб-китобларга асосан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига ушбу мақсадлар учун назарда тутиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади;
 - олий маълумот түғрисидаги бакалавр ва магистр дипломлари, уларнинг иловалари ҳамда академик маълумотнома бланкалари компьютерда тўлдирилади ва олий таълим муассасалари битиравчиларга топшириш учун (дубликат бериш ҳолатлари бундан мустасно) текин тарқатилади.
 - 4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги уч ой муддатда бакалавр ва магистр дипломларига индивидуал QR-код қўйиш тизими ҳамда унинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилишини таъминласин.
 - Бунда, QR-код тизими ҳамда унинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

- 5. Вазирлар Маҳкамасининг "1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида" 1999 йил 2 июнданги 282-сонкарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.
- 6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.
- 7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.
- **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**

А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг

**2019 йил 19 июлдаги
607-сон қарорига
1-ИЛОВА**

**Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр
дипломларининг давлат намуналари ва
уларнинг тавсифлари
I. БАКАЛАВР ДИПЛОМИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
07.06.2019 й.
N 467**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Республика олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Олий таълим муассасалари рейтингини (кейинги ўринларда рейтинг деб аталади) аниқлашда қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик фаолияти даражаси, ўқув-методик ишлар, таълим сифати, талабалар ва битирувчилар билимини тавсифловчи маълумотлар базасини тизимли шакллантириш ҳамда уларни рейтинг индикаторларига мувофиқ баҳолаш асосида ҳар йили республика олий таълим муассасалари рейтингини тузиш;

жаҳондаги етакчи рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва миллий олий таълим муассасаларининг дунёдаги нуфузли олий таълим муассасалари рейтингига киришида амалий ёрдам кўрсатиш;

рейтинг натижалари асосида республика олий таълим муассасалари фаолияти тўғрисида таҳлилий ахборотни тайёрлаш ва уни олий таълим муассасаларида таълим

сифатини оширишга қаратилган аниқ тақлифлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

ҳар йили рейтинг натижаларини кейинги ўқув йили бошланишидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг расмий веб-сайтида эълон қилиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш;

илгор халқаро тажриба асосида ва олий таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда рейтинг тузилмасига зарур ўзгартириш вакўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

тегишли вазирликлар ва идораларнинг масъул таркибий бўлинмалари ҳамда олий таълим муассасаларининг таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари томонидан рейтингни аниқлашга доир маълумотлар тўпланади, таҳлил қилинади ҳамда ҳар йили 1 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тақдим этилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига киритилаётган рейтингни аниқлашга доир маълумотларнинг асосланганлиги, ишончлилиги ва белгиланган муддатда тақдим этилиши учун маълумотни киритаётган вазирликлар ва идоралар ҳамда олий таълим муассасаларининг биринчи раҳбарига шахсий жавобгарлик юклатилиди;

рейтинг натижаларини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган олий таълим муассасалари рейтингини ҳисоблаш методикаси асосида амалга оширилади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг "Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида" 2012 йил 29 декабрдаги 371-сон [карори](#) (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 10-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

А. Арипов

Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz),

2019 йил 10 июнь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН**
08.10.2018 й.
N 3076

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРИНИНГ**
10.09.2018 й.
N 20-2018

БУЙРУҒИ

**Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар
таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий,
илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишларини
белгилаш коидаларини тасдиқлаш тӯғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тӯғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тӯғрисида"ги қонунларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тӯғрисида"ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тӯғрисида"ги ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тӯғрисида"ги қарорларига мувофиқ, шунингдек профессор-ўқитувчилар таркибининг шахсий иш режасини тартибга солиш ва тизимлаштириш мақсадида **БҮЮРАМАН**:

1. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишларини белгилашқоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 9 сентябрдаги 5-2015-сон "Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламасини аниқлаш коидаларини тасдиқлаш тӯғрисида"ги буйруғи (рўйхат рақами 2720, 2015 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 540-модда) ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Вазир **И. Маджидов**

Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz),
2018 йил 9 октябрь

"Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами",
2018 йил 15 октябрь, 41-сон, 816-модда

Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлигига

2018 йил 8 октябрда 3076-сон

Ўзбекистон Республикаси

олий ва ўрта маҳсус

таълим вазирининг

2018 йил 10 сентябрдаги

20-2018-сон буйргугига

ИЛОВА

**Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар
таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий,
илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд"
ишларини белгилаш
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги [Конунига](#) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштироқини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги [қарорига](#) мувофиқ олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишларини белгилаш қоидаларини белгилайди.

Мазкур Қоидалар Тошкент давлат юридик университети, ҳарбий олий таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси худудида ўз фаолиятини юритаётган халқаро ва хорижий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби (бундан бўён матнда профессор-ўқитувчилар деб юритилади) меҳнатини нормалаштириш ҳар ўқув йили учун профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудири томонидан тузиладиган ҳамда проректорлар билан келишилган ҳолда ўқув ишлари бўйича проректор (факультет декани) томонидан тасдиқланадиган ўқув йили бўйича шахсий иш режаларига асосланади.

2. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаси таркибига ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишларининг турлари киритилади. Иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаларида тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши керак. Жорий ўқув йили якунида фақат мазкур ўқув йили давомида амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади.

Ўқув йили давомида бажарилган қўшимча иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг ийллик шахсий иш режаларига киритиб борилиши мумкин.

3. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси таркибига киритиладиган ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишлари:

тўлиқ штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

тўлиқ штатда бўлмаган ва ўриндош сифатида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун уларнинг ставкаларига мувофиқ тарзда профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

шунигдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаси ушбу Қоидаларга мувофиқшакллантирилади.

4. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасининг бажарилиши мунтазам равишда кафедра мудири, ҳар семестр якунида факультет декани, декан ўринбосарлари, факультет тузилмаси бўлмаган олий таълим муассасаларида ўқув бўлими (ўқув-услубий бошқарма) ва тегишли йўналишлар бўйича проректорлар томонидан назорат қилиб борилади.

2-БОБ. ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ ЮКЛАМАСИНИ ҲИСОБЛАШ

5. Профессор-ўқитувчиларнинг (маданият ва санъат йўналишлари ўқув машғулотларида иштирок этадиган концертмейстерларнинг) ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган, унинг асосий қисми бўлган ўқув юкламасининг соатлардаги ҳажми мазкур Қоидаларнинг [1-иловасида](#) назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрларида белгиланган иш турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг эгаллаб турган лавозимлари бўйича ўқув юкламаси ҳажми факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифига мувофиқ олий таълим муассасасининг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

6. Ўқув юкламаси бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми олий таълим муассасасининг штат бирликлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат бирликлари профессор-ўқитувчиларнинг талabalар сонига нисбати бўйича, ойлик маоши эса харажатлар сметаси бўйича тегишли норматив-хукуқийхужжатлар асосида белгиланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сон [карори](#) билан тасдиқланган Ижодий таътиллар бериш [тартиби](#) ҳамда бошқа норматив-хукуқий хужжатларда назарда тутилган нормаларга мувофиқ олиб борилаётган илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ишлари юкламаси ҳажми кафедра йиғилишининг таклифига асосан олий таълим муассасаси кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг тегишли ўқув юкламасининг муайян қисми кафедранинг бошқа профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламасига қўшимча равишда тақсимланади.

8. Маъруза машғулотлари илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлариҳажми кўп бўлганда ёки профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмаганда) олий таълим муассасаси Кенгашининг қарорига асосан камида 3 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бироқ илмий унвон ва илмий даражаси бўлмаган ўқитувчиларга бир ўқув йилида 250 соатгача ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий (якка), семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Кафедрага соҳанинг етакчи мутахассислари (академиклар ва профессорлар) жалб этилганда, ушбу ўқув соатлари ҳажмига олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига мувофиқ ўзгартириши киритиш мумкин.

3-БОБ. ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА "УСТОЗ-ШОГИРД" ИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ

9. Профессор-ўқитувчилар фаолиятининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишлари бўйича соатлар ҳажми ҳисобланмайдиган иш турлари мазкур Қоидаларнинг [2-иловасида](#) назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишлари турларидан

келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида белгиланади.

10. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишлари ҳажми мазкур иш турларини бажариш заруриятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифиға мувоғиқ олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади.

11. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талабаларда чукур назарий билим, амалий ва касбий кўнкимларни шакллантириш, илм-фанга бўлган қизиқишини уйғотиш, уларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашни назарда тутган ҳолда кафедра мудири ўқитишни илғор педагогик ва компьютер технологиялари, янги авлод ўқув адабиётлари асосида ташкил этиш ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишлар бўйича аниқ топшириқларни белгилайди.

4-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДА

12. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Давлат солиқ қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ва Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси билан келишилган.

Қоидаларга

1-ИЛОВА

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси ҳажмини хисоблашнинг вақт МЕЪЁРЛАРИ

Т/ р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
---------	------------	---	---

1.	<p>Үқув (маъруза, амалий, семинар, якка ва лаборатория) машғулотларини ўтказиш.</p>	<p>бир академик соат учун - 1 соат</p>	<p>Үқув машғулотлари ўқув режага мувофик бир академик соатдан (45 минут) ёки танаффусиз икки академик соатдан (80 минут) ўтказилади. Бунда: амалий ва семинар машғулотлари талабалар сони, одатда, 25 нафаргача талаба бўлган академик гурухларда; маъруза машғулотлари, одатда, 100 нафардан ошмаган бирлашган академик гурухларда (поток), тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник кафедраларда циклга келган гурухларда (поток); лаборатория машғулотлари ва чет (рус) тилини ўқитиш, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанидан амалий машғулотлар, тиббиёт олий таълим муассасаларида тиббий-биологик, клиникагача бўлган ва гигиеник фанлар (тиббиёт олий таълим муассасалари учун) ўқитиш, нофилологик йўналишларда фанни чет тилида ўқитиш, одатда, 12-15 нафаргача талаба бўлган кичик гурухларда; маданият, санъат ва спорт йўналишларида якка тартибдаги машғулотлар, одатда, 1-10 нафаргача, ансамбль машғулотларида 2-12 нафаргача талаба бўлган кичик гурухларда; тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник фанларни ўқитиш,</p>
----	---	--	---

			<p>одатда, 5-10 нафаргача талаба бўлган кичик гурухларда ўтказилади. Ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги гурух журналида қайд этилади.</p> <p>Тиббиёт олий таълим муассасалари учун ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги ўқув журналида қайд этилади.</p>
2.	Якуний давлат аттестацияси белгиланган фанлардан умумлашган маъruzalар ва маслаҳатлар ўтказиш	битта фанга (битта поток учун) - 6 соат	Умумлашган маъruzalар ва маслаҳатларнинг ўтказилиши якуний давлат аттестациясини ўтказиш жадвалида қайд этилади.
3.	Курс ишлари ва курс лойиҳаларига раҳбарлик қилиш, улар бўйича маслаҳатлар бериш.	бир курс иши учун - 2 соат; бир курс лойиҳаси учун - 3 соат.	Бир профессор-ўқитувчи бир семестр давомида, одатда, 50 нафаргача талабага (кўпи билан 1-2 та академ гурух талабаларига) курс иши (ложиҳаси) бериши мумкин. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун ўқув режада кўрсатилган фанлар бўйича ўтказилади.
4.	Курс иши (курс лойиҳаси) химоясини ўтказиш.	бир курс иши химояси учун - 0,4 соат; бир курс лойиҳаси химояси учун - 0,6 соат. Бунда профессор-ўқитувчининг бир кунлик иш соатиҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Курс иши (ложиҳаси) химоясида камиде 2 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этади. Жами соатлар химояда иштирок этган профессор-ўқитувчилар сонига бўлинади ва улар ўртасида тенг тақсимланади. Профессор-

			ўқитувчининг курс иши (лойихаси) химоясини ўтказишида иштирок этиши тегишли қайдномаларда акс эттирилади.
5.	Якуний давлат аттестациясини ўтказиш.	<p>ёзма иш шаклида бир академ гурух учун - 3 соат; оғзаки шаклда битта талаба учун - 0,2 соат, ижодий ишларда битта талаба учун - 0,3 соат;</p> <p>ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун ҳар бир ишга - 0,2 соат;</p> <p>тест шаклида битта академ гурух учун - 1 соат.</p> <p>Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиникагача бўлган интеграллашган имтиҳон ва беморда ўтказилган клиник имтиҳон бўйича бир нафар талаба учун - 0,5 соат (интеграллашган аттестация учун).</p> <p>Якуний давлат аттестация комиссияси раисига комиссиянинг битта аъзоси учун бериладиган жами соатга қўшимча равища 20% қўшилади.</p> <p>Комиссия аъзоларига бериладиган бир кунлик ўқув юкламаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.</p>	<p>Бир поток (академ гурух)да ёзма иш ўтказиш жараёнида иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзоси (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га 3 соатдан берилади.</p> <p>Оғзаки шаклда ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади.</p> <p>Ёзма иш шаклида ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовларининг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари умумий сонига бўлинади ҳамда комиссия аъзоларига тенг тақсимланади.</p> <p>Тест шаклида ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади.</p> <p>Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиникагача бўлган интеграллашган имтиҳон ва беморда ўтказилган клиник имтиҳонда жами соатлар имтиҳон олишда иштирок этганлар орасида тенг тақсимланади.</p> <p>Якуний давлат аттестациясида иштирок этиш тегишли</p>

			буйруқ вақайдномаларда акс эттирилади. Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзолари (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбайҳақ тўланади. Бунда ушбу соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
6.	Намунавий ўқув дастурларида кўзда тутилган назорат, ҳисоблаш ва ҳисоб-график ишларини текшириш, маслаҳатлар бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилиш. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник фанларни ўқитишида ишчи ўқув дастурларида кўзда тутилган касаллик тарихлари ва экспертиза баённомаларини текшириш, маслаҳатлар бериш вақабул қилиш.	битта топшириқ учун - 0,3 соат, бироқ битта фанга кўпи билан - 1 соат. Битта касаллик тарихи ва экспертиза баённомаси учун - 0,5 соат	Бир профессор-ўқитувчига кафедра карорига асосан кўпи билан 3 тагача академик гурух талабалари бириклирилади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида касаллик тарихи тегишли кафедрада бир йил давомида сақланади. Мазкур ишларнинг бажарилиши талабаларни баҳолаш журнallарида акс эттирилади.
7.	Оралиқ ва якуний баҳолашларни ўтказиш, шунингдек талабанингқолдирган (ўзлаштирмаган) дарсларини қайта топширишиниқабул қил иш.	фан бўйича оралиқ баҳолашларда жами ҳар бир талаба учун - 0,2 соат; якуний баҳолашда ҳар бир талаба учун - 0,3 соат. Қолдирилган (ўзлаштирилмаган) дарсларни қайта топширишни қабул қилишда ҳар бир талаба учун - 0,3 соат. Бунда бир ўқув семестри давомида бир профессор-ўқитувчига кўпи билан 20 соат берилади.	Семестр давомида битта фандан кўпи билан 2 тагача оралиқ баҳолаш ўтказилади. Бунда модуль тизимида ўқитилмаётган ва ҳажми (умумий аудитория соати) семестр давомида ҳафтасига тўлиқ 2 академик соатдан (тиббиёт олий таълим муассасаларида 4 академик соатдан) кам бўлган фанлардан оралиқ баҳолаш ўтказилмайди. Оралиқ ва якуний

			<p>баҳолашлар ўтказилиши тегишли жадвалларда акс эттирилади.</p> <p>Ёзма ишлар натижалари эълон қилингандан сўнг б ой давомида сақланади.</p> <p>Баҳолашлар жадвали (графиги) семестр бошланган муддатда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон қилинади.</p> <p>Дарсларни қайта топшириш тегишли журнал ёки қайдномаларда акс эттирилади.</p>
8.	Бакалавриат таълим йўналиши талабалари амалиётига раҳбарликқилиш, уларнинг ҳисботларини текшириш ва баҳолаш.	<p>Малакавий амалиёт ўтаётган ҳар бир талаба учун бир иш кунига - 0,5 соат.</p> <p>Бунда:</p> <p>ўқув амалиётига раҳбарлик қилиш 1 академ гурух учун бир иш кунига - 6 соат;</p> <p>ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш: агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган худуд доирасида бўлса, бир иш кунига 1 академ гурух учун - 3 соат;</p> <p>агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган худуд доирасида бўлмаса, амалиётга раҳбарлик қилиш бир иш кунига - 6 соат.</p> <p>Индивидуал ҳолда ўтказиладиган амалиётларда бутун амалиёт даврига бир талаба учун - 2 соат.</p>	<p>Мазкур иш тури бўйича профессор-ўқитувчининг соатлари ҳажми ўқув ишлари юкламасининг 20% идан ошмаслиги лозим.</p> <p>Мазкур ишларнинг бажарилганлиги амалиёт ўташ бўйича олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аникланади.</p>
9.	Бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарликқилиш,	бир ўқув йилига ҳар бир талаба учун - 25 соат, техник йўналишларда ҳар бир талаба учун 30 соат	<p>Бир ўқув йилида битта профессор-ўқитувчига 7 нафаргача талаба бириктирилади.</p> <p>Профессор-ўқитувчининг битирув малакавий ишига</p>

	хulosалар ёзиш.	(диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилганлиги, хulosалар ёзганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, ёзилган хулоса ва ишнингхимояга тақдим этилганлиги асосида аниқланади.	
10.	Талабаларнинг битириув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши, магистрлик диссертацияси)химояси бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этиш.	бир битириув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши) учун - 0,4 соат; бир магистрлик диссертацияси учун - 0,8 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкламаси ҳажми, одатда, 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Аъзоларнинг якуний давлат аттестацияси комиссиясидаги иштироки олий таълим муассасаси буйруғи ҳамда ҳимоя натижалари тўғрисидагиқайдномалар асосида аниқланади. Жами соат якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этган ҳар бир аъзога берилади. Бир ЯДАК йифилишида 4 тагача магистрлик диссертацияси, 8 тагача БМИ химоясига рухсат берилади. Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тутатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
11.	Магистратура талабаларининг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарлик қилиш. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун клиник ординаторларнинг ўқув ва клиник амалиётига раҳбарлик қилиш.	бир ўқув йилига битта талаба учун - 50 соат. Бир ўқув йилига битта клиник ординатор учун - 50 соат.	Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди ва мутахассис 4

			нафаргача клиник ординаторнинг ўкув ва клиник амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Талабанинг илмий педагогик фаолиятига раҳбарлик қилганлик талабанинг календарь иш режасидаги топшириқларни бажариши билан аниқланади. Амалиётга раҳбарлик қилганлик олий таълим муассасасининг амалиёт ўташ бўйича буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади.
12.	Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишига раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилиш.	бир ўкув йилига битта талаба учун - 50 соат.	Професор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг магистрлик диссертацияси ва стажировкасига (илмий маслаҳатчилик) раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Мазкур иш турининг бажарилганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг календарь иш режаси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояга тақдим этилгани асосида аниқланади.
13.	Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларни, шунингдек магистратура ва клиник ординатура мутахассисликлариқабул и жараёнида кириш синовларини ўtkазиш комиссиясида, таянч докторант (PhD),	ёзма иш шаклида ўтказилганда бир поток (абитуриентлар гурухи) учун - 3 соат; оғзаки шаклда ўтказилганда, битта абитуриент учун - 0,3 соат; тест шаклида ўтказилганда, бир поток (абитуриентлар гурухи) учун - 1 соат; ҳар бир ёзма иш (ижодий	Бир поток (абитуриентлар гурухи)да ёзма ишни ўтказиш жараёнида иштирок этган ҳар бир профессор-ўқитувчига 3 соатдан берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати ёзма ишни

	докторант ва мустақил изланувчилар танлови комиссиясида ва малака имтиҳонида иштирок этиш.	иш)ни текшириш учун - 0,3 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкламаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	текширишда иштирок этган комиссия аъзолари сонига тенг бўлинади ҳамда улар ўртасида тенг тақсимланади. Оғзаки (тест) шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати унда иштирок этганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи ва тегишли қайдномалар асосида аниқланади. Комиссия аъзолари таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тутатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
14.	Олий таълим муассасасидаги докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчиликқилиш.	бир нафар докторант учун бир ўқув йилида - 100 соат; бир нафар мустақил изланувчи учун бир ўқув йилида - 50 соат.	Фан доктори, профессор ва фан номзоди, доцент ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида 3 нафаргача докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиши мумкин. Илмий маслаҳатчи бўлганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи, докторант ва мустақил изланувчининг якка тартибдаги иш режаси бажарилиши асосида аниқланади.
15.	Очиқ, муаммоли, интеграциялашган маъruzалар ва мастер-классларга тайёргарлик	бер академик соат очиқ лекция ва мастер-класс учун - 5 соат; очиқ, муаммоли,	Олий таълим муассасаларида ўтказилган очиқ, муаммоли,

	күриш ва ўтказиш.	интеграциялашган маъруза учун бир ўкув йилида кўпи билан - 30 соат. Мастер-класс: олий таълим муассасаси миқёсида ўтказилганда, бир ўкув йилида кўпи билан 30 соат; республика миқёсида ўтказилганда, бир ўкув йилида кўпи билан 40 соат; халқаро миқёсда ўтказилганда, бир ўкув йилида кўпи билан 60 соат.	интеграциялашган маъруза ва мастер-класслар тегишли режалар ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.
16.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш.	қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлик учун - ҳафтасига 36 соатдан.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида аниқланади.
17	Сиртқи бўлим талабаларининг назорат ишларига тақриз ёзиш.	1 назорат ишига 0,75 соат; назорат иши бўйича сұхбатга 0,25 соат, бир фанга бир семестрга 1,5 соат;	Назорат ишлари (графиги) семестр бошланган муддатда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон килинади.

**Коидаларга
2-ИЛОВА**

**Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг
ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишларини
ТУРЛАРИ**

- I. Ўқув-услубий ишлар**
- II. Илмий-тадқиқот ишлари**
- III. "Устоз-шогирд" ишлари**

т/ р	Иш турлари	Иш турларини амалга ошириш механизми (профессор-ўқитувчининг шахсий иш режасида қайд этиладиган тадбирлар)	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
I. ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ИШЛАР			
1.	Янги маъруза матнлари, машқ(масалалар) тўплами, лаборатория, ижодий ишлари бўйича услугбийқўлланмаларни ишлаб чиқиш, ёзиш ва нашр этиш.	Янги маъруза матнлари, машқ (масалалар) тўплами, лаборатория, ижодий ишлар бўйича услугбийқўлланмалар яратиш	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгашиқарори билан нашр этишга тавсия этилган ишламалар асосида аниқланади.
2.	Тарқатма ўқув материаллари, электрон ўқув дастурлар ва видео	Янги таҳрирдаги тарқатма ўқув материалларини тайёрлаш;	Олий таълим муассасасида жорий ўқув йилида кўлланилган

	машғулотлар (фан доирасида), шунингдек тегишли компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда тақдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш (яратиш).	фан бўйича компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда тақдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш; электрон ўқув дастурлар ва видео машғулотлар фан доирасида яратиш.	материаллар (дастурлар) асосида аниқланади.
3.	Дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш ва нашр этишга тайёрлаш.	Дарслик ва ўқув қўлланмаларни ёзиш ва нашрга тайёрлаш.	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгашиқарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади.
4.	Дарслик, ўқув қўлланмаларни тўлдирилган ва ўзгартирилган ҳолдақай та нашр этиш.	Дарслик ва ўқув қўлланмаларга тегишли ўзгартириш вақўшимчалар киритиш ва нашрга тайёрлаш.	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгашиқарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади.
5.	Услубий қўлланма (кўрсатма, рисола)лар тайёрлаш ва нашр этиш.	Таълимга тегишли бўлган Услубий қўлланма (кўрсатма, рисола)лар тайёрлаш ва нашр этиш.	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгашиқарори билан нашр этишга тавсия этилган услубий қўлланма (кўрсатма, рисола) асосида аниқланади.
6.	Фаннинг ўқув-услубий мажмуасини ишлаб чиқиш ва фаннинг электрон модуль папкасини яратиш.	Фаннинг ўқув-услубий мажмуасини яратиш.	Ўқув жараёнида қўлланилган ишлар асосида аниқланади.
7.	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш.	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш.	Кафедра йиғилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади.
8.	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш, шунингдек виртуал лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш.	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш.	Кафедра йиғилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади.
9.	Бакалавриат таълим йўналиши (магистратура, клиник ординатура	Малака талаби, ўқув режа, ва ўқув дастурини ишлаб чиқиш.	Жорий ўқув йили учун тасдиқланган малака талаби, намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида

	мутахассислиги) бўйича малака талаби, намунавий ўқув режа, янги фан учун намунавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.		аниқланади.
10 .	Ишчи ўқув режа, фан бўйича ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш	Ишчи ўқув режа ва фан бўйича ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш	Кафедра йиғилиши баённомаси ва кафедрада мавжуд бўлган, жорий ўқув йилида тайёрланган ишчи ўқув режа ва дастурлар асосида аниқланади.
11 .	Дарслик, ўқув кўлланмалар ва бошқа материалларни таржимақилиш.	Дарслик, ўқув кўлланма ва фан доирасида бошқа материалларни таржима қилиш.	Олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи, Ўқув-услубий (илмий) кенгаш қарори билан жорий ўқув йилида тайёрланган таржима материаллари асосида аниқланади.
12 .	Фанлар бўйича назорат саволлари (тест, масалалар ва бошқа), оралиқва якуний баҳолашлар учун топшириқларни ишлаб чиқиш.	Оралиқ ва якуний баҳолашлар учун назорат саволлари (тест, масалалар ва бошқа), топшириқлар ишлаб чиқиш.	Ишлаб чиқилган ҳамда кафедра баённомаси билан жорий этилган топшириқлар тўплами асосида аниқланади.

II. ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ

13 .	Илмий мақола, тезис тайёрлаш ва нашр этиш, ихтиро (патент), дастурий воситалар яратиш	Хорижий ва маҳаллий (ОАК рўйхатидаги) илмий журналларда илмий мақолалар чоп этиш, ихтиро (патент) олиш, тезислар нашр этиш. Ҳар бир илмий мақола, ихтиро ва тезислари ҳисобга олинади.	Жорий ўқув йилида тайёрланган ва нашр этилган ишлар асосида аниқланади.
14 .	Монография ва рисола нашр этиш, ахборот таҳлилий материаллар тайёрлаш, ижодий ишлар яратиш		Жорий ўқув йилида нашр этилган (тайёрланган) ишлар асосида аниқланади.
15 .	Шахсий (тематик) ижодий асарлар каталогини нашр этиш, янги лойихалар яратиш	Шахсий (тематик) ижодий асарлар каталогини нашр етиш, янги лойихалар яратиш.	Жорий ўқув йилида нашр этилган (яратилган) ишлар асосида аниқланади.
16 .	Дарслик, монография, рисола ва ўқув кўлланмаларига муҳаррирликқилиш	Дарслик, ўқув кўлланма, монография ва рисолалар.	Дарслик, монография ва ўқув кўлланма ҳамда рисолаларнинг жорий ўқув йилида нашр этилганлиги

			асосида аниқланади.
17 .	Олий таълим муассасаси кенгаши томонидан тасдиқланган мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш.	Рахбар ёки масъул ижрочи бўлганлиги ҳисобга олинади.	Ўқув йили давомида мавзу бўйича амалга оширилган тегишли илмий-тадқиқот ишлари асосида аниқланади. Хўжалик шартномалари доирасида тайёрланган ва давлат илмий-техник дастурларига мувофиқ бажарилаётган тадқиқот лойиҳалари бўйича бажарилган ишлар мазкур иш турига киритилмайди.
18 .	Дарслик, ўқув қўлланма, монография, рисола, илмий мақола, диссертация, автореферат ва бошқа ишларга тақриз ёзиш.	Дарслик, ўқув қўлланма, монография, диссертация, автореферат ёки рисола, илмий мақола, ва бошқа ишлар.	Жорий ўқув йилида ёзилган тақризлар асосида аниқланади.
19 .	Фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DS) илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаш ва ҳимояқилиш.	Фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DS) диссертациясини тайёрлаганлиги. Тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун 3 ўқув йили давомида диссертация ёзиш мумкин.	Автореферат, илмий даража олиш учун диссертация ҳимоя қилганл ик тўғрисидаги Илмий кенгаш баённомаси асосида аниқланади.
20 .	Илмий журналлар тахририятига аъзо бўлиш.	Ҳар бир илмий журналлар тахририятига аъзо бўлиш.	Нашр этилган илмий журналлар ва бошқа хужжатлар асосида аниқланади.
21 .	Талабаларнинг илмий- тадқиқот ва илмий- ижодий ишларига раҳбарликқилиш.	Талабаларнинг илмий- тадқиқот ва илмий-ижодий ишларига раҳбарлик.	Талабанинг илмий- тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари (маъруза, мақола, тезис, шеърий тўплам ва бошқалар) нашр этганлиги асосида аниқланади.
22 .	Талабаларнинг фан ва илмий тўгаракларига раҳбарлик қилиш.	Талабаларнинг фан ва илмий тўгаракларига раҳбарлик.	Тўгаракларга раҳбарлик қилганликни тасдиқловчи хужжатлар асосида аниқланади.
23 .	Илмий ёки услубий конференция ва семинарлар ташкил этиш.	Илмий ёки услубий конференция ва семинарлар ташкил этиилганлиги.	Илмий ёки услубий конференция ва семинарларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи маълумотлар.
24 .	Илмий ёки усулбий кенгашларда иштироки.	Илмий ёки усулбий кенгашларда аъзо бўлганлиги.	Илмий ёки усулбий кенгашларда аъзо бўлганлигини тасдиқлочи

			маълумотлар.
III. "УСТОЗ-ШОГИРД" ИШЛАРИ			
25 .	Талаба олий таълим муассасасига ўкишга қабул қилинган да янги шароитга адаптация жараёнини ўташга ва олий таълим муассасасида бўлган чоғида вақтини тўғри тақсимлашга ёрдам бериш.	Талабалар олий таълим муассасасига қабул қилинган да улар билан танишиш ҳамда талабаларнинг шахсийхужжатлари йиғма жилдини шакллантириш ва янгилаб бориш. Ўкишга қабул қилинган талабаларни олий таълим муассасаси ва унда мавжуд шароитлар билан таништириш. Талабаларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича иш режасини ишлаб чиқиш ва доимий назоратга олиш.	Талабаларнинг шахсий хужжатлари йиғма жилдлари ва тасдиқловчиҳужжатлар асосида аниқланади.
26 .	Талабанинг шахсий ва академик ютуқларини ривожлантириш мақсадида учрашувлар ўтказиш	Етук фан арбоблари, академиклар, иқтидорли талабаларҳамда иш берувчи ташкилотлар вакиллари билан талабаларнинг шахсий ва академик ютуқларини ривожлантиришга қаратилган учрашувларни ўтказиб бориш.	Учрашувларни тасдиқловчи хужжатлар (баёни, видео ёки фото лавҳалари) асосида аниқланади.
27 .	Талабалар баҳолаш тизими қандай олиб борилишини қай даражада англаганини ва қаердан таълим ва академик соҳада ёрдам олиши мумкин эканлигини назорат қилиш	Талабаларга баҳолаш тизими бўйича маълумотлар бериш. Уларга қаердан таълим ва академик соҳада ёрдам олиши мумкин эканлигини тушунтириш ва амалий ёрдам бериш.	Талабаларни фанлардан ўзлаштириш даражаси орқали аниқланади.
28 .	Ўкиш жараёнida шахсий ва академик муаммолар юзага келганда ва улар таълим олиш даражасига таъсир кўрсатса, уларни ҳал қилишда кўмаклашиш.	Талабалар билан шахсий ва академик муаммолари бўйича якка тартибдаги сұхбатлар олиб бориш ҳамда мавжуд муаммоларини ҳал қилиш чораларини кўриш. Талабаларнинг фанларда ўзлаштиришларини доимий назорат қилиш ва дарс берувчи профессор-ўқитувчи билан мазкур масалани муҳокама қилиб бориш.	Гурухдаги талабаларнинг фанлардан ўзлаштириши ва бошқа фаолиятлари анализи натижасида белгиланади.
29	Академик ёки касбий	Талабаларга академик ёки	Талабаларнинг олий

.	танловқилишда тавсиялар бериш	касбий йўлни танлаши учун кўмаклашиш ва уларга асосли маслаҳатлар бериб, уларниқизиқишиш ва истаклари асосида тўғри йўналтирилишини таъминлаш.	таълим муассасасини битиргач соҳаси бўйича ишлаши мумкин бўлган корхона ва ташкилотлар ҳақида маълумотга эга бўлганлиги орқали аниқланади.
30.	Маъруза материалларни қайтариш ва мисолларни тақдим этган ҳолда уларни ёритиши.	Ўзлаштиришдан орқада қолган талабалар билан дарсдан бўш вақтларда график асосида ишлаш.	Ташкилий графикнинг мавжудлиги. Талабаларнинг ўзлаштириш даражаси орқали белгиланади.
31.	Талабаларнинг мутахассислик ва танлов фанларидан олган баҳолари ва ўзлаштирган билимлари уларнинг квалификацион даражаларига таъсирининг муҳимлиги ҳақида тушунчани шакллантириш.	Ўкув режасидаги фанларнинг муҳимлилик даражасиҳамда малакали кадр бўлиб етишиши учун зарурлигиҳақида тушунчалар бериш. Иш берувчи ташкилот ва корхоналар томонидан битирувчиларга қўйиладиган талаблар билан доимий таништириб бориш.	Битирувчиларнинг касбга тайёргарлик ҳолати.
32.	Бошқа талаба ва ўқитувчилардан ушбу талаба ҳақида маълумот олиши.	Талабанинг фаолиятини бошқа талаба ва ўқитувчилар орқали доимий билиб бориш ҳамда олинган маълумотлар асосида ушбу талаба билан ишлаш.	Талабани олий таълим муассасасидаги фаолияти бўйича маълумотларнинг мавжудлиги.
33.	Талабаларнинг ота-оналари билан ишлаш.	Ота-оналар билан мулоқатга киришиши, улар билан талабанинг фаолиятини муҳокама қилиш ҳамда ота-оналар истагига кўра уларни талабалар билан ишлашини таминлаш.	Талабаларнинг фаолиятини ота-оналар билан муҳокамақилингандигини тасдиқловчи хужжатларни мавжудлиги.
34.	Янги ғояларни таклиф қилиш, баҳс-мунозараларни давом эттириш, жумладан, ижтимоий баҳоларни муҳокама қилиш.	Факультет ва ОТМ кенгашларида ҳамда таълим жараёнига бағишлиланган семинарларда талабалар фаоллигини оширишга қаратилган таклифлар билан иштирок этганлиги.	Талабаларда янги ғояларни шаклланганлиги, улар ўртасида баҳс-мунозаралар асосида ўтказилган семинарлар ва давра сухбатларини тасдиқловчи хужжатларни мавжудлиги.
35.	Талабаларни ахборот билан таъминлаш ва интервью бериш.	Талабаларга доимий ахборотлар бериб боради ҳамда ОАВларида чиқишилар қиласи.	Талабаларнинг янгиликлардан хабардорлиги ва ОАВларида чиқишиларқилганлиги.

36 .	Битиравчиларнинг ишини, шу жумладан, вақтни мониторингқилиш ва музокараларни белгиланган режага мувофиқ амалга ошириш.	Битиравчиларни иш берувчи ташкилотлар билан доимий таништириб бориш, учрашувлар ташкил этиш ҳамда талабаларни корхона ва ташкилотларга ташрифини уюштириш.	Битиравчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари орқали белгиланади.
37 .	Олий таълим муассасаларига кириш учун ўқувчи-ёшлар ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб бориш.	Касбга йўналтириш ишларини олиб бориш режалаштирилган тадбирлар номи ва муддати.	Олий таълим муассасаси (факультет) кенгаши томонидан тасдиқлаган (режага киритилган) ишлар натижаси бўйича ҳисоботлар асосида аниқланади.
38 .	Талабаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига, давлат стипендияларига, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақаларига тайёрлаш.	Тайёрлайдиган талаба (лар) Ф.И.О., гурӯҳи ва курси.	Бир профессор-ўқитувчига кўпи билан 2 нафар талаба бириктирилади. Мазкур иш турининг бажарилиши жорий ўқув йилида талабанинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари, давлат стипендиялари, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари иштирокчиси бўлганлиги ҳамда унга профессор-ўқитувчининг бириктирилганлигини тасдиқловчиҳужжатлар асосида аниқланади.
39 .	Спорт, маданий-маърифий ва ижодий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.	Ташкил этиш ва ўтказиш режалаштирилган тадбир номи ва муддати.	Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлими томонидан ишлаб чиқилган режа ва бажарилган ишлар бўйича тақдим этилган ҳисобот асосида аниқланади.
40 .	Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида уларнинг ишланмалари ва иштирокига раҳбарлик қилиш	Раҳбарлик қилиш режалаштирилган талаба (лар) гурӯҳи, сони ва муддати.	Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида профессор-ўқитувчининг иштирокини тасдиқловчи хужжатлар асосида аниқланади.

41 .	<p>Ташкилотларда маърузалар қилиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, шу жумладанҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш.</p>	<p>Чиқиш (маъруза)лар қилиш режалаштириш тадбирлар номи ва муддати.</p>	<p>Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлимига топширилган чиқишлар (маърузалар) қилинганини, шу жумладанҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилганлигини тасдиқловчиҳужжатлар (маълумотлар, видео тасвирлар ва бошқалар) асосида аниқланади.</p>
------	---	---	---

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz),

2018 йил 9 октябрь

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами",

2018 йил 15 октябрь, 41-сон, 816-модда

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
26.09.2018 й.
N 3069**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
09.08.2018 й.
N 19-2018**

БУЙРУФИ

**Олий таълим муассасаларида талабалар
билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштироқини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги карорига мувофиқ **БУЮРАМАН:**

1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. Маджидов

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz),

2018 йил 26 сентябрь

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 2 октябрь, 39-сон, 785-модда

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ
17.09.2018 й.
N 736**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ
ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

1-илова. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги "Маҷнавият ва маҶрифат" марказининг тузилмаси

2-илова. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги "МаҶнавият ва маҶрифат" маркази фаолиятини такомиллаштириш ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг дарсдан бўш вактини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари дастури

3-илова. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги "МаҶнавият ва маҶрифат" маркази ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари

4-илова. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузурида "МаҶнавият ва маҶрифат" марказини ташкил этиш тўғрисида" 2011 йил 12 январдаги 11-сон қарорига киритилаётган ўзгаришишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида" 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони ва "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг маҶнавий-маҶрифий, маданий савиасини мунтазам ошириб бориш, уларнинг ўқишидан бўш вактини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига тегишли Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчасида жойлашган собиқ "Фудзияма" кафеси биносини тегишли худуди билан бирга (кейинги ўринларда обьект деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги "МаҶнавият ва маҶрифат" марказига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) оператив бошқариш хуқуқи асосида бепул бериш, шунингдек, мазкур обьектда Марказ таркибидаги Талабаларнинг медиа ижтимоий фаолияти ва маданий дам олиш масканини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

2. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг талаба ва ўқувчиларини юртимиз ҳамда дунёда рўй берётган ижтимоий-сиёсий, маданий, хусусан, ёшлар ҳаётига оид воқеалар, янгиликлар ва қизиқарли маълумотлардан тезкор хабардор қилиб, уларнинг

вақтини мазмунли ўтказишга мўлжалланган виртуал ахборот макони (веб-сайт, портал, форум, мессенжерлардаги каналлар ва ҳ.к.)ни яратиш ва доимий фаолият олиб боришини таъминлаш;

талаба ва ўкувчиларда китобхонлик ҳамда мутолаа маданиятини шакллантириш орқали уларнинг маънавий дунёсини юксалтиришга қаратилган ишларни ташкил этиб бориш;

ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари бўлган талаба ва ўкувчилар ҳамда уюшмаган ёшлар ўртасида уларни ватанпарварлик ва фидоиилик руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий акциялар, тадбир ва танловлар ташкил этиш, уларда миллий контентга бўлган қизиқишиларини оширишга қаратилган блоггерлар клуби фаолиятини йўлга қўйиш;

ўкиш ёки иш юзасидан хорижда истиқомат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар билан мунтазам виртуал алоқани йўлга қўйиш ва улар билан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориш;

олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, таълим билан боғлиқ долзарб муаммолар ва уларнинг ечимини таҳлил қилиш ҳамда ёритиб бориш мақсадида пресст-клуб ташкил этиш ва унинг доимий фаолиятини таъминлаш;

ёшларнинг бепул маданий дам олишларига қаратилган тадбирлар ташкил этиш, театр томошалари намойиш этиб борилишини таъминлаш, уларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш хизматини ташкил этиш;

талаба ва ўкувчилар туризмини ривожлантириш, ёш авлодни мамлакатимизнинг тарихий жойларига ва буюк аждодларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларига доимий ташрифларини уюштириш;

олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида ўтказиладиган "Ахборот ва мураббийлик соатлари"ни методик таъминлаш ҳамда турли мавзуларда мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва тарқатиб бориш;

профессор-ўқитувчилар, талаба ва ўкувчилар ўртасида хуқуқбузарлик ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий тарғибот ишларини мунтазам йўлга қўйиш;

олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимида оммавий, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ва турли мусобақаларни ўтказиб бориш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказининг тузилмаси [1-иловага](#) мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази фаолиятини такомиллаштириш ҳамда талаба ва ўкувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари дастури [2-иловага](#) мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари [3-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирига, зарур ҳолларда, Марказ тузилмасига тасдиқланган ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритиш хуқуки берилсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази фаолиятини такомиллаштириш ҳамда талаба ва ўкувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари дастурида белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш чораларини кўрсин;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари талабалари ва ўқувчилари, шунингдек, меҳнат ва ўқув жамоалари ўртасида спорт турлари бўйича мусобақалар ва марафонларни юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратсан;

талаба ва ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга муносиб ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар ҳамда тўғарак раҳбарларининг фаолиятини мониторинг қилиш натижаларига кўра, уларни тегишли таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан белгиланган тартибда моддий ва маънавий рағбатлантириб боришини мувофиқлаштирасин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Марказнинг янги таҳрирдаги уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Марказни зарур ихтисосликка эга бўлган малакали кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрсин;

Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талаба ва ўқувчилар ҳамда профессор-ўқитувчилар ўртасида ўтказиладиган оммавий-маданий, спорт-соғломлаштириш ва маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдалансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказ мурожаатига асосан уни зарур телекоммуникациялар, Интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш ва телефон алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида "Маънавият ва маърифат" марказини ташкил этиш тўғрисида" 2011 йил 12 январдаги 11-сон [карорига](#) (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 1-2-сон, 9-модда) [4-иловага](#) мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқийхужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

А. Арипов

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
максус таълим вазирлиги ҳузуридаги
"Маънавият ва маърифат" марказининг
ТУЗИЛМАСИ**

Директор

<p>Ташкилий, маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича директор ўринбосари</p>	<p>Ахборот-коммуникация технологияларини жорийкилиш, маданий дам олишни ташкил этиш ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича директор ўринбосари</p>	<p>Бухгалтерия</p>
<p>(1)</p>	<p>(1)</p>	<p>(3)</p>
<p>Ижтимоий-сиёсий фаоллик ва ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш бўлими</p>	<p>Талабаларнинг медиа ижтимоий фаолияти ва маданий дам олиш маскани</p>	<p>Бош юрисконсульт</p>
<p>(3)</p>	<p>(1)</p>	<p>(1)</p>
<p>Маънавият тарғиботи ва истеъдодли ёшларниң ўллаб-куватлаш бўлими</p>	<p>Интернет ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш бўлими</p>	<p>Кадрлар бўйича инспектор</p>
<p>(3)</p>	<p>(8)</p>	<p>(1)</p>
	<p>Оммавий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, талабаларнинг ўқишидан бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш бўлими</p>	<p>Ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассис</p>
	<p>(8)</p>	<p>(1)</p>
	<p>Матбуот хизмати ва мультимедиа бўлими</p>	<p>Девонхона ва архив</p>
	<p>(6)</p>	<p>(2)</p>
		<p>Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими*</p>
		<p>(1)</p>

Марказ ходимларининг чекланган сони (техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар ва профессор-ўқитувчилардан ташқари) - 40 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони - 12 нафар.

**Техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлар асосида белгиланади.*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги хузуридаги "Маънавият ва маърифат"
маркази фаолиятини тақомиллаштириш ҳамда талаба ва
ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ

Т/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажари ш муддати	Масъуллар
1.	Талабалар ўртасида "Йил талабаси" танловини жорий этиш ва унинг ҳар йили ўтказиб борилишини йўлга қўйиш.	1. "Йил талабаси" танловини ўтказиши бўйича ишчи груптарни шакллантириш. 2. "Йил талабаси" танловининг низомини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. 3. Танловни олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиб бориш.	2018 йил сентябрь 2018 йил сентябрь ҳар йили	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази
2.	Соғлом оила қуриш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, соғлом турмуш тарзини юритиш (тўғри овқатланиш, гигиена, тиббий маданият, спорт билан шугулланиш ва бошқалар) асосларини талаба ва ўқувчи қизлар ўртасида манзилли тарғиб этиш мақсадида якка тартибда тушунтириш ишлари, очиқмулоқот, сайёр қабул ва давра сухбатларини ташкил этиш.	1. Тадбирларни ўтказиб бориш бўйича ишчи груптарни тузиш. 2. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тадбирлар режасини ишлаб чиқиши. 3. Тадбирларни юқори савияда ўтказиши.	2018 йил сентябрь 2018 йил сентябрь мунтазам	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар

			иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, "Соғлом авлод учун" халқаро жамоат фонди	
3.	Талаба ва ўқувчи қизларнинг тадбиркорлик соҳасига оид билим ва кўнгималарини ошириш бўйича тадбиркор, хунарманд аёллар иштирокида ўқув-тренинглар ташкил этиш.	1. Ҳамкор ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи груп тузиш. 2. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўқув-тренинглар режасини ишлаб чиқиши. 3. Ўқув-тренингларни юқори савияда ўтказиши.	2018 йил сентябрь 2018 йил сентябрь мунтаза м	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк
4.	Талаба ва ўқувчи қизларни тадбиркорликка йўналтириш ҳамда уларнинг боқимандалик кайфиятига берилишининг олдини олишга қаратилган кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил этиш.	1. Ҳамкор ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи грухини тузиш. 2. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кўрсатувлар медиа-режасини ишлаб чиқиши. 3. Кўрсатувларни юқори савияда ташкил этиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь мунтаза м	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи

5.	"Буюкларни тарбиялаган онажонлар" руқнида атоқли олимлар, таниқли арбобларнинг оиласи, аввало, уларни тарбиялаган оналар ҳакида туркүм мақолалар ва кўрсатувлар ташкил этиш. "Фарзандлар тарбиясида китобнинг ўрни" мавзусига оид мақолаларни мунтазам равишда тайёрлаш ва чоп этиб бориш.	1. Ҳамкор ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гурӯҳи тузиш. 2. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда иш режасини ишлаб чиқиши. 3. Мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиб бориш.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь мунтазам	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
6.	Талабаларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини янада яхшилаш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасида мутахассислардан иборат Социологик ва педагогик-психологик хизмат гурӯҳини ташкил этиб, таълим муассасаси раҳбарига мазкур гурӯҳаъзоларини ҳар ойда белгиланган тартиб асосида моддий рағбатлантириб бориш ваколатини бериш.	1. Белгиланган тартибда ҳар бир олий таълим муассасасида мутахассислардан иборат Социологик ва педагогик-психологик хизмат гурӯҳини ташкил этиш. 2. Социологик ва педагогик-психологик хизмат гурӯҳи фаолиятини мониторинг қилиб бориш.	2018 йил сентябрь мунтазам	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
7.	Талаба ва ўқувчи қизларга шарт-шароитлар яратиш, уларга бўлган юксак эътибор сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни ўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармонининг мазмун-	1. Талаба ва ўқувчи қизларга шарт-шароитлар яратиш бўйича тадбирлар ўтказадиган ижодий гурӯҳтузиш. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармонининг мазмун-моҳиятини	2018 йил сентябрь 2018 йил ноябрь	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Республика Маънавият ва маърифат маркази

	моҳияти ҳақида давра сұхбатларини ташкил этиш.	тушунтириш бўйича тадбирларни ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаш.		
8.	Талабалар турар жойларида таълим муассасасининг ички имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда, талабалар учун барча шароит ва имкониятларга эга бўлган хунармандчилик ва илм-фанга доир тўгараклар ҳамда ўқув курслари ташкил этиш.	<p>3. Режа-жадвал асосида тадбирларни ташкил этиш.</p> <p>1. Ҳар бир талабалар турар жойидаги тўгарак ёки ўқув курси учун мос бўлган жойларни аниқлаб, рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Талабалар турар жойларида хунармандчилик ва илм-фанга доир тўгараклар ҳамда ўқув курсларини ташкил этиш.</p>	мунтаза м	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
9.	Таълим муассасаларида "Президент асрлари билимдони", "Тафаккур синовлари", "Кувноқлар ва зукколар", "Талабалар театр студиялари", "Ёш китобхонлар", "Ягонасан, муқаддас Ватан!" каби республика миқёсида ўтказилаётган танловлар ҳамда спорт мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида уларни олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.	<p>1. Олий таълим муассасаларининг йиллик харажатлар сметасига ўтказилаётган танловлар ҳамда спорт мусобақаларини олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бандини киритиши.</p> <p>2. Танловлар ҳамда спорт мусобақаларининг ҳар бир олий таълим муассасасида юқори савияда ташкил этилишини таъминлаш.</p> <p>3. Ўтказилган тадбирлар натижасини</p>	ҳар йили алоҳида режа асосида мунтаза м	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази

		мониторингқилиш.		
10.	Таълим муассасалари ўртасида республика миқёсида ташкил этилаётган спорт мусобақалари сонини янада ошириш, мусобақалар ўтказиладиган спорт турларини кенгайтириш, таълим муассасалари ўртасида спорт турлари бўйича ўртоқлик учрашувлари ўтказиб борилишини йўлга қўйиш.	1. Таълим муассасаларида ташкил этилаётган спорт мусобақалари турларини қайта кўриб чиқиш. 2. Таълим муассасалари ўртасида республика миқёсида ташкил этилаётган спорт мусобақалари сонини янада ошириш ва мусобақа ўтказиладиган спорт турларини кенгайтириш чораларини белгилаш. 3. Таълим муассасалари ўртасида спорт турлари бўйича ўртоқлик учрашувлари режасини ишлаб чиқиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь мунтаза м	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар
11.	Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги тўгаракларни тўлиқ хатловдан ўтказиш ва барча тўгаракларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида тўгарак раҳбарларини моддий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.	1. Тўгарак раҳбарларига иш ҳақи миқдорининг 25 фоизигача бўлган миқдорда устама ҳақ белгилаш бўйича намунавий тартиб ишлаб чиқиш. 2. Талаба ва ўқувчиларни ўз қизиқишидан келиб чиқсан ҳолда тўгаракларга кенг қамраб олинишини таъминлаш. 3. Талабалар томонидан тўгараклар давомида яратилган маҳсулотлар реализацийисини ва	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь мунтаза м	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар

		кўргазмаларини йўлга қўйиш.		
12.	Талабалар турар жойидаги тарбиячи-педагогларнинг педагогик маҳорати ва ёшлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар бўйича малакасини ошириш чораларини кўриш ҳамда улар учун сайёр семинар-тренинглар ўтказиб бориш механизмини жорий этиш.	<p>1. Тарбиячи-педагогларнинг малакасини ошириш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш бўйича ишлиб гурухтузиш.</p> <p>2. Тарбиячи-педагогларнинг малакасини ошириш ва улар учун семинар-тренинглар ўтказиб бориш бўйича таклиф ишлаб чиқиши.</p> <p>3. Ишлаб чиқилган таклиф асосида тарбиячи-педагогларнинг малакасини ошириш механизмини жорий қилиш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил октябрь</p> <p>2018 йил ноябрь</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар
13.	Талабаларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида гурухлар, факультетлар ва таълим муассасалараро (онлайн, видеоконференция тарзида) адабий учрашувлар, шеърият кечалари, адабий ўқишилар, навоийхонлик, бобурхонлик каби тадбирларни ташкил этиш.	<p>1. Тадбирларнинг манзилли режасини ишлаб чиқиши.</p> <p>2. Тадбирларни ўз вақтида ташкил этиб бориш.</p> <p>3. Ўтказилаётган тадбирларнинг мониторингини юритиш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>режа асосида</p> <p>ҳар чоракда</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар
14.	Ҳар бир таълим муассасасида нотиқлик маҳоратига эга бўлган талаба (ёки ўқувчи)лардан иборат "Ёш тарғиботчилар клуби"ни ҳамда "IQ-SHOU"	<p>1. Клубнинг намунавий низомини ишлаб чиқиши.</p> <p>2. Клубларнинг таълим муассасалараро</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>режа асосида</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси,

	номли телетанловни ташкил этиш.	сафарларини уюштириш.	тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар	
15.	Талаба ва ўқувчиларни янги ахборотлар билан мунтазам таъминлаб бориш мақсадида талабалар турар жойларидаги Ахборот-ресурс марказида мавжуд китоблар билан таъминланган хона ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган (маълумотлар базасига уланган) хонани ташкил этиш.	<p>1. Ахборот-ресурс марказида мавжуд китоблар билан таъминланган хона ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган (маълумотлар базасига уланган) хонани ташкил этиш.</p> <p>2. Талабалар турар жойларидаги Ахборот-ресурс марказида мавжуд китоблар билан таъминланган хона ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган (маълумотлар базасига уланган) хонани ташкил этиш.</p> <p>3. Хоналардан фойдаланиш бўйича доимий назорат олиб бориш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил октябрь</p> <p>мунтазам</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар
16.	Талаба ва ўқувчилар ўртасида диний бағрикенглик ва миллатлараро тутувлик ғояларини кенг тарғибқилиш мақсадида тизимли равишда диний уламолар билан учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш.	<p>1. Тадбирларнинг манзилли режасини ишлаб чиқиши.</p> <p>2. Тадбирларни ўз вақтида ташкил этиб бориш.</p> <p>3. Ўтказилаётган тадбирларнинг мониторингини</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>режа асосида</p> <p>мунтазам</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Махкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, манфаатдор вазирлик ва идоралар

		юритиши.		
17.	Мутахассисларни жалб этган ҳолда, талаба (ўқувчи)лар ўртасида бадиий жамоалар фаолиятини йўлга кўйиш ва уларнинг ўзлари таҳсил олаётган олий таълим муассасаси ҳамда яқин ҳудудлардаги маҳаллаларда бадиий-ижодий чиқишларини ташкил этиб бориш.	1. Бадиий жамоалар фаолиятини йўлга кўйиш. 2. Бадиий жамоаларнинг бадиий-ижодий чиқиши бўйича манзилли режа ишлаб чиқиши. 3. Ўtkазилаётган бадиий-ижодий чиқишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь 2018 йил давомид а	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар
18.	Талаба ва ўқувчилар иштирокида республика оммавий ахборот воситаларида талабалар ва ўқувчиларнинг чиқишлари бўйича танловлар эълонқилиш.	1. Танловлар низомини ишлаб чиқиши. 2. Танловлар дастурини ишлаб чиқиши. 3. Ўtkазилаётган танловларнинг мониторингини юритиши.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь 2018 йил давомид а	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, манфаатдор вазирлик ва идоралар
19.	Талабаларнинг маънавият, тарих, санъет соҳасидаҳамда миллий қадриятлар ва анъаналар, маданий меросимиз тўғрисидаги билимларини бойитиш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтириш, уларни тарихий-маънавий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизга хурмат руҳида тарбиялаш чораларини янада кучайтириш ҳамда натижадорлигини	1. Мазкур масала бўйича дастур ишлаб чиқиши. 2. Дастур асосида тадбирлар ўtkазишни йўлгакўйиш. 3. "Ватаним - менинг баҳтим" шиори остида бой тарихий-маънавий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизни тарғиб этиш.	2018 йил ноябрь режа асосида 2018/2019 ўқув иили давомид а	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, олий таълим муассасалари ректорлари

	таъминлаш.			
20.	"Ўқув даргоҳимизни юксак маънавият ва маърифат масканига айлантирамиз" мавзусида ижтимоий акциялар ташкил этиш.	<p>1. Ижтимоий акциялар ўтказишнинг намунавий дастурини ишлаб чикиш.</p> <p>2. Ҳар бир таълим муассасасида дастур асосида ижтимоий акциялар ўтказиш.</p> <p>3. Ижтимоий акциялар якуни бўйича республика форумини ўтказиш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил октябрь-ноябрь</p> <p>2018 йил ноябрь</p>	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, тасарруфида олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
21.	Олий таълим муассасаларининг Талабалар театр студияси ва "Қувноқлар ва зукколар" жамоаларининг ҳудуддаги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари бўйлаб маҳсус режа-жадвал асосидаги ижодий сафарларини ташкил этиш.	<p>1. Ижодий сафарларнинг режа-жадвалини ишлаб чикиш.</p> <p>2. Ҳар бир таълим муассасасида режа-жадвал асосида ижодий сафарлар уюштириш.</p> <p>3. Ўтказилаётган ижодий сафарлар мониторингини олиб бориш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>режа-жадвал асосида</p> <p>мунтазам</p>	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
22.	Талаба ва ўқувчи қизлар ўртасида "Қиз бола - бўлғуси оила бекаси" мавзусида давра сухбатлари ташкил этиш.	<p>1. Мазкур масала бўйича дастур ишлаб чикиш.</p> <p>2. Дастур асосида мутахассис тарғиботчилар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Ҳар бир таълим муассасасида учрашув, давра сухбати ва семинар-тренинглар ташкил этиш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил октябрь</p> <p>2018 йил сентябрь - декабрь</p>	Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

23.	"Талаба ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этиши.	1. Конференцияни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳни ташкил этиши. 2. Конференцияни эълон қилиш ва унинг ахборот хатини тарқатиши. 3. Конференция мақолаларини йиғиб олиши. 4. Конференцияни ўтказиш. 5. Конференция материаллари асосида хулоса таклифлари тайёрлаш.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь 2018 йил сентябрь - октябрь 2018 йил ноябрь 2018 йил ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, манфаатдор вазирлик ва идоралар
24.	Талабалар ва ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга доир ишлар тизимини тадқиқлаштиришга қарати лган илмий тадқиқотлар олиб бориш учун эълон қилинган грант танловлари натижасига кўра илмий грантлар ажратиш чораларини кўриш.	1. Илмий грантлар мавзуларини аниқлаш бўйича эксперт комиссиясини тузиш. 2. Илмий грантлар мавзуларини эълон қилиш. 3. Грантларда эълон қилинган мавзулар бўйича тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш чораларини кўриш.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь белги-ланган муддатларда	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
25.	Таниқли ва юқори илмий салоҳиятга эга академик ва профессор-ўқитувчиларнинг онлайн тарздаги видеодарсларини ташкил этиш тизимини	1. Мазкур масала бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиши. 2. Режа-жадвал асосида академик ва профессор-ўқитувчилар рўйхатини	2018 йил сентябрь 2018 йил сентябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларин

	жорийқилиш.	шакллантириш ва дарс жадвалини ишлаб чиқиш. 3. Ҳар бир йўналиш бўйича академик ва профессор- ўқитувчиларнинг онлайн видеодарсларини ўтказиб бориш.	тасдиқ-ланган режа-жадвалга мувофик	и ривожлантириш вазирлиги, Фанлар академияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
26.	Таълим муассасаларида "Оила - маънавиятқўрғони", "Шукроналик - улуғ неъмат", "Ободлик кўнгилдан бошланади" мавзуларида мутахассислар иштирокидаги учрашув, давра сухбати ва семинар-тренинглар ташкил этиш.	1. Мазкур масала бўйича дастур ишлаб чиқиши. 2. Дастур асосида мутахассис тарғиботчилар рўйхатини шакллантириш. 3. Ҳар бир таълим муассасасида учрашув, давра сухбати ва семинар-тренинглар ташкил этиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил сентябрь 2018 йил август-декабрь	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси
27.	Талабалар ва ўқувчиларда шукроналик ҳиссини янада кучайтиришга қаратилган "Эзгу ишларга дахлдорлик - улуғ фазилат", "Лоқайдлик - жамият кушандаси" мавзусида илмий-ижодий танловлар ташкил этиш.	1. Танловлар низомини ишлаб чиқиши. 2. Низом асосида танловларни юқори савияда ташкил этиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил сентябрь - декабрь	Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси

**Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 17 сентябрдаги
736-сон қарорига
З-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат"
маркази ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш разядлари
1.	Директор	*
2.	Ташкилий, маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича директор ўринbosари	**
3.	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, маданий дам олишни ташкил этиш ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича директор ўринbosари	**
4.	Бўлим бошлиғи	16
5.	Психолог	15
6.	Услубчи	14
7.	Бош бухгалтер	14
8.	Бош юрисконсульт	12
9.	Журналист-мухаррир	12
10.	Бош дастурловчи	12
11.	Таржимон	12
12.	Бош ижтимоий ходим	12

13.	Ахборот хавфсизлиги бўйича бош мутахассис	12
14.	Видео-фото тасвир бўйича бош мутахассис	12
15.	Видео монтаж бўйича бош мутахассис	12
16.	Аудио монтаж бўйича бош мутахассис	12
17.	Веб-дизайнер	12
18.	Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими мудири	10
19.	Иқтисодчи	8
20.	Девонхона ва архив бўлими мудири	7
21.	Кадрлар бўйича инспектор	6
22.	Архивариус	4
23.	Ғазначи	4

**) мос равишда олий таълим муассасасининг факультет декани базавий лавозим маошига тенглаштирилади;*

***) мос равишда олий таълим муассасасининг факультет декани ўринбосари базавий лавозим маошига тенглаштирилади;*

Марказнинг хўжалик ва хизмат кўрсатувчи ходимлари сони ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаши миқдорлари - олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлар ва меҳнатга ҳақ тўлаши миқдорига мос равишда белгиланади.

**Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 17 сентябрдаги
736-сон қарорига
4-ИЛОВА**

**Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузурида
"Маънавият ва маърифат" марказини ташкил
этиш тўғрисида" 2011 йил 12 январдаги 11-сон
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2 ва 3-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 7-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида "Ижтимоий соҳа" учун назарда тутилган маблағлар доирасида Марказни сақлаш ва унинг фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан "Маориф" соҳасига ажратиладиган харажатлар параметрларида назарда тутсин".

3. 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz),

2018

йил

19

сентябрь